



ИСЛОМ КАРИМОВ

МАМЛАКАТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ
ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ
БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ИСЛОМ КАРИМОВ

16

16

“УЗБЕКИСТОН”

66.3(5Ў)6
K25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 16-жилидан давлатимиз раҳбарининг 2007 — 2008 йилларда республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари йигилишлари, турли халқаро анжуманлар, тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари ва маъruzалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-01-297-4

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2008 й.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙӮЛИ

Мұхтарам дүстлар!

Шу кунларда халқымиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик қутлуг санасини көнг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик күрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуг, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини көнг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуuriга етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг танқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришга тўла ҳақлидир.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандалилкка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган миллий фуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини кўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишига тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқдол ўзбек ҳалқига туҳфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чукур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бутунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажра-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛІДА**

тиш тұғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳаф бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос мухим ўрин эгалтайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нұқтаи назардан баҳолар эканмиз, қатый ишонч билан айтиш мүмкінки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991—2000 йилтар мамлакатимиз ва халқимиз хаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маңнода тарихий ахамиятта эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий хаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳадарни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда фоят мухим роль ўйнаган давр бўлди.

Биз мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришига азму қарор қилидик.

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган куйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

биринчидан — иқтисодиётнинг мафкурадан холлилти ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

иккинчидан — давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислоҳотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

учинчидан — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий начор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

бешинчидан — ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, «шок терапияси» деб аталган турли усуслардан воз кечиши. Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халқга зулм ва зўравонлик, қон тўкиш ва талафотлар келтирган.

Ушбу тамойиллар аввалимбор бизнинг коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечганимиз-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

нинг яққол ифодаси бўлиб, йигирманчи асрнинг 90-йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттириди ва мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ принципиал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Биз айнан ана шу тамойиллардан келиб чиқсан ҳолда, янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этишга киришдик. Айнан ана шу тамойилларни амалга ошириш зарурати туфайли «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмант», «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди.

Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет ҳудудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқлик-

ИСЛОМ КАРИМОВ

нинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этди.

Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мурраккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчиллик остонасига келиб қолганини ўзимизга бир тасаввур қиласайлик.

Табиийки, бундай ҳол, аввало, бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин, энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилгани, бирёқлама ривожланиши ҳисобидан мўрт ва ноҷор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида, улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллый валютамиз эса ҳали жорий этилмаган эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин, ҳатто йилига минглаб фоизга ўсиб кетишини жиловлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи галда илгари шаклланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимиning парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, худудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоклар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши фоят жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдизлари совет давлатининг сўнгги йилларига бориб тақадидиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Бу ўринда авваламбор эл-юртимиз бошидан кечирган 1984—1989 йиллардаги мудҳиш қора кунларни эслаш кифоя, деб ўйлайман. Ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган но-

розилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСС Марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, «десантчилар» деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.

Бу ҳақда гапирганда, Кувасой, Фарғона ва Кўқон, Наманган, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятили кучларнинг қабиҳ ва узокни кўзлаган бузгунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичидаги қолиб кеттан ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазијатни портлатиб юборган бўлур эди.

Республикада вужудга келган бундай ўта мурракаб ва фожиали шароитда ўзини йўқотмасдан, босиқлиқ, чидам ва бардош билан иш тутиш, қатый сиёсий иродани намоён этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишига қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш

учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш фоят муҳим аҳамият касб этган эди.

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иктисодий, минерал ҳом ашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимиз нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаш ўринлиdir.

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон хуқуқларининг давлат манфа-

атларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Асосий Қонунимизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётсиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимиға барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятта эга эди. Шу мақ-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

садда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизиминг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатилди, маҳаллий ҳокимият органдарини ташкил қилинди — вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими — маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳукуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳукуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.

Тўртингидан, қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва худудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиласиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоаггрессия каби қучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган.

диган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бутунги замонавий таҳдид ва хатарларни чукур таҳдил этиш асосида «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги қонун хужжатлари қабул қилинди. Шу тариқа юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиласидан хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳукуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳукуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди.

Биз шахс ва оиланинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳукуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик.

Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тублан ислоҳ қилиш мам-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

лакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимиизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқовқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва фалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа фурсат ичида ўзимиздаги углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди,

Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўлмаган Шўрган газ-кимё мажмуаси каби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу корхонада тайёрланаётган суюлтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб кагта эканини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик корхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар ортди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмини ҳам кўпайтиришга эришди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларини барпо этганимиз туфайли мустақиллик йилларида автомобиллар сони кескин ошиди ва ҳар 100 оиланинг автомобиль билан таъминланиш даражаси 6 баробар ўсади. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизда бензин ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда.

Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммонинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собиқ СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хом ашёси тайёрлар, фалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди.

Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги шу қадар авжига чиққан эдики, масалан, Андижон вилоятидек аҳоли зич яшайдиган худудда экин майдонларининг 88 фоизини ғўза эгаллаб олган эди. Фақат ҳовлиларга, томларимизга пахта экмасдик, холос.

Холбуки, ўша йилларда етиштирилган пахта хом ашёсининг 7 фоизигина мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқарилар эди.

Ачинарлиси, бизнинг нафсониятимизга тегадиган томони шу эдики, Ўзбекистон бутун социалистик лагерга кирадиган давлатларни пахта то-

ласи билан таъминлайдиган бир ҳолатда собиқ иттифоқ таркибида ўзини ўзи боқолмайдиган энг қолоқ республикалар қаторига тушиб қолган эди.

Шунинг учун мустақилликнинг қадрини ҳали тўла тушуниб етмаган (агар шунаقا инсонлар ҳали-бери мавжуд бўлса), ҳанузгача эски совет пайтидаги ҳаётни қўмсаб турадиган одамлар шуни яхши билиб олсинки, собиқ тузум даврида жар ёқасига келиб қолган Ўзбекистон, ўзбек миллати мустақиллик туфайли тараққиётнинг катта йўлига чиқди, ўзининг тили ва динига, миллий қадриятларига қайтадан эга бўлди. Буни тушуниш, англаш учун тарихни яхши билиш, уни доимо ёдда тутиш лозим. Тарихни унутган халқ келажакни йўқотади.

Ҳеч кимга сир эмас, совет даврида Ўзбекистон нафақат Россия ва бошқа иттифоқдош республикаларни, балки социалистик лагерга мансуб мамлакатларнинг аксарият қисмини ҳам пахта толаси билан таъминлаш, айни пайтда турли минерал хом ашёлар, авваламбор, рангли ва қимматбаҳо металлар етказиб бериш масаласида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Айниқса, республикамиз дунё бозорида доимо юқори талабга эга бўлган юксак сифатли олтин ишлаб чиқариш бўйича СССР миқёсида муҳим ўрин тутар эди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимиз заминидан қанча ҳажм-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
НІ ГІСОДИЕТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шу олтин қазиб олинаётгани ўнинг қаёққа олиб кетилаётгани ва халқаро бозорда қандай нархда сотилишидан Ўзбекистонда амалда камдан-кам оғиз хабардор эди. Бу ҳисоб-китобларнинг барчаси фақат собиқ Марказдаги маҳсус вазирликни идоралар қўлида эди. Ўзбекистонда эса на Молия вазирлиги, на хукумат, на республиканинг биринчи раҳбари бундан хабардор эмас эди, лесак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар очиқ айтадиган бўлсак, бу масалани билдиш у ёқда турсин, ҳатто унга қандайдир қизиқни билдириш, бу мавзудан гап очиш ҳам Ўзбекистоннинг бошқарув идораларида қатъий ман этиб қўйилган эди.

Адолатсизлик шу даражага етган эдики, ана шу олтиннинг қиймати ва айланмаси СССРнинг ялпи ички маҳсулоти ва миллий даромади таркибига Ўзбекистоннинг ҳиссаси сифатида киритилмас эди.

Кўпгина бошқа далиллар қаторида бундай таъсирчан мисол умумиттифоқ майдонида қайси республика қандай ўрин эгаллаши ҳақидаги маълумотлар сохта асосда кўрсатилганини ва мафкуравий сиёsat таъсирида бўлганини яққол исботлайди. Шу билан бирга, совет даврида Ўзбекистон ва ўнинг меҳнаткаш халқи ҳақида тарқатилган бўхтонлар, гўёки биз бокиманда бўлиб, кимдир бизни Марказдан туриб боқиб келгани тўғриси-

даги уйдирма гаплар мутлақо ноўрин бўлганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Айни шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларини авваламбор халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш, уларни мамлакатимиз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ биз дуч келган ўткир муаммолар ечимини топиш мақсадида сафарбар қилиш энг муҳим ва долзарб вазифага айланганини бугун тушуниш қийин эмас.

Бошқача айтганда, биз учун янги бўлган ана шундай фоят муҳим масалани ўз вақтида ҳал қилганимиз, яъни бу бойликларни Ўзбекистоннинг олтин-валюта захираси сифатида жамғариш ва сақлашга эришганимиз, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир қадам бўлган эди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз бошимиздан кечирган бундай синовларни ҳозирги кунда ҳаётга кириб келаётган ёшлиримиз албатта билиши, юртимиз истиқоли қандай оғир кураш ва машаққатлар эвазига қўлга киритилганини англаб яшаши лозим, деб ўйлайман.

Ўша даврларни эслаганда, биз учун энг зарур, ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлмиш аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан гўшт, сут, юз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш

борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келганини таъкидлаш керак. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди.

Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди. Бугун эса халқимизнинг картошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз фалла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимизга устувор вазифа қилиб кўйдик. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарап етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг фаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга фалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, фалла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳо-

лисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди.

Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мурракаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган деҳқон ва фермерларимиз, қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида тапиргандан, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Дастлабки йиллардаёқ биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устувор аҳамият касб этди. Хусу-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

сий мулк конституциявий асосда ишончли ка-
фолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бутун-
лай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусу-
сийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда
амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулк-
дорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо
бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаёти-
да тобора салмоқли роль ўйнамоқда.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган,
бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган
молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда
ўз миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам
улкан аҳамият касб этди.

Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъ-
ий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани
йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин,
биз 2003 йилдаёқ унинг эркин конвертация қили-
нишига эришдик.

Замонавий икки поғонали банк тизимини яра-
тиш орқали мустақил пул-кредит сиёсати юри-
тиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият до-
ирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ўзаро
самарали муносабатини таъминлаш имконияти
пайдо бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиёти-
миз маффаатларини барқарор ва ишончли тарзда
қондириб боришига эришилди. Хўжалик юритув-

чи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги сезиларли даражада ошди.

Ижтимоий нуқтаи назардан бошланғич босқичда, иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёsat юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшали бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка муҳтож оиласаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади.

Бу авваламбор зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатан ҳам ночор қатламларини қўллаб-куватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчилкларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Шу тариқа биз юртимиизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда ислоҳотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-куватланишига ҳам эришдик.

Бу даврда амалга оширган ишларимиз қаторида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Куролли Кучларимиз-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА**

Нинг шакллантирилиши фоят муҳим аҳамият касб этди.

Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган шароитда, Куролли Кучларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудофаа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарор бўлди.

Кадрлар, энг аввало, офицерлар таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, армия сафларини миллий кадрлар билан тўлдириш, уларниң тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини тъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиздан жанговар техника ва қуроллар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди.

Кейинчалик, минтақамиздаги тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, армияни ислоҳ қилиш бўйича янги принциплар негизида Куролли Кучларни барпо этиш ва ташкил қилинга асосланган, хавфсизликка таҳдид соладиган реал хавф-хатарларни назарда тутадиган узоқ муддатга мўлжалланган дастур шакллантирилди. Ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида миллий армиямиз ташкилий жиҳатдан янгича таркибий тузилишга эга бўлди, қисқа муддатда ҳар-

бий округлар, чегаравий миңтақалар ташкил этилди, Қуроли Кучларни бошқаришнинг бутун тизими, бирлашма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича қучларнинг бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона ҳаракатларига қарши муносиб зарба беришга қодир қудратли куч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган ҳалқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилингани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда якунлангани армия-

мизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Сержант ва офицер кадрларни тайёрлашнинг ахборот ва компьютер технологияларига, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган самарали тизими ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оиласаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур турагжой ва майший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилинди. Сўнгги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори икки баробардан зиёд оширилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Тарихимизнинг ана шу ўтган даврини сарҳисоб қиласар эканмиз, ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларга тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10—15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакилицлик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан, чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шугулланарди, холос. Ўша даврда ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган бир амалдор айни пайтда коммунал хўжалик соҳасини ҳам бошқарганининг ўзиёқ бу масалага қандай юзаки қаралганини кўрсатиб турибди.

Истиқдолнинг биринчи кунларидан бошлаб ўта муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар соҳасида энг мақбул йўлларни топишга тўғри келди.

Фоят қисқа фурсатда бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик эса, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқарув органдари тузилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди.

Мустақиликка қадар юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчинчонаси йўқ эди. Ҳозирги

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини ино-батга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чукур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда обрў-эътиборининг ортиб боришини таъминлади.

Кейинги даврларда ўзига обрў топмоқчи бўлган «қўп векторлик сиёсат» олиб бориш деган турли қараш ва ёндашувлар ҳақида чиқишлиар бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг таг-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди – Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

ИСЛОМ КАРИМОВ

каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихти-
сослашган халқаро тузилмалар ишида фаол ишти-
рок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш,
Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд бар-
по этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айла-
ниши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжа-
мият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни
хал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда мил-
лий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялан-
ган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замо-
навий демократик жамият куриш йўлидаги мурак-
қаб ва кент кўламли вазифаларни хал этишга қодир
бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи
муҳим принципиал ва хал қилувчи аҳамиятта эга.

Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бу-
гуни ва келажаги учун масъулиятни чукур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадр-
ларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мус-
тақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта
муҳим ва хал қилувчи масалага айланган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1997
йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган
Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинга-
нидан барчангиз яхши хабардорсиз. Ўзининг маз-
мун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган ушбу дастур 12
йиллик таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг ях-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

лит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактабларидағи тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик маҳсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз олий ўкув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса маҳсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2—3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан бўён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўкув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши, янги дарсликлар ва маҳ-

ИСЛОМ КАРИМОВ

сус ўкув қўлланмалари яратиш орқали таълим жа-
раёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди.
Шуниси айниқса муҳимки, ихтисослашган олий
ўкув юртларида академик лицей ва коллежлар учун
замон талабларига жавоб берадиган янги тоифа-
даги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга
кўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар
амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тай-
ёрлашнинг Европа тизимиға ўтилди. Бугунги кунда
мамлакатимизнинг 65 та олий ўкув юртида 850
йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга
яқин талаба билим олмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар то-
монлама жихозланган ўкув юртларини барпо этиш
учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюд-
жетдан ташқари маблағлар йўналтирилди.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига
йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакати-
миз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан
ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсат-
кич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон ўзининг миллий Фанлар акаде-
миясига эга бўлиб, унинг таркибида улкан ил-
мий-техник салоҳиятта эга бўлган 43 та академик
институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Та-
биий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, ис-
сиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериал-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

шунослик, биология, микробиология, кимё ватабиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки қунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчангизга яхши маълум.

Бу борада айниқса юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳукуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бафрикентлик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маъна-

ИСЛОМ КАРИМОВ

вий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мағкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва баразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби хавфхатарлар бизга қандай заарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Бундай бало-қазоларга қарши курашда, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилишда нималарга таянишимиз зарур? Аввало, тўғри тарбия, соғлом турмущ ғояси, фақатгина қаттиқ ирода ва иймон-эътиқод ҳисобидан бунга эришиш мумкин. Мен, бизга мустақил фикрлайдиган авлод керак, деганда ана шу ҳақиқатни назарда тутаман.

Айнан ана шундай ўз кучига ва иродасига ишонган, кенг фикрлайдиган билимли ва маданиятли ёшларимиз ҳар қандай бузгунчи оқим-

ларга берилмасдан, ҳаётда ўз йўлини топиб олиши муқаррар.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни 1991—2000 йиллар давомиди ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилас эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикамизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди, деб айтишти барча асосларимиз бор.

Тарихан қисқа вақт ичидаги совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимиға барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта хуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамоилилари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқарashi, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.

Бугун янгича фикрладиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жа-

ҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар мукаррарлигининг ишончли кафолатидир.

Мухтасар айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойdevор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари — сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабхаларини янада демократглаштириш ва эркинлаштириш, мустаҳқил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатdir.

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳил қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

Бу борадаги асосий вазифа қуи палата – Конунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата – Сенатни худудлар манфаатларини ифода қиласидиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун хужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва худудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий хаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Икки палатали парламентимизнинг ҳукуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг

янада мувофиқлашувини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата – Сенатта ўтказиш, шунингдек, Баш вазир хукуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-хуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация килишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўгрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул килиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур

вазифаны ҳал этиш мақсадида парламентдаги күпчилик ва парламентдаги мухолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палата-си Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-хукуқий чоралар кўрилди.

Қабул қилинган ушбу хукуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фа-олиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишда-ги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

Хусусан, Бош вазир лавозимига номзод бўйи-ча сиёсий партиялар фракциялари билан масла-хатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилгани давлат қурили-ши соҳасида демократик ислоҳотларни чуқурлаш-тириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кен-гашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳоким-ларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш хукуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳәтидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштиришин ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда суд-хукуқ тизимини хукукий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий кисми сифатида чукур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятта эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга

нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фукароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган конунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс садо берди.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонпарвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, де-

ИСЛОМ КАРИМОВ

сак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади.

Қамоққа олишига санкция бериш ҳукуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳукуқий механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳукуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳукуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қиласди.

Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунуқтаи назардан қараганда, бугун мамлакатимизда

5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият кўрсатётгани дикқатга сазовор.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-хуқуқий база, иқтисодий ва хуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди десак, янгишмаган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, биз уларга аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захирализмнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиқсан ҳолда баҳо берамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўлами, туб ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгти йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор

ИСЛОМ КАРИМОВ

хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Республикамизда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида бу кўрсаткич ҳанузгача ислоҳотлар бошланган даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.

Шуниси муҳимки, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари жаҳон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қиласди. Яъни, бизнинг иқтисодий ривожланиши миз экстенсив ўсиш ва фақат углеводород ҳом ашёсини зўр бериб тўхтовсиз қазиб олиш эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жихозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз.

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиб бораётгани иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида чукур иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга асосланганини яна бир бор тъя-

кидлаб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар давомида иқти-
содиётни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида
устувор вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида
ътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур
молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб
этилмокда.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжа-
лик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги-
ни ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг
тармоқли бозор инфратузилмасини шаклланти-
риш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколати-
ни кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжа-
лик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбир-
корлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги
тўсиқларни бартараф этиш — буларнинг барчаси
ислоҳотларни чукурлаштиришнинг ҳал қилувчи
йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзга-
ришларни амалга ошириш тоят муҳим аҳамият
касб этади. Бунинг негизини маҳаллий хом ашё-
ни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин
рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тай-
ёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етак-
чи ўринга чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳалари-
нинг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил
қиласди. Шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик
йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида сано-
атнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрса-

ИСЛОМ КАРИМОВ

тиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошиди.

Бутунги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқовқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоги ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилған фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция мухити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.

Солик юкини камайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда. Фақатгина 2000—2007 йиллар давомида даромад солиги 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солик микдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний

шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Сўнгти йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидан воз кечиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари том маънода қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ва самарали ривожлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, бу йўналишнинг локомотивига айланди. Бу соҳада бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қурилди.

Хозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлангани эътиборга сазовордир.

Айни лайтда юртимиизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига ҳам республикамизни жадал тараққий толтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгти йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиласиган Навоий—Нукус, 223 километрлик Тошгузар — Бойсун— Кумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобиль йўлининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хом ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўтган даврда кўлга киритган салмоқли ютуқ ва натижаларимиз халқимизнинг даромадлари ва фа-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
НӘГІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА**

ровонлигини изчил равишда ошириб боришни таъминлаш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Барчамизга маълумки, аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръати энг муҳим кўрсатичлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда гапирганда, аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охирига бориб республикамизда ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 доллар даражасига стиши кутилмоқда.

Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2—2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичida ҳалқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришашётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди — мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналаридан

ИСЛОМ КАРИМОВ

ри билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим.

Биз учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ муммоловарга катта эътибор қаратиб, бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни изчил амалга ошираётганимиз мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш учун имкон яратди. 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайгани ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало қишлоқ жойлардаги одамларнинг турмуш шароити изчил тарзда яхшиланмоқда. Истиқдол йилларида 36 минг километрлик сув кувурлари, 72 минг километрлик газ тармоқлари ишга туширилди. Бу 1991 йилта қадар эришилган натижаларга нисбатан тегишли равишда 2 ва 4 баробар кўп демаклир.

Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бутунги кунда 84 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни саклаш ва аҳоли саломатлигини мухофаза қилиш алоҳида ўрин тувишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу борадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларидан бири ниҳоясига етмоқда. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори миљакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг энг муҳим ва конкрет натижаси бўлганини қайд этиш зарур. Махсус ташкил этилган республика маркази бу тизимга раҳбарликни ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминламоқда.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган З мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани бу соҳадаги катта қадам бўлди, десак, тўғри бўлади.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Натижада кейинги 2—3 йилда соҳа ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд қўпайди.

Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юқсак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда юқори малакали мутахассислар жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшаётгани бу борадаги ислоҳотларимизнинг яна бир амалий ифодасидир.

Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиласидиган кенг тармоқли скрининг марказларининг ўрни ва аҳамияти қанчалик катта экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу ракам 24 тага тушди, гўдаклар ўлими эса илгари 1000 нафар чақалоқча 35 тадан тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда 14 тага тушди.

Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли ра-

вишда органини мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўргача умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайганини одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг аниқ ва яққол натижаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Азиз ватандошлар!

Ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу стратегия авваламбор тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришларни чукурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёsat юритиш ва жаҳон хўжалик тизимиға интеграциялашишга қаратилган йўлимизни бундан буён ҳам изчил давом эттиришни таъминлаши даркор.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга кўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз – Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлақатлар сафидан ўрин олишига эришиц борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Хамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлик амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин хам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат-хуқуқ ва суд соҳасида амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларимиз пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносаб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор.

Муҳтарам ва қадрли ватандошларим!

Бугун сиз, азизларга мурожаат этиб, барчангизни қутлуг айём – Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этар эканман, қалбимни, юрагимни эзгу ва юксак туйгулар қамраб олаётганини айтмоқчиман.

Мана шу ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

на олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради.

Бугунги мажлис, бугунги маърузадан келиб чиқадиган фикр ва хуносалар, ўйлайманки, барча юртдошларимизни ўн олти йиллик тараққиёт йўлимизга яна бир бор назар ташлашга даъват этади. Шу заминда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан, қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиздан кўнгли тоғдек кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор қилиб яшashi табиий.

Албатта, амалга оширган барча буюк ишларимиз, эришган ютуқларимиз — ўзимизники, уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Лекин келгусида бундан ҳам юксак мэрраларни қўлга киритишга, бутун дунё, авваламбор тараққий топган давлатлардан кам бўлмаган эркин фаровон ҳаётта эришиш учун доимо олдинга интилиб яшашимиз керак.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бутун маърифий дунё кечираётган озод ва обод ҳаётга эришиш учун куч ва салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, энг муҳими, азму шиҷоатимиз ҳам етарли.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ишончим комилки, Ватанимиз истиқболини ўйлаб бошлаган барча улуф ишларимизни албатта охирига етказамиз, ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришамиз, иншоолло.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг
Ўзбекистон мустақилигининг 16 йиллигига
багишланган қўшима мажлисидаги маъруза,
2007 йил 30 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам мөхмонлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуф ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақилликгининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чукур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан баҳтиёргман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли мөхмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан кутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда фоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши

ИСЛОМ КАРИМОВ

англаймиз. Бироқ биз учун том маңнода янгила-ниш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ой-лар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак мэрралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз бо-сиб ўттан йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш ло-зимки, шу йиллар давомида юргимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган мэрраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишибилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг бекиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиласман.

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛИДА**

Хурматли юртдошлар!

Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида күлга кириктан салмоқлы ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайды.

Айни пайтда бугун олдимизда турган мұхим ва долзарб вазифалар ўттан давр мобайніда барпо этилған салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-күдратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртапты истиқболимиз, әзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қиласы.

Бу ҳақда гапирғанда, авваламбор, қуидаги-ларга эътибор бериш керак, деб ўлтайман.

Бириңчидан, эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиә бўлмасдан, ўз олдимизга юксак мэрралар, узоқ ва давомли әзгу мақсадларни қўйиб яшшимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётилизмининг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оиласларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайніда ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2–2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.

Иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар,

ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатлари ни кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлаш, суд-хуқуқ тизимини та-комиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиш керак.

Учинчидан, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирилик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-кудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қиласди.

Тўртингчидан, эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшлиаримизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бешинчидан, юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўргасида тотувлик-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик мухитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз «Ижтимоий ҳимоя йили» бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яққол амалий инфосини топаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.

Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган мэрраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, фурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Но Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқбол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Эл-юргимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2007 йил 31 август

ОЗОД ВА ОБОД ЎОРТ ДУРДОНАСИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз, азизлар билан қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шу табаррук заминда тўпланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало, кўпни кўрган, бағрикенг ва оққўнгил Марғилон элинини, Фарғона водийиси аҳлини, бутун халқимизни ана шу қутлув айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этажёттан чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни саимимий қутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халқимиз номидан эзгу тилаклар билдиришига ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!
Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончили ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий

ИСЛОМ КАРИМОВ

шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодлари-мизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олиниши, албатта, барчамизга катта фурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан ҳам, бундан йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак дехқончилик ва сугориш маданияти олис замонларда шакллангани ва равнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машхур бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўпгина ўзига хос белги-аломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазищмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдеворини қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Албатта, бу ҳолнинг асл сири ва сабабларини аниқлаш учун ҳали яна кўп тадқиқот ва изланышлар олиб бориш талаб қилинади.

Милоддан олдин пайдо бўлиб, Хитойдан то Испаниягача бўлган бепоён ҳудудни қамраб олган Буюк Ипак йўли қанча-қанча манзилу мақонларни кесиб ўтган. Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, бугун ана шу шаҳарларнинг аксарияти фақат қадимий хариталарда сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Лекин Буюк Ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаётган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади.

Айниқса, бу гўзал диёр ҳанузгача бутун дунёни мафтун этадиган шоҳию адрес, ипак маҳсулотлар маркази бўлиб қолаётгани, бундай ўта нозик хунарнинг моҳир усталари шу юртда камолга етаётгани ҳам шуни исботлайди.

Айни пайтда Марғилон шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ривожида ўзига хос из қолдиргани ҳам ҳозирги кунда кўп-кўп илмий далиллар асосида аён бўлмоқда.

Бунинг тасдигини, аввало, олис ўтмишда бу ерда мустаҳкам қалъя ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чақирик наридан кўринадиган баланд минора мавжуд бўлгани, пул чиқариш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин.

Марғилон ҳақида сўз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зўр инсонлар, яъни, энг ботир полвонлар Марғилон заминидан чиқади, деган сўzlари, ҳеч шубҳасиз, бугунги ҳақиқатни ҳам ифода этади. Ўз-ўзидан равшанки, барча кўхна шаҳарлар қатори Марғилон ҳам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур ўғлонлари, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз юртини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлгани, фидойилити ва матонати ҳисобидан Марғилон шаҳри, мана, икки минг йилдирки, ўзлигини сақлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, безавол яшаб келмоқда.

Шу борада Марғилоннинг муқаддас ислом динимиз, мусулмончилик ақидаларининг равнақ топишига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Бу шаҳарнинг тарихий қиёғасини ўзида музассам этган Пурсиддик мажмуаси, Улуғмозор

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
НҚТСИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

зиёраттоҳи, Увайсий мақбараси, Хожа Сайд Аҳмад мадрасаси каби қатор меъморий обидаларни қайта тиклаб, тубдан таъмирлаганимиз бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида яна бир амалий қадам бўлди.

Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар, аввало, Аллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Биз Марғилон деганда, аввало — нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг муборак номларини хурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «Ҳидоят йўлининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қўмматини сақлаб келмоқда.

Марғилоннинг мўътабар заминида бу улуғ зотнинг кўплаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида бекиёс

ИСЛОМ КАРИМОВ

хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.

Айниқса, ислом хуқуқи ва фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳасан Марғиноний ва Заҳириддин Марғиноний, Муҳаммад Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, жамоатчиликка етказиш бўйича бошлаган ишларни давом эттиришимиз зарур.

Ана шундай сиймолар қаторида аёл қалбининг гўзаллиги, пок мұҳабbat, вафо ва садоқат туйғуларини куйлаб ўтган атоқли шоира Жаҳон отин — Увайсий ўзининг бетакрор ижоди билан тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди.

Энг мұхими шундаки, бундай бебаҳо мерос намуналари бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодимизни иродаси бақувват, иймон-эътиқодини мустаҳкам этиб тарбиялашда бекиёс хизмат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу улуф зотларнинг руҳи покларини шод қилиш мақсадида уларнинг қадамжоларини ҳар томонлама обод қилиб, хотираларига хурмат-эҳтиром бажо келтираётганимиздан, аввало, ўзимиз руҳий қувват, маънавий мадад топмоқдамиз.

Азиз дўстлар!

Марғилон заминининг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Лекин бу шаҳарга минг йиллар давомида алоҳида файз ва тароват багишлаб келаётган Марғилон аҳлини ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улуғласак арзиди, албатта.

Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, ширин сўз ва муомала, одоб-ахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади.

Шахсан мен Марғилоннинг чехраси очик, юзкўзидан нур ёғилиб турадиган фариштадек нуроний оқсоқолларини кўрганда, уларнинг қўлини олиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, марғилонча айтганда, отамлашиб суҳбат қургим келади. Ўзининг меҳнаткаш ва чеварлиги билан ном қозонган, отабоболаримиздан қолган ажойиб касбу ҳунарларнинг соҳибаси бўлиб, шу билан бирга, замонавий билим ва малака эгаси бўлмиш Марғилон аёллари, меҳрибон ва муnis аяжонлар ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинга сазовордир.

Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади.

Биз Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан ана шу одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб

кўйиб, янги уй-жойлар, бозор ва дўконлар, замонавий корхоналар қуриш, янги-янги йўллар, газ ва сув, алоқа тармоқларини барпо этиш, тиббиёт ва транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, марғилонликларнинг ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, Марғилонда туғилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган болаларимизнинг истиқболини ўйлаб, уларнинг соғлом ва баркамол вояга этиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мана шу юбилей тадбирларининг асосий мақсади ва моҳиятини белгилайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўтган қисқа муддатда шаҳарда янги тиббиёт коллежи ва замонавий мактаблар, Ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув саройи, муҳташам амфитеатр барпо этилгани, Болалар ижодиёти маркази, бир қатор мактаб ва боғчалар, 7 та поликлиника капитал таъмирлангани, шаҳар тугуруқхонаси тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ва бошқа кўп-кўп ишларимиз барчамизга катта мамнуният етказади. Нега деганда, бу дунёда одамзод учун ўз фарзандининг баҳтини, камолини кўришдан ортиқ саодат йўқ.

Марғилоннинг кутлуг тўйи муносабати билан бу ерда бажарган ишларимиз ҳақида кўп гапир-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

масдан биргина рақамни келтириш ўринли деб биламан.

Шаҳардаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жами бўлиб 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам дўстлар!

Марғилон деганда, ўзбек маданияти тарихида улкан ўрин тутадиган буюк санъаткорлар сиймоси беихтиёр кўз ўнгимизда жонланади.

Мана шу заминда униб-ўсган, ҳар бири ўзига хос бетакрор ижодий мактаб яратган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним ва Гавҳархоним, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов, Саодат Қобулова ва Берта Давидова сингари ўнлаб мумтоз санъаткорларимизнинг номларини эл-юртимиз ҳамиша эъзозлаб келади.

Айнан Марғилондан — ҳаётни, гўзалликни севадиган, адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, истеъдод ва қобилиятни юксак қадрлайдиган одамлар яшайдиган маънавий муҳитдан мана шундай улуф санъаткорлар етишиб чиқиши асло тасодиф эмас, аксинча, қонуний бир ҳол, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Буюк адабимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романида гўзал ва оқила Кумуш

сиймосини айнан ҳаётдан олиб тасвирлагани учун ҳам орадан юз йил ўтган бўлса ҳамки, китобхон халқимиз Марғилон деганда, аввало, ана шу ўлмас образни хаёлидан ўтказади.

Буларнинг барчаси Марғилон аҳлининг асл инсоний фазилатлар, миллий қадриятларимизни қанчалар эъзозлаб, кўз қорачифидай асраб келаётганини, унинг маънавий олами нақадар бой ва юксак эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу фурсадан фойдаланиб, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, шу тўйни ўтказишга муносиб ҳисса қўшган, Марғилон шаҳрини доимо ҳурмат билан тилга оладиган узоқ-яқиндаги барча дўсту биродарларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Марғилон шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамнинг ҳавасини уйғотадаган янги равон йўллар, гўзал майдон ва хиёбонлар, шинам тураржойлар, маданий-маиший иншоотларни бунёд этишда фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва муҳандислар, ана шу эзгу ишга хизмати сингтан барча инсонларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Марғилоннинг 2000 йиллик санасига бағишлиланган саъй-ҳаракатларимиз, амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирав эканмиз, бу байрамни Хива, Самарқанд ва Бухоро, Қарши ва

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари қаторида ўтказилаётганини, авваламбор, юртимизнинг нақадар кўхна ва шонли тарихга эга бўлгани, биз яшаётган бу заминнинг ҳар қарич ери муқаддас эканининг яққол далили ва исботи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Агарки бу масалага холисона қарайдиган бўлсак, бундай юксак шарафга муносиб бўлган шаҳар ва масканлар юртимизда кўп. Фақатгина мана шу Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деб ном олган Кўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўхна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳар ва кўргонларнинг номларини улуғлаш ва уларнинг ҳам кутлуг саналарини кенг миқёсда нишонлаш — буларнинг барчаси бизнинг олдимизда турган катта вазифадир.

Насиб этса, уларнинг тўйларига бағишланган тайёргарлик ишларини ва тантаналарини барчамиз биргалиқда ўтказамиз, иншооллоҳ.

Азизларим, қадрдоnlарим!

Одамга мамнуният ва хурсандчилик етказиб, қалбимизни гуур ва ифтихорга тўлдирадиган мана шундай шукуҳли дамларда сизларга ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ишларингизга янгидан-янги омадлар тилайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Марғилон шаҳрининг, она Ўзбекистонимиз-
нинг шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Аллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда ма-
дадкор бўлсин!

*Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига
багишланган тантанали маросимдаги нутқ,
2007 йил 7 сентябрь*

ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ САОДАТДИР

Хурматли курултой қатнашчилари!

Азиз ватандошлар!

Аввалимбон, бугун сизлар билан учрашиб, дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Менга катта ишонч билдириб, навбатдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида мени номзод этиб кўрсатганингиз учун сизларга, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий кенгашига, унинг фаоллари ва аъзоларига, бу ташаббусни қўллаб-куватлаган барча сиз юртдошларимга самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, бу юксак ишонч мен учун ниҳоятда шарафли, шу билан бирга, улкан масъулият эканини жуда чуқур ҳис этаман.

Президент вазифасига, давлатни бошқариш лавозимига муносиб номзод ҳақида сўз борар экан, бу вазифа нақадар оғир ва ўта мушкул эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бунинг тасдифини жаҳондаги кўпгина давлатлар мисолида кўриш ва кузатиш мумкин. Айниқса, ўзимизнинг яқин тарихимизда, мустақилликни кўлга киритиш, уни ҳимоялаш ва ҳар қандай хавфхатарлардан асрарда, янги давлат, янги жамият асосларини барпо этиш ва юртимизнинг тараққиётини таъминлашда бу ҳақиқатнинг исботини кўрдик. Ва бу йўлдаги тўсиқлар, қийинчилик ва муаммоларни ечишда, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини асраб, бурнини қонатмасдан, ёруғ мэрраларга олиб чиқишида, бир сўз билан айтганда, мана шундай фоят масъулиятли ва мураккаб вазифаларни бажаришда давлат раҳбарининг роли ва таъсири қандай катта аҳамият ва моҳиятга эга эканини, ўйлайманки, яхши англаб олдик. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда, бу вазифага ўзини муносиб кўрган одам, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўз табиати, хусусият ва аломатлари билан:

Биринчидан, унга ишонган халқнинг ранг-баранглиги, турли миллат ва элатларни ўзида мушассамлаштирганини ҳисобга олиб, таъбир жоиз бўлса, ўз вужудининг ҳар қайси ҳужайраси билан шу халқнинг узвий ажралмас бир қисми бўлиши, аҳолининг дарду ташвишлари, орзу-интилишларини нафақат ўз қалби ва юрагидан ўтказадиган, балки уларнинг ечимини топиш ва ўз вақтида оқилона ҳал қилишга ақл-идроқи ва тажрибаси,

куч-ғайрати ва азму шиҷоати етадиган инсон бўлиши шарт.

Иккинчидан, бу вазифага ўзини лойиқ деб ҳисоблайдиган шахс ўз ҳалқи ва давлатининг миллий манфаатларини наинки тўла ифода этиши ва сабитлик билан ҳимоя қилиши, айни пайтда ҳар қандай ғов ва қаршиликка қарамасдан, уларни рӯёбга чиқариш йўлида бутуни борлигини багишлани, керак бўлса, жонини фидо қилиши зарур, десам, ўйлайманки, сиз, ҳурматли анжуман иштирокчилари мени тўғри тушунасиз.

Учинчидан, бу юксак лавозим мамлакатимиз олдида турган бугунги долзарб муаммоларни ечиш, энг муҳими, эртанги стратегик вазифаларни адо этишда, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор, ҳал қилувчи йўналишларини аниқлаш ва амалга оширишда огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишни, тез ўзгариб бораётган ҳозирги замонда, глобаллашув жараёнлари тобора кенг тус олаётган ўта таҳдикали бир даврда давлат ва жамият бошқарувида умрини ўтаб бўлган, ўзини оқламаётган услугуб ва тизимлардан бутунлай воз кечиб, фақаттина олдинга интилишни, ўткир онг ва тафаккурни, янгича фикрлаш ва доимий изланиш билан яшашни талаб қиласди, десам, бу ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бундай талаб ва ёндашувнинг негизида фақаттина

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати туришини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Табиийки, юқорида зикр этилган мезонлар масаланинг бир қисми, холос. Энг асосийси, танланган йўлнинг афзаллигига одамларни ишонтириш, эл-юртни эзгу тоялар атрофида бирлаштириш, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича пухта ва чукур ўйланган дастур ва режаларни ишлаб чиқишида бош-қош бўлиш, уларни амалга ошириш учун жамоатчиликнинг куч-кувватига таяниб, кечаю кундуз қандай қаттиқ меҳнат қилиш кераклиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Албатта, раҳбар учун зарур бўлган бундай ўта нозик, ноёб хусусият ва аломатлар, инсоний фазилатлар ҳақида ҳаётнинг пасту баландини биладиган, кўпни кўрган одамлар яна янги фикрларни билдириши мумкин. Лекин бундай вазифада ўтирган раҳбар унга нисбатан кўйиладиган кўп-кўп талаблар билан бирга, энг муҳими, ўзининг таъсирчанлиги, қатъият ва иродаси билан оммани бошқариши, уни турли қалтис қадамлардан асраб, тўғри йўлга бошлишта, ҳар қандай шароитда ҳам одамларнинг руҳини кўтариш, лўнда қилиб айтганда, ҳар қайси инсоннинг юрагига етиб боришга, унинг кучига куч, ишончига ишонч, гайратига гайрат кўшишга қодир бўлиши шарт.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Юқорида зикр этилган фикрларнинг бугун кун тартибига кўйилган асосий масалага, ҳеч шубҳасиз, бевосита алоқаси борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Яъни шу йил декабрь ойида бўладиган Президент сайлови ҳақида сўз борар экан, гап кўпроқ шахс, номзод ҳақида эмас, авваламбор, Ўзбекистоннинг келгусида олиб борадиган ички ва ташкисиёсати ҳақида, мамлакатимиз ва халқимизнинг эртанги куни ва тақдири хусусида бориши табиий.

Бошқача айтганда, гап босиб ўтган йўлимизни атрофлича баҳолаб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларни чуқур англаган ҳолда, **юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган сиёсатни изчил давом эттириш ва кўзлаган мақсадларимизга етиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан жой олиш ҳақида кетмоқда.**

Бугун халқаро жамоатчилик ва кузатувчилар, Халқаро валюта фонди, Жаҳон ва Осиё банклари каби дунёдаги энг нуфузли иқтисодий ва молиявий ташкилотлар Ўзбекистоннинг олдинга юриш ва тараққиёт йўлида эришган марра ва ютуқларини, ўзбек модели деб ном олган янгиланиш ва ислоҳотларни олиб бориш, уларни амалга ошириш борасидаги муваффақият ва натижаларни, мамлакатимизнинг дунё майдонида ўрни ва обрў-эътибори тобора ошиб бораётганини тан олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз ривожига 100 миллиард доллардан кўпроқ инвестиция, хусусан, 25 миллиард доллардан зиёд хорижий сармоялар жалб этилгани, иқтисодиётимизда улкан таркибий ва ижобий ўзгаришларга эришганимиз, шу жумладан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улущи 43 фоизни ташкил этаётгани аввало ўзимизга мамнуният етказиши, ўзгаларни эса ҳайратда қолдириши табиий ҳолдир.

Кейинги йиллар давомида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7~8 фоиздан кам бўлмагани, энг муҳими, аҳолининг реал даромадлари 1991 йилга нисбатан 12,7 баробар, 2000 йилга қараганда эса, 2,7 марта ошгани, диёrimiz, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, одамларимизнинг чеҳраси тобора очилиб бораётгани мамлакатимиз ривожланишининг янти, равон йўлига чиқаётганининг ёрқин далолати, десак, ҳеч қандай хато бўлмас. Бундай ютуқ ва натижалар, ҳаммамизга аёнки, ўз-ўзидан пайдо бўлгани, уларни осонлик билан кўлга киритганимиз йўқ, албатта.

Бунинг учун, аввало, мамлакатимизни мана шундай тараққиёт босқичига олиб чиқсан, чукур ўйланган стратегия ва бугун амалга оширилаётган сиёsat керак эди. **Бу сиёsatни кимдир** бизга

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

чишиб бергани ёки биз бу масалада кимдандир нусха олганимиз йўқ. Ёки эски замонда бўлганидек, бу сиёсатни бизга бирор тайёр қилиб тепадан тушириб бергани ҳам йўқ.

Бу сиёсатни, айниқса, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида мустабид тузум асорати туфайли халқимиз ўта оғир ва ночор аҳволда қолиб кетган, айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолган бир шароитда, республиканизни ана шундай ғоят мураккаб ва фожиали вазиятдан чиқариш мақсадида фақат ўз кучимиз, ирода ва имкониятларимизга ишониб-таяниб ишлаб чиқдик. Шу маънода, бу сиёсатнинг асосий йўналиш ва тамойиллари айнан мана шундай таҳликали замонда яратилди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун вақт ўтиши билан ўша пайтда эл-юртимизнинг бошига тушган мусибатларни, famu ташвишларни бартараф этиб, ҳозирги мунаvvар кунларга етиш йўлида қабул қилган режа ва дастурларимиз ўз вақтида ишлаб чиқилгани ва яккаю ягона тўғри қадам бўлганини ҳаётнинг ўзи ҳар томонлама тасдиқламоқда. Ўйлайманки, шу борада баъзи бир мисолларни келтириб ўтсак, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Келинг, ҳали совет коммунистик тизими ўз ҳукмронлигини ўтказиб турган 1989 йилни ўзимизга тасаввур қилайлик. Ўша йили май ойининг охири — июнь ойининг бошида бутун Ўзбекис-
6—И. Каримов — т. 16 81

ИСЛОМ КАРИМОВ

тонни, керак бўлса, Ўрта Осиёни портлатиб-ёндиришга олиб келиши мумкин бўлган, собиқ итифоқни ларзага солган, «Фарғона фожиаси» деб ном олган машъум воқеаларни яна хаёлимизга келтирайлик.

Айни шу кунларда нафақат Фарғона водийси, балки Тошкент, Сирдарё ва бошқа вилоятларнинг баъзи туманларида вазият ёниб турган бир пайтда мен республика раҳбари лавозимига келганимни ҳали-бери эслайман.

Ҳеч иккиланмасдан туриб айтиш мумкинки, мана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали кунларда тобора кучайиб, аланга олиб бораётган бу фожианинг таг-томирига етиб бормасдан, асл сабабларини очиб, ошкор қилиб бермасдан туриб, бу ўта хавфли воқеаларни асло тўхтатиб бўлмас эди.

Шу пайларда бу воқеаларга гўёки бир тарелка қулупнай можароси сабаб бўлди, деган енгил-елли гаплар тарқалгани, бизга қарши қанча-қанча уйдирмалар, тухмат ва бўхтонлар ёғилгани, ҳатто халқимизга миллатчи деб ном беришга уринишлар бўлганини кўпчилик ҳамон яхши эслайди.

Ҳақиқатда эса, ўша вақтда республикамизга нисбатан мутлақо зўравонлик сиёсатининг олиб борилиши, халқимизни камситиш, унинг эҳтиёжларини менсимаслик, юртимизда, айникса, аҳоли ғоят зич яшайдиган Фарғона водийсида пахта

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

яккаҳокимлиги авжига чиқиб, иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бораётгани, одамлар ўзининг ижтимоий-иктисодий аҳволидан норози бўлиб, сабр косасининг тўлиб-тошгани бу воқеа-шарнинг асосий сабабчиси бўлган эди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, катакдек бир ҳовлида тўртта-бешта оила яшаб туриши табиий бир ҳолга айланиб кетгани, одамларнинг арзу додини эшитадиган бир раҳбар топилмаганига қандай чидаш мумкин эди?

Бу масаланинг қатъий ечимини топиш учун бошқа чора-тадбирлар қаторида ўша йиллари қарийб 2,5 миллион оиласага жами 400 минг гектар суғориладиган ер кўшимча томорқа сифатида берилгани, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишида улкан тарихий қадам бўлган эди, десак, янглишмаган бўламиз.

Киёслаш учун шуни айтиш керакки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисига ҳаммаси бўлиб 300 минг гектарга яқин ер томорқа сифатида берилган эди.

Барчамиз яхци биламизки, томорқа — бу қишлоқда яшайдиган одамлар учун асосий даромад манбаидир. Бугунги кунда юртимиздаги, бозорларимиздаги ҳавас қиласидиган тўкин-сочинликни

ИСЛОМ КАРИМОВ

кўрганда, ўз пайтида амалга оширган ана шу ишларимизнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта бўлганини сезиш, англаш қийин эмас. Ёки ўша таҳдикали даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очлик остонасига келиб қолганини яна бир ёдга олайлик.

Бу ўринда гап битта оила, битта жамоа ёки маҳалла ҳақида бораётгани йўқ, ўша кезлари 25 миллионлик халқ, бутун бошли бир мамлакатнинг тақдиди ва келажаги қил устида турган эди.

Биз ҳаётнинг ана шундай аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб, пахта майдонларини камайтириб, унинг яккаҳокимлигига чек қўйган ҳолда, халқимизнинг бугунги ва эртанги эҳтиёжларини тўла қоплаш мақсадида юртимизда ғалла мустақиллитига эришишни устувор вазифа қилиб ўз олдимизга қўйдик ва бу масалани қисқа давр ичida муваффақиятли ечдик.

Агар 1991 йилда республикамиз бўйича бор-йўғи 900 минг тоннага яқин дон етиширилган бўлса, 2007 йилга келиб биз 6 миллион 250 минг тонна ғалла ҳосили олишга муваффақ бўлдик.

Бизнинг ғалла мустақиллитига эришганимиз — бу, аввало, ҳар қандай шароитда ҳам халқимизни нон ва ун, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда, айни вақтда кимдир мамлакатимизни ўзига қарам қилмасли-

ги ва тазийк ўтказа олмаслиги учун 1 кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзингиз ўйланг, агар шу ишни ўз қилмасак, ҳозирги пайтда биз қандай аммоларга дуч келар эдик?

Мана, бугунги қунда ўзингиз кўраяпс ҳон фалла бозорида нарх-наво ошиб бор шундан фойдаланиб, қанча-қанча дав халқнинг ризқ-рўзи бўлмиш нон ва ун би минлаш масаласи атрофида қандай ўй бермоқда.

Худога минг шукрлар бўлсинки, биз да узоқни ўйлаб, бундай ўйинлардан 1 Ёки истиқоллининг дастлабки йиллари лаб ёқилғи-энергетика мустақиллигига учун амалга оширган ишларимизни Агарки, шу масалага устувор аҳамият бе хоро ва Фаргона нефть заводлари, Кўл компрессор станцияси ва бошқа муҳим гик объектларни қисқа муддатларда күр тадан жиҳозлаб ишга туширмасак, ум соҳалар ривожини давлат назорати ва ҳолмасак, табиийки, бугунги иқтисодий т ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эд

Рухсатингиз билан, бу масалага кенгр либ ўтмоқчиман. Маълумки, 90-йиллар шида биз ҳар йили четдан 6—7 милли нефть ва нефть маҳсулотларини олиб

ИСЛОМ КАРИМОВ

мажбур бўлардик. Агар ўша пайтда бир баррель нефтнинг нархи тахминан 15—20 доллар атрофига бўлган бўлса, қарантки, ҳозирги кунда бу рақам 90 доллардан ошиб кетди.

Энди ўзингизга бир тасаввур қилинг, агар биз ўтиш даврининг оғир қийинчилликларига қарамасдан, ёқилғи-энергетика соҳасида мустақилликка эришмасак, бугун қай аҳволга тушиб қолар эдик?

Шу борада яна бир улкан миллий дастуризм — юртимизда замонавий транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш йўлида амалга ошираётган катта ишларимизни эслайлик.

Айниқса, кейинги йилларда бунёд этилган Навоий — Нукус, Тошгузар — Бойсун — Кумкўргон темирйўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобиль йўли, ўнлаб янги йўл тармоқлари, кўпприк ва иншоотларнинг мамлакатимиз ҳаётида бамисоли қон томири ролини бажаришини ҳисобга олиб, шу ишларни амалга оширмасак, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мумкинмиди?

Ўрни келганда, таъкидлаш керакки, бугун Ўзбекистондаги асосий магистрал йўлларнинг Европадаги йўллардан кам жойи йўқ.

Халқимиз, Ватанимиз ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, ўз вактида қабул қилинган ва эртанги кунимизнинг истиқболи ва иқболини

белгилаб берадиган яна бир қарор ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.

Биз Ўзбекистоннинг бекиёс салоҳияти, унинг ер ости ва ер усти бойликлари билан ҳақли равишда фахрланамиз ва уларни юртимизнинг тараққиёти, ҳалқимизнинг фаровонлиги учун яна да кўпроқ хизмат қилдириш ҳаракатидамиз.

Лекин бизнинг энг катта куч-кудратимиз манбайи бу — барча табиий бойликларимизни ишга солишга, буюк аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бетакрор маънавий месордан, жаҳондаги тараққий топган давлатларнинг интеллектуал бойлиги ва тажрибасидан оқилона фойдаланишга тайёр бўлган, бир сўз билан айтганда, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналиги асосида тарбия топаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодимиздир.

Шу мақсадда бундан ўн йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантиқий давоми бўлмиш Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурига биноан амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ва ўн икки йиллик таълим тизимига ўтганимиз олдимизда янги уфқларни очиб бермоқда. Бу ислоҳотлар юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарни қамраб олиб, ўз ҳосили ва мевасини бераётганини бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Шу борада Халқаро болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли тузилмаларнинг кузатувчилари томонидан Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришаётган салмоқли ютуқлари холисона эътироф этилаётгани эътиборга сазовор.

Айни пайтда собиқ СССР ҳудудидаги айрим давлатларда бу соҳада кўпгина оғир муаммолар ечилимасдан қолаётгани, ҳатто болаларнинг катта қисми мактаб таълимини олиш имконига эга эмаслиги халқаро жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Биз амалга ошираётган барча сайд-ҳаракат ва ислоҳотларнинг пировард мақсади бўлмиш одамларимизнинг саломатлигини сақлаш ва яхшилаш масаласини олайлик. Бу соҳада ўз вақтида узоқни кўзлаб қабул қиласан миллий дастуримиз ва умуман, тиббиёт тизимини замон талабларига жавоб берадиган тарзда ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларнинг ижобий самарасини бутун олис қишлоқ ёки туман бўладими, вилоят ёки шаҳар бўладими — ҳамма жойда аҳолимиз ўз ҳаётида сезмоқда.

Маълумки, бундан ўн беш-йигирма йил аввал ўткир ижтимоий муаммолар туфайли миллатимизнинг генофонди ёмонлашиб, айниқса, нимжон ва касалманд болалар сони ортиб кетгани халқимизда қаттиқ ташвиш уйғотар эди. Кейинги вақтда юртимизда ҳаёт сифатини юксалиришига қаратилган ҳаракатларимиз, медицина

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

хизмати күрсатишни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Аҳолимизнинг ўртача умр кўриши мустақиллик даврида 6 йилга ошгани ва 72,5 ёшни ташкил эттани, бугун балоғат ёшидаги болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4—8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6—8 сантиметрга кенгайгани кузатилмоқда. Бу эса униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан соғлом бир шароитда ҳаётга қадам қўяётганининг ёрқин далилидир.

Айниқса, ҳарбий хизматга отланган йигитларимизнинг бакувват қадди-қомати ва ақл-идроқи, истеъодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, санъат фестивалари, жаҳон спорт майдонларида эришаётган катта ютуқлари барчамизни хурсанд қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида юзлаб замонавий шифо масканлари барпо этилгани ва уларнинг самарали фаолияти туфайли аҳолининг саломатлиги сезиларли даражада яхшиланиб, қатор оғир хасталиклар, жумладан, чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликлар бутунлай барҳам топганини таъкидлаш лозим.

Табиийки, буларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун пухта ўйланган, самара-

ИСЛОМ КАРИМОВ

ли ишлайдиган тизим, ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва моддий база, долзарб муаммолар ечимини ўз зиммасига оладиган билимли ва фидойи мутахассис-ходимларни топиш, уларни шу ишга жалб қилиш, моддий-маънавий рафбатлантириш, бошқариш керак эди.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Мен барчамизниң ҳаётимизга дахлдор бўлган икки-учта мисол келтиридим, холос. Биз ўз бошимиздан кечирган, юқорида тилга олинган баъзи бир мисолларни келтириш ва эслашдан мақсад — шу борада битта оддий ҳақиқатни тасдиқлаб-исботлаб беришдан иборатдир.

Яъни, мамлакатимизниң ўта муҳим ва ҳақиқатан ҳам бурилиш бир пайтида, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган мустақил, замонавий демократик давлат ва эркин жамият қуриш мақсадини амалга ошириш, бунинг учун ғоявий ва мағкуравий асослар ва зарур стратегияни ишлаб чиқиши масаласи раҳбарлик вазифасини ўз зиммасига олган шахснинг ролига, унинг табиати ва хусусиятларига, ақл-заковати ва тажрибасига нақадар боғлиқ эканини амалда яққол кўрсатади.

Ишончим комил, мана шу залда ўтирган инсонлар яхши англайдики, барча ватандошларимиз юрт тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, шу заминда яшаётган аҳолининг ҳаёт барқарорлиги

ва фаровонлигини тобора юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатини изчил давом эттириш ва унинг самарасини янада оширишдан бевосита манфаатдордир. Ва, ўйлайманки, сайловчилар эртага давлат раҳбарини сайлаш ва унга ишонч билдиришда айнан мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ўз муносабатини билдириши муқаррар.

Хурматли юртдошлар!

Жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишда, яъни, бугун замоннинг ўзи талаб қиласиган бу муҳим вазифаларни бажаришда фуқаролик нодавлат институтларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий аҳборот воситаларининг эркинлигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалалари катта ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақиқатни дунёдаги барча демократик ва тараққий топган давлатлар, барқарор ва фаровон яшаётган халқлар мисолида кўриш ва англаш қийин эмас.

Мамлакатимизда яқинда Конституцияга киритилган ўзгартиш ва тузатишлар, қабул қилинган конституциявий қонун ва нормалар, улар

асосида амалга оширилаётган кенг тадбирлар айнан юқорида зикр этилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлида янги қадам бўлди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Мустақиллик йилларида, шунингдек, кейинги пайтда қабул қилинган, халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай ўта муҳим ҳуқуқий нормалар ва асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиб, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш бора-сида янги имкониятлар очиб берди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия, яъни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳар бири ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга.

Ҳар бири жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган бу сиёсий партиялар ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида тобо-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ра муҳим ўрин эгалламоқда. Улар халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўзининг шаҳзодалари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда.

Сайловлар, хусусан, Президент сайлови тўғрисидаги қонунларимизга мувофиқ, ҳар қайси сиёсий партия мамлакат Президенти лавозимига номзод кўрсатиш хукуқига эга.

Шу имкониятдан фойдаланиб, мазкур партиялар ўз номзодларини Марказий сайлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун шу кунларда ушбу масала бўйича ўз қурултойларини ўтказмоқда ва тегишли хужжатларни тайёрламоқда.

Бугун ўтказилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қурултойи ҳам айнан ана шу асосий масалани кўриб чиқмоқда.

Азиз дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўз ҳурматим ва миннатдорчилигимни билдириб, мен айнан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг номзоди сифатида сайловда қатнашаётганимнинг принципиал сабаблари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, биз юртимизда қураётган хукуқий демократик дав-

лат, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, нималарга ва кимга суюниб, қандай ислоҳотларни амалга ошириб, ҳалқимизнинг эзгу мақсадларига эришиш йўллари Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастури ва низомида ўзининг яққол ифодасини топган.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин мен фақатгина бир масала, яъни ушбу партия учун устувор аҳамиятга эга бўлган мулк ва мулкий муносабатлар хусусида мухтасар тарзда ўз фикримни билдиrmокчиман.

Дунёдаги ҳар қайси давлат ва ҳалқнинг сиёсий-ижтимоий тузум ва ҳаётни қуриш, ўз мақсад-муддаолари ва манфаатларини рӯёбга чиқаришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлари охир-оқибатда бевосита ана шу масалага бориб тақалиши муқаррар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир давлат ва жамиятнинг тақдири ва келажаги шу мамлакатда мулк масаласи қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Шу сабабли ҳам юртимизда истиқлолнинг биринчи қунларидан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини аниқлашда, айниқса, Конституциямизни яратиш, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қиёфасини белгилашда бу масала доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизда кўпукладли иқтисодиёт таркибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкнинг

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

тенглиги, айни пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилгани давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини, биз барпо этаётган жамиятнинг маъно-мазмунини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

Биз мулк ва мулқдорлар масаласини ечишда умумэътироф этилган тамойиллар билан бирга, ўзимизга хос миллий хусусият ва ҳаёт тарзини инобатга олганмиз. Айни шундай ёндашув ва олиб бораётган сиёсатимиз мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашда мустаҳкам омил ва иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан ўсишини тъминлашда ишончли пойдевор бўлиб келмоқда.

Дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси ўзундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишига, шу билан бирга, давлат ва жамият зими масида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради.

Кўпчиликни ташкил этган ва бундай мақсадларни ўз олдига кўйган тоифа — ижтимоий қатламларнинг ўрта синфи деб ном олгани ҳам бејиз эмас, албатта.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон танлаган ва бугун амалга ошираётган тараққиёт йўлида тобора кучга кираётган ана шу ўрта синф, унинг хусусият ва аломатлари ҳақида гап борар экан, ўта муҳим, ҳаётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бир тамоилига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Юртимизнинг тарихий-маданий ўзига хослигидан, азалий қадриятларимиздан келиб чиқкан ва ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда, бизда ўта бойлар ҳам ва ўта камбаглар ҳам бўлмаслиги талааб қилинади.

Бугунги кунда бу талааб миллий давлатчилик қуриш сиёсатимизнинг муҳим пойдеворидир. Бу борада Швеция ва Финляндия, Дания ва Швейцария, Германия ва Япония каби ривожланган давлатларда бу масала ўзининг мақбул ечимини топганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Мен ўрта синф ҳақида гапирганда, айrim кўшни давлатлардаги каби турли гирром ва нопок йўллар билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-ғайрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишビルармонларни тасаввур қиласман.

Мен ўрта синф, деганда, нафақат ўзининг, айни пайтда оиласи ва фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғланган, шу юртда бойлик топиш ва шу юртни бо-

Йитиш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимга келтираман.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий майдонидаги обрў-эътибори, кучи ва таъсири тобора ўсиб бораётганини, у ўзини қисқа вақт ичидаги реал сиёсий куч сифатида намоён этаётганининг сабаби ҳам айнан мулк эгалари — тадбиркор ва ишбилиармонлар, айниқса фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларига, юртимиз ватанпарварларига, муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, моддий ва интеллектуал мулк эгаларига таянганида ва суюнганида кўриш керак, албатта.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сиёсий майдонда пайдо бўлишининг мақсади ҳам, энг аввало, мана шундай кучларни, мулкдорлар, яъни ҳаётда онгли яшайдиган инсонларни бирлаштириш ва бошқаришдан иборат экани ҳеч кимга сир эмас.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан, хаёлимиздан чиқармасдан, бундай иттифоқни авайлаш, янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш партиянинг кундалик устувор вазифасига айланиши керак.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган яна бир холосага эътиборингизни жалб қилмоқчиман: бу дунёда фақатгина ўзини ҳурмат

ИСЛОМ КАРИМОВ

қиладиган, ўз қадрига етадиган, кучли ва муваффақиятга эришган халқ ва давлатгина тан олинади.

Яъни, ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажагини ўз кўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади. Барчамиз, аввало, ёшлиаримиз бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий тараққиётимизнинг навбатдаги мантиқий босқичи давом этаётган бир даврда яшамоқдамиз.

Бу даврнинг ўзига хос хусусият ва аломатлари, олдимизга қўядиган шарт ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда биз Ватанимиз, халқимизнинг бутунги ва келгуси ҳаёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган устувор вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Бу вазифалар «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» рисоласида ҳар томонлама чукур кўрсатиб берилганидан, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз.

Мен бугун фақатгина Ватанимизнинг тараққиётини янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим ва долзарб мақсад-вазифаларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. Биз бошлаган ва ўзини амалда ҳар томонлама оқлаган мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиктисодий мутаносибилигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада чукурлаштириш, бу йўналишларни амалга оширишнинг асосий шарти бўлмиш тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг изчил қадамлар билан эркин ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш — бош вазифамиз бўлиб қолиши зарур.

Бу борада иқтисодиётдаги чукур таркибий ўзгаришларни янги босқичта кўтариш, солиқ юкини камайтириш, ер ости ва ер усти бойликларимизни ишга солиб, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари тараққиётига кенг йўл очиб бериш, фаол инвестиция сиёсатини кучайтириш ва хорижий сармояларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун барча шарт-шароитларни яратишни кўзда тутамиз.

Иккинчидан. Биз ўз олдимизга қўйтган юксак мэрраларга эришиш йўлида, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда энг аввало ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш,

уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-куватлаш — бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, биз мулкий муносабатлар масаласида, авваламбор, иқтисодий во-ситаларни ишга солиш ҳисобидан Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги зарур, деган тамойилни изчил давом эттирамиз.

Учинчидан. Миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жараёнида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият курилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолиши муқаррар.

Айниқса, давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектлар ишига аралашувини тубдан бартараф этиш, уларнинг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга ўтказиш жараёнини янада кучайтириш олдимизда турган муҳим дастурий мақсадлар қаторига киради.

Тўргинчидан. Ҳаётимизнинг барча соҳалари ни эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол

давом эттириш, шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга кўйиш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Биз бундан буён ҳам **«Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ»** деган олижаноб шиорни амалда рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, бу масаланинг энг муҳим шарти ва гарови бўлган кўп partiya-вийлик тизими, фуқаролик институтлари ва но-давлат ташкилотлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш — бугунги энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Мухтасар айтганда, демократия соҳасида жаҳон миқёсида ўзини оқлаган тажрибалардан тўлиқ фойдаланиб, уларни халқимизнинг миллий хусусиятлари билан уйғулаштирган ҳолда Ўзбекистонимизнинг ёруф келажагини таъминлаш — бизнинг пировард мақсадимиздир.

Бешинчидан. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг за-

рур таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш, фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш хукуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, шу йўналишда самарали тизимни шакллантириш бизнинг фаолиятимизда катта аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, «**Адолат — қонун устуворлигига**» деган шиоримизни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни замон талаблари даражасига кўтариш йўлида янги, амалий қадамлар қўйишимиз зарур.

Олтинчидан. Ташқи сиёсат соҳасида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг хукуқли асосда шерикчилик қилиш, юзага келадиган ҳар қандай можаро ва муаммони фақат тинч йўл билан, сиёсий ва хуқуқий воситалар орқали ҳал этиш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тотувликда яшаш тамойилига қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва келгусида ҳам шу йўлда собит қоламиз.

Биз учун энг катта бойлик бўлмиш юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларо тотувлик, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш — кундалик ҳаётимизнинг қоидасига айланиши лозим.

Бугунги ўта таҳликали бир замонда Куролли Кучларимиз құдратини ошириш, миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраршнинг асосий шарти ва гаровидир.

Табиийки, ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек олижаноб ишга бағищлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, турар жой ва майший шароитларини янада яхшилаш, маошлари миқдорини кўпайтириб бориш ва ҳар томонлама рағбатлантириш бу соҳадаги ишларимизда етакчи ўрин эгаллади.

Еттинчидан. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш ҳисобидан халқимизнинг реал даромадлари ва фаронлигини ошириш, муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этиш бундан буён ҳам сиёсий фаолиятимизнинг устувор йўналишини ташкил этади.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини ҳар уч йилда 2—2,5 баробар кўпайтириш юзасидан ўз олдимизга қўйган юксак вазифадан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўзида, инфляция даражаси 7 фоиздан ошмаган ҳолда ўртача маош миқдори 56 фоизга ўсгани диққатга сазовордир.

Бундай амалий суръатлар яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича бизнинг юқори мэрраларга эришаётган мамлакатлар қаторидан жой олишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Бу борадаги фаолиятимизда замонавий меҳнат бозорини янада кенгайтириш асосида янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш оиласларни кўллаб-қувватлаш, ёрдам ва қўмакка муҳтоҷ тоифаларга, кам таъминланган оиласларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.

Эл-юртимизга катта хизматлари сингтан муҳтарам кекса авлод вакилларининг хурматини жойига қўйиш, уларнинг тинч ва хотиржам, мазмунли умр кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу тариқа жамиятимизда инсонпарварлик ва бағрикенглик мухитини мустаҳкамлаш масаласини биз биринчи даражали вазифамиз деб қабул қиласиз.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича узоқни кўзлаган сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини янада яхшилаш ҳақида ўйлашимиз керак.

Бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда, аввало, ер унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги рентабеллиги ва самарасини янада ошириш, қишлоқса саноатни, хизмат ва сервис шоҳобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган корхоналарни барпо этиш, шулар орқали қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши зарур.

Саккизинчидан. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мурракаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Шу мақсадда бошлаган ишларимизни қатъият билан давом эттириб, таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла яқунига етказиш, лўнда қилиб айтганда, ёшларимизни бизнинг табиатимизга бегона бўлган фаразли оқимлардан асрар, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил

фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишимиз даркор.

Тўққизинчидан. «Юксак маънавият — енгилмас куч» деган ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда амалга ошираётган маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг ҳарарат дастуримизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Айниқса, ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг фурур ва ифтихорини юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Бу борада юртимиздаги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўкув юртлари, илм-фан масканлари, маданият ва санъат даргоҳларида фаолият кўрсататётган ўқитувчи ва домлалар, илмий ходимлар, ижодкор зиёлиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва кенг кўллаб-куvvатлаш, уларнинг истеъоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитларни яратиб беришни биз ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

Ўнинчидан. Барчамизга аёнки, юқорида зикр этилган улуғвор мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш вазифаси юртимизда яшаётган, миллати, тили, дини ва қайси сиёсий грухга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиздан, бутун халқимиздан белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишни талаб этади.

Биз шу муқаддас заминда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибат, албатта чидам ва бардош, албатта шижаот ва қатъиятлилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун мамлакатимиз, халқимиз ва жамоатчилигимиз, барчамизни синовдан ўтказадиган, фоят муҳим бир сиёсий жараённи бошимиздан кечирмоқдамиз.

Президент сайловини Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз асосида, шу билан бирга, сайловлар ҳақидаги умумэътироф этилган қонун ва халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда ўтказишимиш бугунги кунда биз учун энг долзарб, энг муҳим вазифа, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, фуқароларимиз ва сайловчиларимизнинг ўз фикри ва эътиборини, хоҳиш-ирода-

сини билдиришлари учун эркинлик ва яна бир бор эркинлик ҳукмронлигини, оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда зарур имкониятларни таъминлаш, teng ва яширин овоз бериш шароитини яратиб беришни, муҳтасар айтғанда, демократик норма ва андозаларга сўзсиз риоя қилишни ҳаётнинг ўзи биздан талаб этмоқда.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, бағрикенг ҳалқимиз бу сиёсий жараён нақадар муҳим ва масъулиятли эканини, биз демократия ва демократик қадриятларни кундалик ҳаётимиз ва онгу тафаккуримизга сингдириш йўлида улкан қадамлар кўйганимизни ва ҳалқаро жамоатчилик томонидан бу борада амалга оширган ишларимизнинг эътирофини янада мустаҳкамлашда олдимиизда турган ушбу сайловни муносиб, юксак даражада ўтказиш аҳамиятини тўлиқ англайди. Ва, ҳеч шубҳасиз, бу сафар ҳам ўзининг ҳеч кимдан кам бўлмаганини намойиш қилиб, ўзгаларни қойил қолдириб, бизга ҳали-бери ишонмасдан юрганларни ҳайратда, керак бўлса, доғда қолдиради.

Муҳтарам ва азиз ватандошлар!

Бугунги кунда мамлакатимиз, эл-юртимиз ҳаётнинг барча соҳа ва йўналишларида янги ва улкан ўзгаришлар бўсағасида турибди. Бу юксак мэрраларга эришиш учун бизда пухта ишлан-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ган, тажрибада ўзини оқлаган стратегия ва ҳаракат дастури ҳам, имконият ва салоҳият ҳам, ирода ва азму шижаот ҳам етарли.

Бизнинг гўзал юргимиз, ноёб табиатимиз, бетакрор Ватанимиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқимиз бор.

Ана шундай юртда яшаш, шундай табиатдан нафас олиш, мана шундай яккаю ягона Ватанга эга бўлиш, шундай халқнинг фарзанди бўлишдек тақдирни Аллоҳ таоло ҳаммага ҳам бермайди.

Ана шу улуг неъматга муносиб бўлиш, азиз Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, чиндан ҳам, барчамиз учун олий саодатdir.

Мен ўзимнинг бутун ҳаётим, умримнинг маъно-мазмунини мана шу буюк халқнинг баҳту саодати йўлига баҳш этишда деб биламан. Мен учун бундан бошқа ҳаёт, бундан бошқа мақсад йўқ.

Сўзимни якунлар эканман, сиз, юртдошлиаримга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, эзгу ишларингизда янги омадлар тилаб қоламан.

*Тадбиркорлар ва ишибилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
IV қурултойидаги маъруза, 2007 йил 6 ноябрь*

ЎЗ ҲАЁТИМИЗНИ ВАТАН ИСТИҚБОЛИ,
ФАРОВОН КЕЛАЖАГИ УЧУН БАҒИШЛАБ
ЯПАШ ИНСОНӢИ ВА ФУҚАРОЛИК
БУРЧИМИЗДИР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ
АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ**

Бугун Ўзбекистон, авваламбор ўзининг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган хуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ва устувор мақсад қилиб қўйиладиган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай қатъият билан бормоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган 16 йиллик даври мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, ҳаётилизнинг барча соҳаларида юз берадиган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва биз эришган улкан натижалар мамлакатимизни ислоҳ этиш, янгилаш ва модернизация қилиш йўлида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли стратегиянинг ҳар томонлама чукур ўйлангани, унинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини яққол тасдиқламоқда.

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

Тарихан қисқа муддатда эски, ўз умрини ўтаб бўлган мустабид совет маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечган ҳолда, демократик принциплар асосида миллий давлатчилик ва ижтимоий институтларни шакллантириш, Ўзбекистоннинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Куролли Кучларни, ҳукуқ-тартибот органлари ва хавфсизлик хизматларини ташкил этиш бўйича ўта муҳим ва масъулиятли қадамлар қўйилди.

Бизга мерос бўлиб қолган, республикамизни фақат хом ашё етказиб берадиган маконга айлантирган, бир ёқлама ва ночор иқтисодиётдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизнинг иқтисодий қурдати ва салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширдик.

Асосий маъно-моҳияти иқтисодиётнинг мағкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган, бугунги кунда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган машҳур беш тамойилга асосланган бу ислоҳотлар бизнинг ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадлар сари илгарилаб борища бугунги

ИСЛОМ КАРИМОВ

кунда ҳам ҳал құлувчи дастуриламал бўлиб қелмоқда.

Мухтасар айтганда, биз ўзимизга шиор қилиб олган «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган та-мойил бутун амалда ўзини тўла оқламоқда.

Биз кейинги йилларда мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган юксак мэрралар — иқтисодиётимизнинг қиёфасини тубдан янгилаган таркибий ўзгаришлар, экспорт салоҳиятининг ортиши, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий кўрсаткичлар, энг муҳими, шу аснода фуқароларимизнинг ҳаёти сифати ва даражаси сезиларли равишда яхшиланниб бораётгани билан ҳақли тарзда фаҳрланамиз.

Шу билан бирга, бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур. Биз истиқлол йилларида қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёsat, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий соҳалар бўладими — эришган барча ютуқларимиз ўзимизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Шунинг учун ҳам бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, уларга танқидий баҳо беришимиз, доимо изланниб ва олдинга интилиб, мэрраларни баланд кўйиб, янги ва юксак мақсадлар билан яшашимиз даркор.

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТІМІЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛІДА**

Бугун биз мамлакатимизнің жадал тараққий этиши ва янада обод бўлиши, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан муносиб жой олишини тъминлайдиган, жамиятимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга қаратилған узоқ муддатли мақсадли вазифаларни амалга ошириш жарёниининг янги босқичида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган ана шу мақсадларга эришишда энг муҳим ва асосий устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчидан. Биз бошлаган ва ўзини амалда ҳар томонлама оқлаган мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янтилаш, иқтисодиётімізнің жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиктисодий мутаносиблигини тъминлашга қаратилған ислоҳотларни янада чукурлаштириш, бу йўналишларни амалга оширишнинг асосий шарти бўлмиш тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг изчил қадамлар билан эркин ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш ва кучайтириш — эзгу мақсадларимизга етишнинг асосий омили ва шартидир.

Бу борада иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкини камайтириш, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада куладай шарт-шароитларни яратиш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Иккинчидан. Биз ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эришиш йўлида ўрга синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-куватлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аҳолининг социал қатламлари ўртасида ҳаёт даражаси ва даромад кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланишга йўл қўймаслик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Учинчидан. Миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жараённида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолиши муқаррар.

Айниқса, давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектлар ишига аралашувини тубдан бартараф этиш, уларнинг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, комму-

иал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарни, маҳаллаларга ўтказиш жараёнини янада кучайтириш олдимиизда турган муҳим дастурий мақсадлар қаторига киради.

Тўртингчидан. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол давом эттириш, шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қўйиш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Биз бундан бўён ҳам «**Инсон манфаати ҳар садан улуғ**» деган шиорни амалда рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чукурлаштириш, жумладан, бу масаланинг энг муҳим шарти ва гарови бўлган қўппартиявийлик тизими, фуқаролик институтлари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртингчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳукуқий ва ташкилий тадбирларни амалга оши-

риш — бугунги энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Бешинчидан. Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми сифатида чукур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш, фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, бу борада самарали тизимни шакллантириш бизнинг фаолиятимизда катта аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, «Адолат — қонун устуворлигига» деган тамойилни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган сайд-ҳаракатларимизни замон талаблари даражасига кўтариш йўлида янги, амалий қадамлар кўйишимиз зарур.

Олтингчидан. Ташқи сиёсат соҳасида биз боцқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, юзага келадиган ҳар қандай можаро ва муаммони фақат тинч йўл билан, сиёсий ва ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этиш, узоқ ва яқин қўшниларимиз би-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

лан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тотувликда яшаш тамойилига қатый амал қилиб келмоқдамиз ва келгусида ҳам шу йўлда собит қоламиз.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тутувлик, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш — кундалик ҳаётимизнинг қоидасига айланиши лозим.

Бугунги кунда дунёдаги ва минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдид ва хатарлар қучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, Куролли Кучларимиз қудратини ошириш, миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чукурлаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачигидай асраш — бундан бўён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Табиийки, ўз ҳаётини Вatan ҳимоясидек олижаноб ишга бағишлигар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, тураржой ва майший шароитларини янада яхшилаш, маошлари миқдорини кўпайтириб бориш ва ҳар томонлама рағбатлантириш бу соҳадаги ишларимизда етакчи ўрин эгаллайди.

Еттинчидан. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш ҳисо-

бидан халқимизнинг реал даромадлари ва фаровонлигини ошириш, муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этиш бундан бўён ҳам сиёсий фаолиятимизнинг устувор йўналишини ташкил этади.

Меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини яқин уч йилда 2—2,5 баробар кўпайтириш юзасидан ўз олдимизга қўйган юксак вазифадан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўзида, инфляция дарражаси 7 фоиздан ошмаган ҳолда, ўртача маош миқдори 56 фоизга ўсгани дикқатта сазовордир.

Бундай амалий суръатлар яқин йиллар ичida халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича бизнинг юқори мэрраларга эришаётган мамлакатлар қаторидан жой олишимиз учун, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам замин яратади.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги фаолиятимизда замонавий меҳнат бозорини янада кенгайтириш асосида янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигиги ни муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш оиласарни кўллаб-кувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ тоифаларга, кам таъминланган оиласарга эътибор ва фамхўрликни қучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.

Эл-юртимиизга катта хизматлари сингтан муҳтарам кекса авлод вакилларининг хурматини жо-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Йига қўйиш, уларнинг тинч ва хотиржам, мазмунли умр кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу тариқа жамиятимизда инсон-парварлик ва бағрикентлик мұхитини мустаҳкамлаш масаласини биз биринчи даражали вазифамиз деб қабул қиласиз.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича узоқни кўзлаган сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини янада яхшилаш ҳақида ўйлашимиз керак.

Бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда аввало ер унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги рентабеллиги ва самарасини янада ошириш, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шоҳобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш нафақат вазифамиз, балки бурчимиизга айланиши зарур.

Саккизинчидан. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мурakkab ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг мұхим йўналиши бўлиб қолади.

Шу мақсадда бошлаган ишларимизни қатъият билан давом эттириб, таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла якунига етказиш, лўнда қилиб айтгандা, ёшларимизни бизнинг табиатимизга бегона бўлган фаразли оқимлардан асрар, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишимиз даркор.

Тўққизинчидан. «Юксак маънавият — енгил-мас куч» деган ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда амалга ошираётган маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг ҳаракат дастуримиизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Айниқса, ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг гурур ва ифтихорини юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Бу борада юртимиздаги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, илм-фан маскан-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

лари, маданият ва санъат даргоҳларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва домлалар, илмий ходимлар, ижодкор зиёлиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва кенг қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитларни яратиб беришни биз ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

Ўнинчидан. Барчамизга аёнки, юқорида зикр этилган улугвор мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш вазифаси юртимизда яшаётган, миллати, тили, дини ва қайси сиёсий гуруҳга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиздан, бутун ҳалқимиздан белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишни талаб этади.

Биз шу муқаддас заминда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибат, албатта чидам ва бардош, албатта шижаот ва қатъиятлилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чукур жой олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажагини ўйлаб яшаш — ҳар биримиз учун чиндан ҳам катта баҳтдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-
зод Ислом Каримов 2007 йилнинг 26 ноябрь – 17
декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан
учрашиди.*

Бўлиб ўтган учрашувларда Ислом Каримов мамлакатимизда ўтказилаётган Президент сайловининг ҳаётимиизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан таништирди. Ана шу дастурда илгари сурилган асосий ва устувор йўналишлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳар қайси мintaқанинг ўзига хос, ўзига мос иқтисодий-ижтимоий, маънавий-интеллиектуал салоҳияти, табиий бойликлари, одамларининг бетакрор фазилатлари ҳақида атрофлича тўхталиб, худудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

юксалтириш, жойлардаги мавжуд муаммоларнинг счимини топиш борасидаги долзарб вазифалар, келажакда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ислом Каримов ўз чиқишиларининг маънномазмунни ва мақсадини мухтасар ифода этар экан, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Барчамиз яхши англаймизки, қўлга киритган ва киригаётган ютуқлар ўзимизники. Бу мэрраларга биз ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан эришганимиз ва уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Шунинг учун ҳам бугун фақат ютуқлар ҳақида эмас, балки ўз ечимини кутиб турган, шу заминда яшаётган аҳолининг бугунги ва эртаги тақдирига бевосита боғлиқ бўлган масалалар, истиқбол режалари, келгусида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар ҳақида сўз юритишимиз мақсадга мувофиқ, албатта.

Бўлиб ўтган учрашувларда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳот ва модернизация жараёнлари доирасида барча вилоятларни замон талаблари асосида тараққий топтириш, аввало аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ижтимоий соҳада қабул қилинган дастурларимиз ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда амалга ошириладиган ишлар режаси белтилаб берилди.

Ислом Каримов мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари ҳақида тўхталар экан, бу борада ишлаб чиқилган концепция ҳар бир минтақа ва ҳудудни унинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, мутаносиб ривожлантиришни назарда тутишини қайд этди.

Бунда айниқса табиий бойликларни, минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, улардан эл-юртимиз манфаати, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этиши уқтириб ўтилди. Сайловчилар билан бўлиб ўтган фикр алмашув ва мулоқотларда Сурхондарё вилоятидаги Хонжиза, Қашқадарё вилоятидаги Тепакўтон, «Шўртан-18» ва Жанубий Тандирча, Навоий вилояти Мурунтов ва Зармитан ҳудудларидаги янги конлар ўзлаштирилиб, Қорақалпогистон Республикасидаги Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё комплекси барпо этилиши ва шу йўналишда амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил ахборот берилди. Масалан, биргина Устюрт газ-кимё комплексида қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг, йилига 450 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ва полипропилен маҳсулоти ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси ташкил этилиши айтиб ўтилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг истиқболи ва тараққиётини таъминлашда республикамиз иқти-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

содиёстининг қон томири бўлган **энергетика сонъиси** бекёёс ўрин тутади.

Шунинг учун Президентликка номзод Ислом Каримовнинг сайловолди учрашувларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Тошкент иссиқлиқ электр станциясининг буғ-газ қурилмасини қуриш ва модернизация қилиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши ушбу корхонада 370 меговатт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси негизида янги энергия ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ва ёқилғи сарфини 22 фоизга камайтириш имконини бериши, шунингдек, табиий газни тежаш ҳисобидан йилига 55 миллион доллар иқтисодий самара олиниши таъкидланди.

Бу соҳадаги яна бир йирик иншоот – Навоий иссиқлиқ электр станциясида замонавий буғ-газ қурилмасини ўрнатиш ва модернизация ишларининг бажарилиши энергия истеъмолини камайтириш билан бирга, электр энергияси нархининг ўсишига йўл қўймаслик имконини бериши ҳақида фикрлар билдирилди.

Айни вақтда аҳолини ва халқ хўжалиги тармоқларини электр энергияси билан мунтазам равишда таъминлаш мақсадида Янги Ангрен иссиқлиқ электр станциясининг юқори вольтли «Ўзбекистон» йўналишини куриб битказиш кўзда

ИСЛОМ КАРИМОВ

тутилаётгани ҳам сайловолди мулоқотларида эътибордан четда қолмади. Бу лойиҳани амалга ошириш туфайли Фаргона водийсини юртимизнинг умумий энергия тизими билан бевосита боелашиб аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш имконияти юзага келишини инобатга оладиган бўлсак, унинг амалий томондан нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ўз-ўзидан аён бўлади.

Мамлакат истиқболини белгилаб берадиган **саноат соҳасини жадал ривожлантириш** билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотларимизни амалга ошириш бундан кейин ҳам доимий дикқат марказимизда бўлади, деди Ислом Каримов. Айниқса, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ва енгил саноат тармоқларини янада ривожлантириш, шу асосда аҳолини доимий иш билан таъминлаш келгуси режаларимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Шулар қаторида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар изчил давом эттирилади.

Албатта, бугунги кунда замонавий негизда ривожланиб, янги-янги тармоқларга эга бўлиб бораётган саноатимизнинг қиёфасини кўрсатадиган ўзгариш ва янгиланишлар, бу соҳада амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳақида

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

кўп гапириш мумкин. Лекин бу ўринда биргина муҳим йўналиш — юртимизда замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалага тўхталиб, шуни айтиш керакки, жаҳондаги йирик «Женерал моторс» компанияси билан эришилган ҳамкорлик туфайли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳозирги 170 мингтадан келгуси йилда 200 мингтагача, кейинчалик эса йилига 250 мингтага кўпайтириш имконияти пайдо бўлади.

Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг моделлари янгиланади. Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда «Этика», «Каптива» ва «Такума» моделларини ишлаб чиқариш бошланди. Янги русумдаги бу машиналар ички ва ташқи бозорда аллақачон ўз харидорларини топиб улгургани бу лойиҳанинг қанчалик истиқболли эканини кўрсатиб турибди.

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Бинобарин, соҳани барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шу асосда ҳосилдорликни юксалтириш, ирригация тизимларини модернизация қилиш масаласи бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда яқында Президент қарори билан тасдиқланған дастур қабул қилиниб, махсус Мелиорация жамғармаси ташкил этилди. Ушбу дастурға биноан, 2008—2012 йиллар давомида янги коллектор-дренаж тармоқтарини қуриш, мавжуд тармоқтарда эса реконструкция ишларини амалга ошириш күзде тутилмоқда.

Самимий суҳбат ва бевосита мулоқот шаклида бўлган сайловолди учрашувларида шу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар қайси вилоятда амалга ошириладиган ишлар кўлами аник рақам ва далиллар асосида таҳлил қилиб берилди.

Айни вақтда юртимизда сугориш ишларини янада яхшилашга хизмат қиласидиган, сифими 200 миллион куб метр бўлган Резаксой сув омборининг иккинчи навбати қурилиши янги йилда давом эттирилиб, Жийдалисой сув омбори қурилишида катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши ва шу йўналишдаги бошқа бир қатор вазифалар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, бўлиб ўтган учрашувларда яқин келажакда мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, авваламбор мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш, шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилиши алоҳида қайд этилди.

Ислом Каримов мамлакатимизда **фермерлик ҳаракати** жадал суръатлар билан ривожланиб, одамларнинг ерга, ишга бўлган муносабати ўзгараётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйгуси кучайиб, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Шу билан бирга, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурига мувофиқ, сердаромад тармоқ бўлмиш **чорвачиликни ривожлантириш**, зооветеринария хизмати шохобчалари, шунингдек, омухта ем сотадиган ва бошқа хизматлар кўрсатадиган тармоқларни ташкил этиш бўйича комплекс амалий ишлар режаларини таклиф этди. Шу борада етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш мақсадида минитехнологиялар асосида ишлайдиган ихчам корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримовнинг сайловолди учрашувларидаги чиқишиларида одамларнинг офирини енгил қилиш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш билан боғлиқ **ижтимоий вазифалар таҳлили** айниқса муҳим ўрин тутди.

Авваламбор, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий маъно-мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, «**Ислоҳот – ислоҳот учун**

ИСЛОМ КАРИМОВ

эмас, аввало инсон учун, унинг маидаатлари учун» деган ҳаётий даъват ҳар қайси раҳбар фаолияти-нинг марказида туриши лозимлиги такрор ва такрор уқтириб ўтилди. Айнан ана шундай талаб ва мезонлар асосида истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий соҳалар ривожига оид кўплаб дастурлар қабул қилингани ва изчил амалга оширилаётгани барчамизга яхши маълум. Айни пайтда бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўп экани қайд этилди.

Ислом Каримовнинг сайловолди чиқишиларида **аҳолини тоза иҷимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш** бўйича давлат дастури доирасида ўтган давр мобайнида жуда катта ишлар амалга оширилгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди ва бу ҳаётий муҳим масалага бундан бўён ҳам жиддий эътибор қаратилиши алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда юртимизда янги сув тармоқлари ва сув тозалаш иншоотларини барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва уларнинг қувватини янада ошириш борасида лойиҳалар белгилангани сайловчиларга маълум қилинди.

Хусусан, бу масала энг ўткир бўлиб турган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг тоза иҷимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган кўншимча маблағ ва Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити асосида ишлаб чиқилган

максус лойиҳага мувофик, ҳудудда 2010 йилгача аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимиши тубдан такомиллаштириш ишлари бошланди. Хитой ҳукумати томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан эса 2008—2012 йиллар мобайнида минтақанинг 17 та шаҳар ва туманида 275 минг аҳоли эҳтиёжини таъминлайдиган ичимлик суви тармоқларини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки кредити ва давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан мазкур ҳудудда 560 мингдан ортиқ киши истеъмол қилаётган сувнинг сифатини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилади. Бундай кенг кўламли ишлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам изчил давом эттирилади.

Масалан, яқин икки йилда Жиззах вилоятида умумий узунлиги 280 километр бўлган янги тоза ичимлик суви тармоғи қурилади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ҳозирги 73 фоиздан 85 фоизга етади.

Ислом Каримов сайловчилар билан учрашувларда яна бир муҳим вазифа — **аҳолини табиий газ билан таъминлашни** яхшилаш масаласига тўхталар экан, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилишини қайд

этиб, яқин келажакда амалга ошириладиган режалар ҳақида ўз қараашларини баён қилди.

Бу борада мұлжалланган лойиҳалар орасыда Фарғона водийси аҳолисини табиий газ билан таъминлашни барқарорлаштириш мақсадида 2008 йилда Қамчиқ довони орқали янги магистраль газ кувури ётқизиш ишларининг бошланиши алоҳида ўрин тутади. Ушбу лойиҳани амалга оширишга «Ўзбекнефтгаз» компанияси билан бирга мамлакатимизда ана шундай стратегик лойиҳалар учун маҳсус ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек, хорижий банклар кредитларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Сўнгги вақтларда иктиносидиётимиз ривожланиб, одамларимиз турмуш даражасининг юксалиб бориши туфайли нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам янги уй-жойлар куриш кўлами кенгайиб бораётгани кишини қувонтиради.

Ислом Каримов вилоятлардаги бундай ижобий ишларни таъкидлар экан, айни пайтда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой куриш, коммунал хўжаликни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ишларини такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларга эътиборни қаратди.

Чунончи, мамлакатимиз бўйича 1991 йилгача курилган кўпқаватли уйларни белгиланган тартибда

капитал таъмирлаш ишларини охирига етказиш, жойларда аҳолининг уй-жойга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини ўрганиб бориш ва шу асосда кўпқаватли уйлар қурилиши ва якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, бу борада айниқса ёш оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш масаласига алоҳида урғу берилди.

Биз бу масалада энг мақбул йўлни танлаганимизни бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда, деди Ислом Каримов. Бунга юртимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар мисол бўла олади. Масалан, биргина Наманганд вилоятидаги 2008—2009 йилларда 1 миллион 380 минг квадрат метр, шундан қишлоқ жойларда 1 миллион 260 минг квадрат метр уй-жой қурилиши, бунинг учун 95 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, келгуси йилда аҳолига уй-жой қуриш учун 2 миллиард сўм микдорида ипотека кредитлари ажратилади, шунингдек, ёш оилалар учун Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўпқаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Айниқса, бу борада эҳтиёж катта бўлган пойтахтимизда яқин беш йилда 1 миллион 400 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, ёш оилалар учун 22 та кўпқаватли уй қурилиши мўлжалланаётганини таъкидлаш лозим.

Бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошқа вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам амалга оширилади.

Юрт ободлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, соҳага ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, янги сармоялар топиш билан бирга, фуқароларнинг манфаатлари ни таъминлаш бундан бўён ҳам асосий вазифамиз ва бурчимиз бўлиши зарур, дея қайд этди Ислом Каримов.

Барчамиз яхши биламизки, **замонавий транспорт ва коммуникация тармоқларини** ривожлантирмасдан туриб, биз ўз олдимизга қўйиган юксак марраларга эриша олмаймиз. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган учрашувларда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, янги йўл ва кўприклар қуриш, шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллалар ҳудудидаги йўлларни таъмирлаш, талаб даражасида сақлаш бўйича ишлаб чиқилган аниқ лойиҳа ва режалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Бу ҳақда гапирганда, жумладан, 2008 йилнинг охирига бориб ишга туширилиши мўлжаланаётган 114 километрлик Тошкент – Ангрен электрлаштирилган темир йўл участкаси, кейинги йилларда барпо этилган «Навоий – Учқудук – Султон Увайстоф – Нукус» темир йўли, Фузор – Бухоро – Нукус – Кўнғирот – Бейнов

автомобиль йўли каби мамлакатимиз иқтисодий ривожида муҳим ўрин тутадиган транспорт-коммуникация тизимидағи қурилишларни давом этириш, истиқлол даврида барпо этилиб ишга туширилган Қамчиқ автомобиль йўлини янада кенгайтириш муҳим ўрин тутишини айтиб ўтиш керак.

Яқин йилларда бу йўналишда Намангандан ва Андижон вилоятларини боғлайдиган, узунлиги 287 метрлик, шунингдек, Сайхунобод туманида Катта ўзбек тракти бўйлаб, Амударё узра эса Қорақалпогистоннинг Беруний туманини Хоразм вилоятининг Урганч тумани билан туташтирадиган янги кўприклар бунёд этилиши ҳақида ҳам сайловолди учрашувларида ахборот берилди.

Яна бир йирик лойиҳа – Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманини Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри билан боғлайдиган янги йўлнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан Фарғона водийси вилоятларига қатновчи йўловчи ва транспорт воситаларининг Тошкент шаҳрига кирмасдан тўғри водийга ўтиш имконини яратиб, харажатларнинг камайишига, энг муҳими, вақтнинг сезиларли даражада қисқаришига хизмат қиласади.

Ислом Каримов йўл, транспорт-коммуникация тизимида амалга ошириладиган бундай кенг кўлами ва салмоқли ишлар ҳақида фикр юритар экан, бу

ИСЛОМ КАРИМОВ

магистраль йўллар нафакат ўзининг иқтисодий са-
мараси, балки худудларда тегишли инфратузилма-
ларни ривожлантиришга, аввало, савдо ва умумий
овқатланиш корхоналари, ёқилғи қуиши шоҳобча-
лари, хизмат кўрсатиш тизимларининг кенгайиши
ва шу орқали қўшимча иш ўринлари ташкил этили-
ши, ободончилик ишларини амалга ошириш учун
ҳам шароит яратиши билан алоҳида аҳамиятта эга
эканини қайд этди.

Тошкент шахри сайловчилари вакиллари билан
бўлиб ўтган учрашувда ҳам Ислом Каримов бу ма-
салага яна бир бор тўхталиб, пойтахтимизда авто-
мобиллар сони тобора кўпайиб бораётгани, бу ерда
транспорт қатнови масаласини оқилона ҳал этиш
зарурлигига эътиборни қаратди. Шаҳар транспорти-
ни ривожлантириш бош режасига мувофиқ, яқин
уч йил мобайнинда бу ерда 110 километрлик янги
йўл тармоқлари, иккита муҳташам кўприк кури-
либ, шаҳарнинг марказий қисми ва туманларини
боғлайдиган йўллар реконструкция қилиниши ҳамда
замонавий транспорт воситалари билан таъминла-
ниши кўзда тутилаётгани ҳақида фикр алмашилди.

Ислом Каримов мана шундай ўзгариш ва ян-
гиланишлар, **курилиш ва ободончилик ишларини**
юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманла-
рида, олис қишлоқларда ҳам амалга ошириш
белгилангани, айниқса, вилоят марказлари ўзи-
га хос миллий ва замонавий қиёфага эга бўлиши

ҳақида гапириб, бу хусусда ҳам ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдириди.

Сайловолди учрашувларида биз ўз олдимизга қўйган эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуришда замонавий билим, юқори касб малакасига эга бўлган, ўз юрти ва халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялаш нақадар масъулиятли масала экани қайта-қайта таъкидланди.

Таълим-тарбия масаласи мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб бугунимиз ва келажагимизни ҳал қиласиган энг устувор ва долзарб вазифа сифатида юртимизда кун тартибига қўйилди. Бугунги кунда бу соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улгайиши учун яратилаётган замонавий шароитлар туфайли ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётгани барчамизга мамнуният етказади, деди Ислом Каримов.

Очиқ айтиш керакки, ўз вақтида узоқни ўйлаб **Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини** ишлаб чиққанимизда ҳам, кейинчалик унинг мантиқий давоми бўлган **Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури** устида иш олиб борганимизда ҳам бу борада белгиланган ишларнинг ҳажми ва миқёсини кўриб, уларни бажара олишимизга шубҳа қилганлар ўзимизда ҳам, четда ҳам кўп бўлган эди.

Бугун шуни фурур билан айта оламизки, тахминан 1 триллион сўм маблағ талаб қилаётган мана шундай улкан лойиҳани биз юртимизда ўзимиз, ўз кучимиз билан амалга оширмоқдамиз.

Таълим-тарбия соҳасида эришаётган бундай улкан ютуқларимизни халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўладими, ЮНЕСКО ёки ЮНИСЕФ бўладими, дунёдаги тараққий топган давлатлар бўладими – барча-барчаси тан олаётгани ҳаммамизга фурур ва ифтихор багишлайди, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Ёшларимизни жамият ҳаётида ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида **2008 йилни юртимизда «Ёшлар йили»** деб эълон қилганимиз бу эзгу ишларни янги босқичга кўтариш, унинг са-марасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ислом Каримов ижтимоий соҳанинг муҳим тармоғи бўлган **соғлиқни сақлаш тизимида** ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталар экан, бу борадаги ислоҳотлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилаётгани ва бугунги кунда ўз натижасини бераётгани ҳақида чуқур таҳлилга асосланган фикр ва хулосаларни баён қилди. Фақат соғлом миллат, соғлом халқ буюк ишларга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига мамла-

катимизда устувор аҳамият берилмоқда. Бугун нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки юртимизнинг олис ва чекка худудларида ҳам энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт масканлари фаолият кўрсатаётгани ана шундай юксак эътибор самарасидир.

Яқинда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш тўғрисида маҳсус қарор қабул қилинди. Ана шу қарорга биноан, 2008—2012 йилларда кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказларини ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларини босқичма-босқич капитал таъмираш, уларни энг сўнгти замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича дастур тайёрланмоқда.

Шунингдек, бир қатор шаҳар ва туманларда кўп тармоқли марказий поликлиникалар барпо этиш режалаштирилиб, қишлоқ врачлик пунктларида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича ишлар бундан бўён ҳам изчил давом эттирилади.

Хеч кимга сир эмас — ҳар қайси халқ, ҳар қайси жамият авваламбор ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Мамлакатимизда бундай салоҳиятни ўзида мужассам эттан ташкилот ва муассасалар фаолиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Миллат тараққиётининг кўзгуси бўлмиш бундай ноёб бойлик билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз, деди Ислом Каримов. Лекин шуну очиқ айтиш керакки, илму фан, адабиёт, маданият ва санъат, таълим-тарбия, маънавиятимизни янада юксалтириш йўлида ўзининг меҳнати ва истеъодини бағишлигар заҳматкаш инсонларни етарли даражада кўллаб-куватлаш ва қадрлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак.

Сайловчилар билан бўлган учрашувларда биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган **маънавият соҳасидаги** долзарб масалалар бўйича ҳам муҳим фикр ва хуласалар, амалий таклифлар илгари сурилди. Жумладан, мамлакатимизнинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини, ҳалқимизнинг маданияти ва маънавиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий кўллаб-куватлаш тўғрисида қабул қилинган маҳсус фармоннинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, унга мувофиқ, илму фан, адабиёт, таълим-тарбия, маданият, санъат ҳамда бошқа соҳа ва тармоқлар бўйича давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахсларга ана шу унвонлар учун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори тегишли равишда 2-3 марта оширилиши айтиб ўтилди.

Ислом Каримовнинг сайловолди чиқишиларида айниқса ёшларнинг қалби ва онгини турли

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

зарарли таъсирлардан асраш, бой тарихимиз, бетакрор миллий қадриятларимиз, аждодларимизнинг бебаҳо меросини, муқаддас динимизни сохталашибтиришга қаратилган хавф-хатарлардан доимо огоҳ бўлиш, бугунги нотинч ва таҳликали дунёда ўзлигимизни сақлаб, аждодларимиз кимлар, қандай буюк зотлар бўлганини чукур англаб, улар билан фахрланиб яшашимиз лозимилиги таъкидланди. Бунинг учун **маънавий-маърифий ишларни** замон талаблари асосида янги босқичга кўтариш зарурлиги қайд этилди.

Бўлиб ўтган учрашувларда бугунги серқирра ҳаётимизнинг бошқа соҳа ва тармоқларида рўй бертаётган ўзгаришлар, уларни янада ривожлантириш бўйича ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалар ҳам кенг таҳлил этилди.

Бугун биз қўлга киритаётган юксак мэрраларга етишда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, менинг ҳам меҳнатим, хизматим бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз ўз олдимизга қўйган улкан ва эзгу мақсадларимизни амалга оширишда барча эришган ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, бу ҳаётда не-не синов ва мاشақкатларни бошидан кечирган **мард, олижаноб ва бағрикенг, бунёдкор ҳалқимизга таяномиз**.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Мен аввало шу мўътабар юртнинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшаётган, ўзининг куч-қудратига ишонган, буюк келажагини ўз қўли билан бунёд этаётган халқимиз олдида чукур хурмат билан бош эгаман, бутун Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам сидқидилдан, садоқат билан хизмат қилишни ўзим учун шарафли бурч, деб биламан, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди пировардида Ислом Каримов.

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуг сана — Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромими ни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллитини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида, аввало, Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод

жамият қуриш, инсон ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, ҳалқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан мэрраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида Эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак дараҷада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиласидан даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий Қонунимизда сайлов тўғрисидаги маҳсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимиға номзодларни кўрсатиш ҳукуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гурӯҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳукуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг

ИСЛОМ КАРИМОВ

ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва атрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илгор тажрибасига суюнган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Хозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз — Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва хукуқий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиш зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик хукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шаротлар туғдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итоат қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиш керак.

Келгуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Кўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида ургу бериб тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас — бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Кўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Кўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро хурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин — бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустаҳкамланмоқда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда — очик, холис ва ҳаққоний асосда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг моҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз кўшиласиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, дунёда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида турган машхур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий таёдиги сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу — айни ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган маҳсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва холис хulosалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини кўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида мат-

буютимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилиди ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қамровли, авваламбор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ йўналиш ва тармоқларни ўзида мужассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёsat ва бу борадаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб қиласди. Шу мақсадда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимиизда, ҳеч шубҳасиз, фоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғри-

сида»ги ва «Болалар ҳукуқларининг кафолатла-ри тўғрисида»ги, шунингдек, «Ҳомийлик тўғри-сида»ги ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонунлар, айниқса, эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолияти-нинг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг маҳсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларини тубдан ислоҳ қилиш, ёш оила-ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйлайманки, ҳаётимизда бу соҳани янада такомил-лаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, бокувчисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва фамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа «Сен ёлғиз эмассан» деган даъватни ҳар жиҳатдан мус-

ИСЛОМ КАРИМОВ

таҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллади.

Жорий йил мобайнида 15 та маҳсус мактаб-интернат ва «Мехрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мехрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини кўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдигидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та «Мехрибонлик» уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оиласвий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, Алишер Навоий бобомиз-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

нинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамиз-нинг хаёлимизга келади. Яъни, улуғ аждодимиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дарди-га ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бами-соли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробар-дир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўксик болаларимизнинг қандай хур-санд бўлганини, уларнинг кувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, давлатимиз, халқи-мизнинг ишончли ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини мод-дий ва маънавий қўллаб-куватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобай-нида 50 мингдан зиёд оиласага бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оиласага чорва молла-ри сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит аж-ратилгани ҳам бу борада бошлаган ишларимиз-нинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнинда ҳомийлар ва оталиқ ташки-лотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар

ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сүмлик ёрдам күрсатылды. Шулар қаторида Олмалиқ шаҳридаги «Саховат» уйи, Андижон шаҳридаги күзи ожизлар яшайдиган 2 та күп қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат күрсатылгани, ногирон шахсларга 8 мингта яқын протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар ара-вачаси, бир ярим минг дона эшишиш мосламаси, 5 минг дона ҳасса ва құлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъянамизга кўра, бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сүмлик ўкув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 минг ўкувчи 17 миллиард 816 миллион сүмлик қишки кийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур бўйича бажарилган муҳим тадбирлар қаторига киради.

Ўттан ёз мавсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз,

шунингдек, 8 мингдан зиёд «Мехрибонлик» уйи ва маҳсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳларда белул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафасат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий маҳсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Мурувват» уйларида тарбиялананаётган болалар ўртасида пароолимпия мусобақалари ўtkазилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчамизга фурур ва ифтихор бағишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта мұхым ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, чет әллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоқида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореяning Саломатлық ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет әллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, тугма нүксонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирап эканмиз, Жаңон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол қатнашган хорижлик дўстларимизга сизнинг номингиздан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир мұхым вазифа — ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, «Мехрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рафбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам

Приборга лойиқ Хусусан, «Муруват» үйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфшаганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиласидиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли устама ҳақ жорий этилди, хона-донларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига мувофиқ, ёш авлоднинг ҳәётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оиласарга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оиласарнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оила-

лар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истемол кредитлари, шунингдек, олий ўкув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлиар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойик, албатта.

Муҳтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ, бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваламбор, яқинда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий кўллаб-куvvatлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга асосан, фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан кўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобиль

ҳалокатини бартараф этишда қатнашган кишиларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гурӯҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина «Тошкенттрансхизмат» уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташкил этилганини уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиласиз.

Азиз дўстлар, ўйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шаҳар ҳаётидан кўплаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимиизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарф-

ИСЛОМ КАРИМОВ

лангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсаатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Маҳалла» ва «Нуроний», «Соғлом авлод учун» ва «Экосан», «Мехр нури», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармалар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари кўплаб жамоат бирлашмаларига, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номидан, ҳалқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар!

Юқорида келтирилган далил ва мисоллар, аввало, давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар эттанимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва хулосалар беихтиёр ҳар қайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Аввалимбор, юксак инсонпарварлик рухи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳр-оқибат, му-

МАМЛАҚАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

руват ва саховат каби туйгуларнинг ёрқин намоёни бўлмиш бундай ишларни амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизида айни бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари давомида юртдошларимиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало, ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўлида қилаётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бутун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро хурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўргасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай бекиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни ентиб бўладими?

Муҳтарам юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқка хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда аввалимбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз

ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги погонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги — 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Азиз дўйстлар!

Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кўзланган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлған ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимииз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида маҳсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган хуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун хужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз — фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўкув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ўчиш тарбия олиши — олдимизга қўйган мақсади-мизнинг фақаттина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккичи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олдиши билими ва касбини амалий ҳаётда намоён тиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини бириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи — тан олишимиз керак — ҳали-бери эътиборимиздан чётда қолиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чукур ўйланган дастурларни ҳаётта татбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш — ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими — бу ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада, авваламбор, қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса, армия сафларидан муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтаб қайттанларга алоҳида эътибор беримиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топишни лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирав эканмиз, энг аввало, оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамиизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оиласаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-куватлаш масаласи дастурда муносиб ўрин эгаллаши лозим. Шунингдек, ўкувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг майший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар белгиланиши даркор.

Биз истеъодди фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фаҳранамиз.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъоддини ўз вақтида пайкаш, тарбиялаш ва рӯёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйишни керак, деб ҳисоблайман.

Кейинги йилларда бу масалада давлат идоралари билан биргаликта бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораёттанини құллаб-құватлаш зарур.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизде үтказилаёттан «Ниҳол» ва Зулфия мукофоти тәнловлари, «Яңғы авлод» ва «Келажак овози» күрик-тәнловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаёттани барчамизни қувонтиради.

Мамлакатимизда шакланиб келаёттан фуқаролик жамиятига хос бўлган ана шундай ибратли ишларни амалга ошираёттан нодавлат ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш масаласи ҳам мања шу дастурда ўз ифодасини топиши мақсаддага мувоғиқ бўлади.

Шу билан бирга, ёшлиаримизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш муҳим вазифаларимиз қаторидан жой олиши керак.

Қадрли дўстлар!

Мен «Ёшлиар йили» давлат дастурида асосий эътибор беришимиз зарур бўлган баъзи бир энг муҳим масалалар ҳақида тўхталиб ўтдим, холос.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бу дастур устида ишлайдиган, уни тайёрлашга масъул бўлган мутасаддилар, авваламбор, кенг жамоатчилик, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, ота-оналар ва мураббийлар, айниқса, ёшлиаримизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб, бор куч ва имкониятларни ана шу устувор йўналишларни амалга ошириш учун қаратишлари лозим.

Ушбу дастурда ўз аксини топадиган барчабарча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона фоя ҳаммага очиқ аён бўлиши керак. Бу фоя — ёшлиаримизнинг хуқуқ ва манфатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳдикали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эталлашини таъминлашдан иборат.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бугунги кунда «Ёшлиаримиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни ис-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

тардим. «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу даъват биринчи навбатда мамлакатимизда тобора куч-кувват, гайрат ва шиҷоаттага тўлиб бораётган, ҳаётда улкан вазифаларни адо этишга қодир бўлган ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва кайфиятига мос келади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак.

Мен кўп чиқишлиаримда ёшларга бўлган ишончим ва меҳримни ифода этиб, юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим, деб қалбимдаги эзгу туйғу ва тилакларимни билдираман.

Албатта, ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Ва айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқиқ бўлиб, замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлигини бағишлайди.

Лекин мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз

ИСЛОМ КАРИМОВ

фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб била-ман ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмай-ман.

Азиз ватандошлар, сизларни Конституция куни билан яна бир бор табриклар эканман, бар-чангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хона-донларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
15 ийлигига бағишиланган тантанали
маросимдаги маъруза, 2007 йил 7 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Азизларим!

Авваламбор, барчангизни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2008 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу дақиқаларда якунига етиб бораётган 2007 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимииздан кечирган қувончли ва ташвишли кунларни, эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим ва унугиллас мас воқеаларни беихтиёр эслашимиз табийидир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтаётган йилда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига мамлакатимизнинг тараққиётини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида кўлга киритган ютуқ ва мэрраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз Ватанимизнинг куч-кудратини ошириш, юртимизни янада обод этиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш борасида катта қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдигини 2007 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга, саноат 12,1, қишлоқ хўжалиги 6,1 фоизга ўсгани, экспорт салоҳияти 1,4 баробардан, олтин-валюта захираларимиз 50 фоиздан зиёд кўпайгани, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг реал миқдори эса 40 фоизга ортгани мисолида кўриш мумкин. Айни шу пайтда инфляция, яъни нархнаво даражаси 6,8 фоиздан ошмагани эътиборга сазовордир.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва самарасини ошириш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина қонун ва қонунчилик нормаларини қабул қилганимизни, улар бугунги кунда муваффақият билан жорий этилаётганини қайд этиш зарур, албатта.

«Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном олган 2007 йилда ёрдамга муҳтож бўлган инсонлар ва оиласлар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича инсонпарварлик руҳида амалга оширган савобли ишларимиз бутун мамлакатимизни қамраб олган умуммиллий ҳаракатга айланди.

Биз буни халқимизнинг онгу тафаккури, маънавий олами тобора юксалиб бораётгани, диёримизда меҳр-оқибат, саховат ва мурувват туйғу-

лари хукм суроётганининг яна бир тасдиғи деб қабул қиласиз.

Бугун якунига етиб бораётган йилга холисона баҳо берар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, босиб ўтган йўлимиз ва қўлга киритган мэрраларимиз барчамизга эртанги кунга кўтаринки руҳ ва катта ишонч билан қарашиб учун замин тугдидиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар, Ватанимизнинг янада равнақ топишида барчамиз, шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизда куни кеча бўлиб ўтган, ҳаммамиз учун катта сиёсий синов бўлган Президент сайлови Ўзбекистонда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва хукуқларини устун қўядиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида катта мактаб ва янги босқич бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, холислик, очиқлик ва ҳаққонийлик руҳида ўтган бу сайлов халқимизни янада жипслаштириб, унинг сиёсий ва хукуқий билими, маданияти тобора ошиб бораётганини, эркин овоз берган ҳар қайси фуқаронинг орзуумидлари ва келажакка ишонч билан қарашини

яққол намоён этди ва ҳаётимизда чиндан ҳам тарихий бир воқеага айланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сайловчиларимиз томонидан менга кўрсатилган юксак ишонч учун чин қалбимдан, юрагимдан самимий миннатдорчилик билдираман ва халқимга чуқур таъзим қиласман.

Мен учун сиз, азизларга, бутун Ўзбекистон халқига умрбод садоқат билан хизмат қилишдан бошқа мақсад ҳам, ҳаёт ҳам йўқ, десам, кўнглимдаги, дилимдаги гапни айтган бўламан.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Гўзал диёrimизга янги — 2008 йил кириб келишига саноқли дамлар қолган мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда ҳар қайси инсон ўз қалбининг тўрида асраб келаётган энг эзгу истаклар рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини ният қиласми.

Мен ҳам сиз, азиз ҳамюртларимнинг ана шундай олиjanоб орзу-умидларига тилакдош бўлиб, уларнинг ижобат бўлишини Яратганимиздан сўрайман.

Келгуси йилда олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва самарасини ошириш, республикамизга инвестициялар ва замонавий технологияларни олиб кириш ҳисобидан дав-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

латимизнинг куч-кудрати ва иқтисодиётини яна-да юксалтириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, та-раққиётимизнинг таянчи бўлмиш кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун зарур имконият ва имтиёзлар яратиш, одамлар-нинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган вазифалар эътиборимиз марказида бўлади.

Шу борада меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини 2007–2009 йилларда камида 2 баро-бар кўпайтириш бўйича белгилаб олган вазифа-миздан келиб чиқсан ҳолда, янги йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқ-дорини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам бизнинг устувор мақсадимизга киради.

Ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суюнчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаёт-ганини бутунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқ-дамиз.

Айни шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, яъни ёшлиаримизни ҳақиқатан ҳам бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қўлувчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятимизда муносаб ва мустаҳкам ўрин олишига пойдевор яратиш учун янги — 2008 йилни «Ёшлиар йили» деб эълон қўлганимизни, бунинг

ИСЛОМ КАРИМОВ

аҳамияти ва моҳиятини, ўйлайманки, ҳалқимиз, жамоатчилигимиз яхши англаб олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги йилдаги барча мақсад ва режаларимиз ҳалқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, юртимизни гўзал ва фаровон, ҳаётимизни янада файзу баракали этишга хизмат қиласди, иншоолло.

Азиз ватандошларим, қадрдоңларим!

Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Янги йил ҳар бир юртдошимизга соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, ҳар бир оиласига яхшилик ва қут-барака олиб келсин.

Ватанимиз тинч, ҳалқимиз ҳамиша омон бўлсин.

Парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин.

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимояси каби шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишилаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги күтлуг сана — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий табриклаш менга қатта мамнуният етказади.

Бугун Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга қодир бўлган, замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, профессионал асосда ихчам ва тезкор Қуролли Кучлар барпо этилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Юртимизда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилингандан Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз барча замонавий та-

лабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимиға ўтишга имкон берди. Янги ташкилий-штат тузилмаси қабул қилинди, қисқа вақт ичидаги ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва маҳсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар ташкил этилди, мамлакат мудофаа тизими ни бошқариш механизми, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлигидаги жанговар тайёргарлик ва тезкор-стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди. Қўшилмалар ва қисмларни таҳдид эҳтимоли кўпроқ бўлган оператив йўналишларни эътиборга олган ҳолда, қайта жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақириув резерв хизмати жорий этилди ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг социал ва майлий тураржой шароитларни яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биз миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, Ўзбекистоннинг минтақамизда ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган жиддий

ички ва ташқи таҳдид ва хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора қўлами кенгайиб бораётган наркоаггрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутдик. Шу ўринда қарийб 30 йилдан буён биродаркүшлик уруши давом этаётган ва тинч аҳоли қурбон бўлаётган Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг мураккаб бўлиб тургани ҳам минтақамиздаги хавфсизликка катта таҳдид туғдираётганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий курилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттироқда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, пухта ўйланган чора-тадбирлар ва ҳисоб-китоблар асосида жанговар ва хизмат кўрсатувчи қисмларининг мутлақо янги тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди, уларнинг таркиби, мақсад-вазифалари тубдан ўзгарди. Пировард натижада қўшинларимизнинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари, армиямизнинг ҳарбий салоҳияти ва жанговар құдрати янада ортди.

Армиямизни зарур қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш ҳамда қайта қуроллантириш, жумладан, жанговар вертолётлар паркини, ҳарбий ҳаво мудофааси кучларини мустаҳкамлаш, қўшинларимизни қурол-аслаҳаларнинг бошқа замонавий турлари билан таъминлаш бўйича тизимили ва мунтазам асосда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий мухитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қараашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболага бўлмайди.

Биз офицерлар ва аскарлар таркиби ўртасида нафақат боғловчи бўгин, балки том маънода армиямизнинг таянч устуни, офицерларнинг ишончли ёрдамчилари бўлмиш сержантларимизнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада оширишга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги қунда замонавий жиҳозланган маҳсус сержантлар мактабларида таълим олган сержант-

лар бутун аскарлар таркиби учун энг яқин кичик командирлар бўлиш билан бирга, улар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир аскарга бамисоли акадек фамхурлик кўрсатиб, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳарбий ўқув юртларимизда таълим тизими тубдан ўзгармоқда, уларда бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Бугун катта мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани туфайли Қуролли Кучларимизнинг деярли бутун қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди.

Армия сафларига, авваламбор, мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар келди.

Биз қўлга киритган бундай ютуқлар билан муқаддас юртимизда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳақли равища фаҳрланса арзиди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг ҳозирги ва эртанги энг муҳим вазифамиз — тобора ўсиб бораётган бугунги кун талаблари асосида ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги самарадорлигини кучайтириш, армиямизни замонавий курол-аслаҳа ва техника билан таъминлаш, Куролли Кучларни ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлашда замон билан ҳам-қадам бўлиб, изчил иш олиб боришимиз шарт.

Шу борада армиямизнинг мукаммал ва пухта ташкил этилган механизм каби тўлақонли фаолият кўрсатиши, унинг таркибидаги ҳар бир ҳарбий қисм ўз вазифасига эга бўлган ҳолда, бошқа турдаги қўшинларнинг бўлинмалари билан биргаликда ўзаро узвий боғланган ягона комплексни ташкил этиб, жанговар ҳаракатларни бир ёқадан бош чиқариб олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда барча турдаги қўшинларни тайёрлаш ва жанговар фаолиятини амалга ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигига эришиш Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлиги, тегишли идоралар, ҳар қайси бўйиндаги командирларнинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Айниқса, армиямизни курол-яроғ ва техника билан таъминлаш олдимиизда турган энг масъу-

лиятли вазифа ҳисобланади. Сир эмаски, бугунги кунда замонавий қурол-аслача жуда қиммат туради. Айнан шу сабабли Қуролли Кучларимизнинг биринчи галдаги эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, пухта ўйланган дастур асосида, аввало, замонавий талабларга жавоб берадиган ва шу билан бирга, қўшинларимизнинг ҳарбий ва жанговар қудратини янада кучайтирадиган қуроласлаҳалар билан таъминлашимиз муҳим ўрин тутади.

Шахсий таркибни ўта хавфли бўлган турли қирғин қуролларининг таъсиридан алоҳида ва биргаликда ҳимоя қилишнинг ишончли воситалари ҳамда техникаси билан таъминлашга жиддий эътибор қаратишимиш даркор.

Ҳарбий тайёргарлик самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиш ва чуқур ўзлаштириш ҳар қайси ҳарбий хизматчи — оддий аскардан бошлаб юқори қўмондон учун ҳам — доимий, асосий вазифа ва мақсад бўлиб қолиши шарт. Бу борада сержантлар мактаблари, ҳарбий билим юртлари, қўшилма ва қисмларни замонавий тренажёрлар, реал жанговар вазиятларга имкон қадар тўла мослашишни таъминлайдиган полигон ускуналари билан жиҳозлаш алоҳида аҳамият касб этади. Биз тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, модел-

ИСЛОМ КАРИМОВ

лаштириш ва симуляция услубларига асосланган замонавий техник таълим воситаларини ҳозирги вазиятда ўта мураккаб вазифаларни ҳал этиш ва армиямизнинг жанговар қобилиятини оширишга қодир бўлган амалий ва самарали қурол сифатида қабул қилишимиз лозим.

Маълумки, 2008 йил юртимизда «Ёшлиар йили» деб эълон қилинди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз Куролли Кучлари раҳбарияти ва қўмондонлик таркиби олдига бугунги кунда армиямизнинг асосий ўзагини ташкил этадиган ёш офицерлар, сержант ва аскарларнинг манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-умид ва интилишларини рўёбга чиқариш учун янги, янада масъулиятли вазифаларни қўяди.

Шу муносабат билан миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чукурлаштириш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, бу вазифаларни бажаришнинг муҳим ва узвий қисми бўлган ўз ҳаётини Ватанини ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, уй-жой ва социал-маиший шароитларини янада яхшилаш, иш ҳақи микдорини ошириш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш масалалари бун-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

дан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу мақсадларни амалга оширишни мен ўзим учун нафақат муҳим вазифа, балки юксак бурчим деб биламан.

Сиз азизларни — юртимиз мард ўғлонларини, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучларининг ўн олти йиллиги байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли хизматингизда муваффақиятлар, баҳт ва омад, она-Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ишингизда файрат ва шижоат тилайман.

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Кўмандони

БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЮКСАК МАРРАЛАРГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

Муҳтарам ватандонлар!

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун мана шу юксак ва мўътабар минбардан туриб, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни яна бир бор ишонтириб айтмоқчиманки, сайловолди дастуримда белгиланган ва баён қилинган барча устувор йўналишларни изчил амалга ошириш учун бор куч-имкониятим, билим ва тажрибамни сафарбар этаман.

Авваламбор, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мамлакатимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада ошириш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқимизнинг тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш бундан буён ҳам бутун фаолиятимнинг асоси бўлиб қолади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президенти сайловини Конституциямиз ва қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий андозалар, умумъэтироф этилган демократик тамойилларга тўла

риоя қилган ҳолда ўтказиб, ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён этиб, менга юксак ишонч кўрсатган барча сайловчиларимизга, азиз юртдошларимга яна бир бор ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, халқимиз олдида чукур таъзим қиласман.

Менинг эзгу тилагим шуки, Яратганимиз эл-юртимизни, бутун халқимизни ўз паноҳида асрасин, унинг баҳту саодатини, омадини берсин.

Албатта, бу юксак минбардан туриб сўз айтиш ҳар қандай одамни ҳам, у қандай катта тажрибага эга бўлмасин, барибир ҳаяжонлантиради. Мен ҳам бугун сизларнинг ҳузурингизда туриб, очиқ юзингиз, кўзингизга қараб, ҳаяжон туйғусини ҳис қилмоқдаман.

Шу ўринда сизларга кўнглимдаги бир фикрни айтишни лозим деб биламан.

Биз юртимиз осойишталиги ва Ватанимиз равнақини, халқимизнинг фаровон ҳаётини ва ёруғ келажагини таъминлаш учун ўз олдимизга кўйган буюк мэрралардан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган мустақил тараққиёт йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз юксак мақсадларимизга албатта эришамиз. Бизга Аллоҳнинг ўзи доимо мададкор бўлаётганига, йўлимизни очиб бераётганига бугун барчамиз ишонч ҳосил қилмоқдамиз ва бунинг учун минг бора шукроналар айтамиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Мустақиллик йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан биз барча соҳаларда катта ютуқларга эришдик. Ҳозирги кунда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга албатта ҳақлидир. Мана шу муҳташам залда халқимизнинг ана шундай вакилларини кўриш менга катта мамнуният етказади.

Бугун мамлакатимиз ҳаётида тарихий кун. Орадан ойлар, йиллар, балки асрлар ўтар, лекин мустақил Ўзбекистонимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг шон-шуҳратини дунёга тараннум этиш мақсадида амалга оширган, тарихимизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган улугвор ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, келажак авлодлар миннатдорлик билан эсга олажак.

Бугун ушбу тантанали маросимда қатнашаётган муҳтарам чет эллик меҳмонларимизни халқимиз номидан қутлаб, шуни таъкидлашни истардим: ўзбек халқи азалдан ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги билан шуҳрат қозонган. Эл-юртимизга мансуб бўлган бундай ноёб фазилатлар бизнинг фарзандларимизга ҳам ўтсин, уларнинг қалбидан, юрагидан мустаҳкам жой олсин.

Биз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини олиб бораётган барча хорижий мамлакатларнинг хурматли элчиларига қарата

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

айтмоқчиманки, ўзбек халқи яхшиликни биладиган, яхшиликнинг қадрига етадиган халқ. Сизларнинг давлатларингиз ва халқларингиз томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган хайриҳоҳдик, амалий ёрдам ва кўмакни биз ҳеч қачон унугтмаймиз. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг мамлакатларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ислом Каримов

Президент
Узбекистан

*Президент лавозимиға киришини
маросимидағы сүз, 2008 йил 16 январь*

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ИСЛОҲОТ ВА ЎЗГАРИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги мажлисимиизнинг бош мақсади ва вазифаси — ўтган йил давомида эришган мараларимизни, иқтисодиётимизда, умуман жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида рўй берган ўзгаришлар ва жараёнларни танқидий баҳолаб, жорий 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида асосий эътибор ва саъй-ҳаракатларимизни қаратиш зарур бўлган муҳим устувор йўналишларни аниқ-равshan белгилаб олишдан иборат.

Республикамизнинг 2007 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини баҳолар эканмиз, қўйидаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтиш ва таъкидлашни истардим.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макро-иқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартериш ва модернизация

қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди, ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошиди.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси 2007 йилнинг прогноз параметрларига нисбатан анча юқоридир.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси тасдиқланган параметрлар доирасида сақланган ҳолда, 6,8 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланиши экстенсив омиллар, жаҳон бозорида нефть, газ ва бошқа хом ашё ресурсларининг нархи тинимсиз ўсиб бораётган бир шаройтда ўшиш суръатлари буларнинг ҳисобидан таъминланаётгани йўқ.

Бундай иқтисодий ўшишга эришишда, авваламбор, кенг қўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортта ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат-

ИСЛОМ КАРИМОВ

нинг амалга оцирилаётгани принципиал аҳамиятга эгадир.

Саноат, қурилиш, коммуникация ва хизматлар соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бугунги кунда ялти ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуси 25 фойзни, хизматлар соҳасининг ҳиссаси 43 фойзни, кичик бизнеснинг улуси эса 46 фойзни ташкил этмоқда.

Ёқилғи-энергетика, газ, нефть ва кимё мажмуалари, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургия, кимё ва қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси иқтисодиётимизда ва экспорт таркибида ўзининг етакчи мавқени мустаҳкамлаб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Ширкатларни фермер хўжаликлариға айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлиари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

Ҳозирги кунда республикамизда 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган

аҳолининг қарийб 90 фоизи меҳнат қилмоқда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 85 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, галланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Юртимизда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер ва дехқон хўжаликларининг улуши салкам 94 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгитдан барпо этилди, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рафбатлантириш, соҳани бошқариш принциплари ва тизими сифат жиҳатдан мутлақо янгича тамойиллар асосида йўлга кўйилди.

Жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилирига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини комплекс қайта ишлашга ихтисослашган 200 дан зиёд агрофирма фаолият кўрсатмоқда.

Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларидан, биринчи навбатда, пахта ва ғалладан энг юқори ҳосил олингани, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайгани дехқончилигимиздаги туб сифат ўзгаришларининг самарасидир десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган йили пахта хом ашёси етиштириш 3 миллион 650 минг тоннадан, ялпи ғалла ҳосили эса 6 миллион 250 минг тоннадан ошиб кетгани бунинг яқъол тасдиғидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй берастган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Юртимизда 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортиб, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди.

Бу, ўз навбатида, йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришиш ва олтин-валюта захираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди.

Ўтган давр мобайнида экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажми катта суръатлар билан ортиб, бугунги кунда 38 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Булар қаторига, аввалимбор, машина ва асбобускуналар, нефть-кимё маҳсулотлари, минерал

Уғитлар, пахта толасидан тайёрланган ил-калава ва
шугурама, трикотаж ва озиқ-овқат товарлари, ка-
бель-ўтказгич маҳсулотлари, қурилиш материал-
лари киради.

Йил давомида машина ва асбоб-ускуналар, элек-
тротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баробар, кимё
саноати маҳсулотлари 1,6 баробар, фармацевтика
маҳсулотлари 1,5 баробар, тўқимачилик маҳсулотла-
ри 1,2 баробар, қурилиш материаллари 2 баробар,
мева-сабзавот маҳсулотлари эса 1,6 баробар ошди.

Хизматлар, айниқса, транспорт ва телеком-
муникация хизматлари экспорти юксак суръат-
лар билан ўсиб бормоқда.

Ташқи савдо юкларини ташиш учун қулай
шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлак-
ларини очиш, республикамиз транзит салоҳияти-
ни кескин кучайтириш бўйича аниқ чора-тад-
бирлар амалга оширилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш ҳисо-
бидан 2007 йилнинг ўзида 270 та лойиҳа жорий
этилиб, 60 дан зиёд янги маҳсулот турини иш-
лаб чиқариш ўзлаштирилди, сарф-харажатлар
сезиларли равишда камайиб, ишлаб чиқариш
ҳажми ўсди.

Бунинг натижасида қарийб мингта қўшимча
янги иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дас-
турининг амалдаги самарасини ҳисоблагандা, у
салкам 2 миллиард долларни ташкил қилди.

2007 йил давомида иқтисодиётимизга кири-тилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортиди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблагни ташкил этди. Бу эса ўтган йиллар мобайнида эришилган энг юқори кўрсат-кичdir.

Шуниси дикқатта сазоворки, жами инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди.

Шу борада эътиборингизни бир масалага қарагмоқчиман. Жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялари, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард долларни ташкил этди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри кири-тилган хорижий инвестициялар эканини таъкидлаш лозим.

Инвестиция дастури доирасида 2007 йилда 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Хусусан, «Зеварда» конида компрессор станцияси, Кўкдумалоқ конида йўлдош газларни утилизация қилувчи учта ускуна, 142 километрлик газ қувури ва 184 километрлик электр узатиш тармоғи ишга туширилди.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шунингдек, Резаксой сув омбори қурилиши якунланди. Навоий шаҳри ҳалқаро аэропортида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Тўқимачилик саноати бўйича ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 66 та корхонадан 34 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди, яна 20 та корхонада қурилиш ишлари ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш жараёни тугалланмоқда. Модернизация қилинган корхоналарда қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ошди.

Янги қурилган, лойиҳа муддатидан бир йил олдин фойдаланишга топширилган 223 километрлик «Тошгузар — Бойсун — Кумкўргон» темир йўлининг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти бекёёсdir.

2007 йил учун тасдиқланган йўл қурилиши дастурига мувофиқ, 245 километрлик автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди, 1 минг 750 километрдан қўпроқ ҳалқаро ва давлат аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган йўллар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

2007 йилда хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди.

Кўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда — енгил, озиқ-

овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойикдир.

Ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигимиз фаол ривожланмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда молиявий ресурсларни бошқариш соҳаларида стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили қарийб 330 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитлар ва 46 миллион долларлик грантлар жалб этилди.

Инвестиция ва сармоялар ҳақида гап боргандада, бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтишини зарур деб биламан.

Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятта

Этга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, аҳоли баңдлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир.

Бу — вилоят, шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджетлари ўсишининг асосий манбаидир.

Ҳозирги кунда Сурхондарё, Жizzах ва Намангандан каби баъзи вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияида қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани, биринчи навбатда, мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман, инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Пешку, Шоғиркон ва Нурота, Хатирчи, Кўшработ ва Бандиҳон, Қораўзак, Тахтақўпир ва Бахмал, Янгиобод ва бошқа туманларда маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоиздан кўпроғи вилоят ва республикадан олинадиган дотация ҳисобига қопланаётганини қандай баҳолаш керак? Бу саволга ана шу туманларнинг раҳбарлари нима деб жавоб бериши мумкин?

Ўтган йили Сирдарё вилоятида маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ташаббуси билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисо-

ИСЛОМ КАРИМОВ

бидан биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаганини қандай изоҳлаш лозим? Жиззах ва Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Мазкур худудлар улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан, уларда 2007 йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1-2 миллион доллардан ошмагани буни кўрсатиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз мажлисида ушбу масалани алоҳида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур деб ўйлайман.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда жаҳондаги аксарият мамлакатларда молиявий қарздорлик ҳажмларининг ошиб бораётгани ва банк активларининг етишмаслиги энг жиддий ва ташвишли муаммолардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бизнинг ташки қарзимиз ҳажми ва уни қоплаш учун ажратиладиган йиллик маблағлар даражаси халқаро мезонлар бўйича энг паст параметрларни ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотга нисбатан ташки қарз 2007 йилнинг охирида атиги 17 фоизни, экспортимизнинг йиллик ҳажмига нисбатан эса 44 фоизни ташкил этди. Бу эса Ўзбекистоннинг ўз маж-

буриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш кафолатини берадиган энг ишончли, тўловга қодир ҳамкорлар қаторидан муносаб жой олишини таъминлайди.

Барчамизга бир ҳолат яхши маълум, деб ўйлайман. Кейинги вақтда кўшни мамлакатларда ва жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиб бораётгани кузатилмоқда. Бундай вазиятда республикамиз ички бозорининг, аҳолимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан бизнинг 90-йилларданоқ ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нонга, бошқа ҳаётий мухим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш вазифасини ўз олдимизга кўйганимиз ва уни муваффақиятли ҳал этганимиз узоқни ўйлаб қилинган оқилона иш бўлганини эслаш ўринлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон буғдой, ун, пахта ёғи, мева-сабзавот, қуруқ мевалар ва узум, полиз маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан нафақат ўз ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда, балки уларни юртимиздан ташқарига ҳам экспорт қилмоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, гуруч, картошка ва бошқа мухим озиқ-овқат молларига бўлган талаби ўзимизда

ишлиб чиқарилаётган товарлар ҳисобидан тўлиқ қопланмоқда ва бундай ҳолатни ўзимизнинг улкан ютуғимиз деб ҳисоблаймиз.

2007 йилда **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш** бўйича ишлар давом эттирилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.

Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, шунингдек, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва тартибга солинди. Кўплаб белгиланадиган жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди.

Бизнес соҳасига давлатнинг аралашувини чеклашга қаратилган ишлар давом этмоқда, бизнес субъектларига нисбатан ҳар қандай санкция фракат суд қарори бўйича қўлланиши устидан мониторинг олиб борилмоқда.

Молия, солиқ ва статистика ҳисботларининг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилмоқда. Солиқقا тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди. Хусусан, кичик

корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди. Масалан, ўтган йилда Ўзбекистон товархом ашё биржасида умумий савдо айланмаси қарийб 2 баробар ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кўплаб нуфузли халқаро ташкilotлар томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мисол учун, ҳар йили дунёning 162 та мамлакати бўйича иқтисодий эркинлик индексини эълон қиласидиган «Наследие» фонди халқаро рейтинг агентлигининг бу борадаги хулосаси эътиборга сазовор. Бу ташкilot 2000—2007 йилларда Ўзбекистонда эркинлаштириш индекси 18 пунктга яхшиланиб, 53 фоизни ташкил қиласини эътироф этади.

Ҳеч шубҳасиз, бу кўрсаткич миллий иқтисодиётимизни эркинлаштириш соҳасида сезиларли даражада ривожланишга эришганимиздан даалолат беради.

Яна бир муҳим масала — 2007 йилда давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта

ИСЛОМ КАРИМОВ

кўриб чиқилди, корхоналар капиталида давлат иштирокини кескин камайтириш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Айни вақтда давлат мулкини баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган меъёрий базани эркинлаштириши юзасидан иш олиб борилмоқда.

Давлат мулкини инвестиция киритиши ва бошқа мажбуриятлар асосида сотиш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари билан тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 3—4 баробар кўпайиб, 310 миллион доллар ҳамда 57 миллиард сўмни ташкил этди.

Жами тушумларнинг 65 фоиздан ортиги хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Натижада 2007 йилда хусусий секторнинг ялпиички маҳсулот таркибидаги улуши 85 фоизга етди. Саноат маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам юз фоизи, чакана савдо айланмаси эса тўлиқ ҳолда анашу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу ўринда бир масалага такрор ва такрор эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Давлат обьектларини хусусийлаштиришда биз учун энг асосий тамойил — бу ишнинг кўзини биладиган, омилкор мулқдорларни жалб этиш, корхон-

наларни ҳақиқий әгасига, хусусийлаштирилған завод ёки фабрикани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиһозлаш, жағон бозорида рақобатта бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлган моҳир менежерларга топшириш керак.

Лекин, афсуски, баъзи янги мулқдорлар давлат мулкини жуда арzon нархларда сотиб оляпти-ю, ундан оқилона фойдаланиш, самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи ечиlmаяпти.

Илгари хусусийлаштирилған 7 мингдан ортиқ корхона фаолиятини ўрганиш шуни қўрсатдики, уларнинг 315 таси мутлақо тўхтаб қолган, 450 таси эса яrim қувват билан ишламоқда. Натижада ўтган йили кўрилган қатъий чора-тадбирлар туфайли 198 та ана шундай корхона банкрот деб эълон қилинди, 204 та корхона бўйича бу жараён давом эттирилмоқда. Яна 34 та корхона бўйича банкротликка тортиш жараёни бошланиш арафасида турибди.

Албатта, бундай чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, банкротлик жараёни давомида янги мулқдорларга сотилған 65 та корхонада инвесторлар томонидан 50 миллион доллар ва 5,5 миллиард сўм маблаг қиритиш мўлжалланмоқда.

Бундай тажрибани бундан буён ҳам давом эттириш даркор. Шундай натижага эришишимиз

керакки, бизнинг пировард мақсадимиз амалга ошсин — барча корхоналарни ўз иши учун қай-фурадиган ҳақиқий мулкдорлар, ҳақиқий мулк эгалари бошқарсинг.

Ўтган йилда банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб келди.

Биринчи навбатда, молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг устав капитали қарийб 2 баробар ошди, уларнинг жами капитали эса 2006 йилга нисбатан 40 фоизга кўпайди ва 1,5 триллион сўмга етди.

Банкларни акциядорлик банкларига айлантириш жараёни жадал бормоқда. Бир йил мобайнода акциядорлар сони 12,5 мингтага кўпайди ва жорий йил бошида қарийб 200 мингтага етди, уларнинг 68 фоизини эса жисмоний шахслар ташкил этмоқда.

Учта тижорат банки — Ташқи иқтисодий фаболият миллий банки, «Пахтабанк» ва «Ҳамкорбанк» етакчи рейтинг компанияларининг халқаро рейтингига эга бўлди.

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIETIMIZNI БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

Тармоқни кенгайтириш, минибанк ва филиаллар ташкил этиш ҳисобидан тижорат банклари ўртасидаги рақобат мухитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўтган йили хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида қарийб 2 триллион сўм сарфланди.

Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш учун тақдим этилган кредитлар бир йилда 36 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоизга кўпайди.

2007 йилда лизинг, сугурта ва факторинг хизматлар бозори ҳам жадал ривожланди.

Ўтган йили аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш масаласини ҳал этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Шу мақсадда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. Янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи эса касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни раф-

ИСЛОМ КАРИМОВ

батлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2007 йилнинг ўзида қорамол боқиши билан шуғуллана-диган 350 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиши билан банд бўлганлар сифатида рўйхатта олинган фуқароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар 2007 йилнинг охирига келиб иш билан банд бўлмаган меҳнаттага лаёқатли аҳоли ўргасида ишсизлар сонини мамлакатимиз бўйича 5 фоизгача камайтириш имконини берди.

Ўтган йили аҳоли даромадларини ошириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилди.

Яқин уч йилда иш ҳақини 2—2,5 баробар ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди. 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ доллари миқдорига teng бўлди.

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИКТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва шифокорлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янада такомиллаштирилган тизими жорий этилди. Натижада кейинги икки йилда уларнинг иш ҳақи миқдори тегишли равишда 2,8 ва 2,7 баробар оширилди.

Аҳолининг реал нутка даромадлари бир йилда 27 фоиздан зиёд кўпайди. Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириш учун минимум даражада зарур бўлган маблагнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошиди. Тарькидаш жоизки, бу рақам Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз, авваламбор, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва сифати ҳам босқичма-босқич яхшиланиб бормоқда.

Ўтган даврда, халқаро молия тузилмалари маблагларини жалб этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Самарқанд ва Бухоро, Гулистон, Жizzах ва Қарши шаҳарларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. 2007 йили қишлоқ жойларда 1,6 минг километрдан ортиқ сув қувурлари ва 710 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

н“ Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 84 фоизга, шу жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизга етди, табиий газ билан таъминлаш 82 фоиз, қишлоқларда эса 77 фоизгача ўсди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида аниқ мақсадли умуммиллий ижтимоий дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўтган йили барча турдаги таълим муассасаларида янги қурилиш ва капитал реконструкция қилиш ҳисобидан энг замонавий ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 169 та касб-хунар коллежи, 18 та академик лицей ҳамда 336 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби ишга туширилди.

2007 йилда 170 та болалар спорти объекти, жумладан, 27 та спорт иншооти, 143 та мактаб спорт зали барпо этилди.

Болалар спорти соҳасидаги изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар миллионлаб фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан муунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтган йили юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган ишлар-

ни сарҳисоб қиласар эканмиз, тиббий хизмат сифати янада яхшилангани, биринчи навбатда, врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан аҳолини тиббий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиш даражаси кенгайганини, ўткир юқумли ва вирусли касалликларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан.

Аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилда қарийб 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага тушди ва биргина 2007 йилнинг ўзида 11 фоизга камайди.

2007 йили мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича маҳсус дастур қабул қилинди ва у бугунги кунда амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ва амалий мақсадга жавоб беришидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳаси бошқарув тизимининг барча бўғинлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта ташкил қилиш, вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказларини барпо этиш, туманлар миқёсидаги

тузилмаларни такомиллаштириш, қишлоқ врачлик пунктларини мустаҳкамлаш ва уларнинг, аввало, қишлоқ жойларда касалликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини кучайтиришга доир ишлар бошлаб юборилди.

Диагностика ва даволаш ишларини яхшилашда аҳолига юксак технологик, ноёб тиббий хизматлар кўрсатадиган, амалда ўзини оқлаган республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аҳолимизнинг саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориш мақсадида ташкил этилган кенг тармоқли скрининг-марказларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс, албатта.

Буларнинг барчаси пировард натижада одамларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, халқимизнинг ҳаёт сифатини юксалтириш ва умр кўриш даражасини оширишга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ўтган даврда эришган ютуқларимизни танқидий баҳолаб, олдимиизда турган узоқ муддатли вазифаларни, шунингдек, жаҳон бозорида бугун вужудга келган йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, 2008 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий устувор вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган.

Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш — биз учун бош вазифа бўлиб қолади.

2008 йилда биз ялпи ички маҳсулотни 8 фоизга, ишлаб чиқаришни — саноатда 9,6 фоиз, қишлоқ хўжалигига — 5 фоизга, асосий ишлаб чиқариш тармоқларига киритиладиган инвестициялар миқдорини 17 фоиз оширишга эришишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Инфляция даражасини ўтган йилги кўрсаткич, яъни 6—8 фоиз даражасида сақлаш кўзда тутилмоқда.

2008 йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш дастурида саноатнинг стратегик муҳим тармоқлари бўлган ёқилғи-энергетика комплекси, рангли ва қора металлургия соҳасининг ўшини таъминлаш алоҳида ўрин тутади.

Бунга янги табиий конларни ўзлаштириш ва мавжуд минерал-хом ашё базалари захиравларининг ортиши, ана шу ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашда самарали замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан эришиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, кимё ва енгил саноатни, нефткимё, қурилиш материаллари саноатини, истеъмол товарлари ишлаб чи-

қарышни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилади.

Иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларини барқарор, мутаносиб ва комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлмиш транспорт-коммуникация инфратузилтмаси жадал тараққий эттирилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим вазифаларни бажариш иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи йўналиши сифатида катта ўрин эгаллайди.

Барчамиз бир ўтқир ҳақиқатни яхши англаб олмоқдамиз. Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юқсак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас.

Айни шу вазифаларни ечиш мақсадида 2007 йилда рангли ва қора металлургия, автомобиль ва кимё, пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати каби етакчи соҳалар бўйича қабул қилинган ўндан ортиқ дастурнинг ижросини сўзсиз таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо шигарлиги, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари ўибу дастурларнинг амалга оширилиши устидан қўнъий назорат ўрнатсин, ажратилаётган маблағ иккى ресурслар, берилган имтиёзлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсан.

2008 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан қиймати 5,4 миллиард доллардан зиёд, жумладан, умумий қиймати таҳминан 1,5 миллиард долларга тенг бўлган хорижий инвестицияларни киритиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати 40 фоиздан ошади.

Жорий йилда хорижий сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик ўттиздан зиёд объекtnи фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

2008 ва ундан кейинги йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган ва бугунги кунда 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси муҳим ўрин тутади.

Мазкур Жамгарма, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан бирга қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб, муҳим вазифаларни бажаради. Фақат 2008 йилда ана шундай лойиҳалар бўйича хорижий шериклар билан биргаликда ўзлаштириш кўзда тутилган маблағлар ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Иккинчи асосий устувор йўналиш — бу ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқбюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат.

Акциядорлаштириш амалий самара бермаган корхона ва объектларни хусусий мулкдорларга сотиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш борасидаги ишларни давом эттириш керак.

Амалдаги қонунчиликнинг меъёрий қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қабул қилинган инвестиция мажбуриятларини сўзсиз бажариш ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлигини назарда тутадиган нормаларни кучайтириш лозим.

Бу борада асосий вазифа — хусусийлаштириш жараёнларига ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш ва техник янгилаш, жаҳон бозорида ҳаридоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли инвесторларни жалб қилиш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди иштирокида икки ой муддатда бу борадаги амалий ишларни танқидий баҳолаган ҳолда, ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Иқтисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутади.

Фақат 2000—2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди.

Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди ва камайтирилди. Натижада сўнгти етти йилда иқтисодиётда умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга пасайтирилди. Шунга мувофиқ корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳам тегишли равишда ошди.

Бу ўз навбатида, инвестицияларнинг кўпайиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина 2007 йилда республикамиздаги хўжалик субъектлари солиқ имтиёzlари берилиши ҳисобидан ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 830 миллиард сўмга тўлдиришга эришгани бу фикрнинг яққол тасдифидир.

2008 йилда солиқ соҳасини янада эркинластириш сиёсати давом эттирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилади.

Шунингдек, банклар учун даромад солиги 17 фоиздан 15 фоизга туширилади. Бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини ошириш учун мақсадли равишда йўналтирилади. Бошқа барча хўжалик субъектлари учун даромад солиги ставкаси 10 фоиз миқдорида барқарор сақланиб қолади.

Шуни қайд этиш жоизки, бундай солиқ ставкаси нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, балки иқтисодий ривожланган хорижий давлатлар ўртасида ҳам энг паст кўрсаткичлардан биридир. Ҳисоб-китобларга кўра, таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга оши-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

риш қўшимча равишда 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағни хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдириш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган солиқ базасини ҳисоблаш ва қўпайтириш бўйича янги тизимнинг жорий этилиши муносабати билан аҳолининг реал даромадлари сезиларли даражада ортади.

Давлат бюджетини бажаришга қаратилган газначилик хизмати институтини ривожлантириша мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

Бу борада Молия вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган газначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича кент кўламли ишларни амалга ошириш лозим.

Солиқ тизимини бошқаришни ислоҳ қилишда 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирга Солиқ кодекси муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасини ва солиқقا тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган Солиқ кодекси-

ИСЛОМ КАРИМОВ

мизда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Шу сабабли янги Солиқ кодексининг амалий ижросини дикқат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара берадигани, қайси ҳолатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш киритиш зарурлитини аниқлаш жуда муҳим.

Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга янги солиқ қонунчилигини амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш бўйича маҳсус Идоралараро гуруҳ ташкил этиш ва зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим моддаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

Маълумки, иқтисодиёт ривожининг бугунги босқичида монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат муҳитини шаклантириш масалалари фоят муҳим аҳамиятта эга.

Мамлакатимизда монополияга қарши сиёsat олиб бориш натижасида сўнгги 10 йил мобай-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁTİMIZNI BARKAROR RIVOJHLANTIRISH ЙЎЛИДА**

нида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулотлар тури эса 26 баробар қис-қарди. Фақат 2004—2007 йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

Шу билан бирга, айрим тармоқларда иқтисодиётнинг монополлашуви асоссиз равишда юқори даражада сақланиб қолаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, маҳсулот сифати ва рақобат-бардошлигининг ортишига, нархларнинг пасайишига ҳамон тўсқинлик қўлмоқда.

Жумладан, шулар қаторида цемент, шифер, полиэтилен, енгил ва ёғ-мой саноати маҳсулотлари ва бошқа бир қатор товарларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконияти нисбатан чекланган ҳолда сақланиб қўлмоқда.

Бу эса ана шу маҳсулотларга конъюнктура талблари ошиб кетган пайтда монополист корхоналарга ўз маҳсулотининг нархини асоссиз равишда ошириш учун қўл келмоқда.

Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Иқтисодиёт, Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга ана шу масалаларга доир ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқсин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига бозорнинг барча иштирокчилари учун teng рақобат шарои-

ИСЛОМ КАРИМОВ

тини таъминлаш бўйича тегишли таклифлар киритсин.

Маълумки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, сугурта, инжинииринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Ўтган йил давомида банк фаолияти, аудиторлик ва сугурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бу амалий чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этиш лозим.

Бунинг натижасида 27 та сугурта компанияси ўз низом жамғармалари миқдорини белгиланган талаблар даражасига етказди ва уларнинг ялпи ҳажми 2007 йилда 1,5 баробар кўпайди.

Сугурта мукофотлари миқдори бир йил давомида 45 фоизга ортди ва 70 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий сугурталаш бўйича сугурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга ортди, мулкни сугурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ўси.

Айни пайтда сугурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий сугурталашни турли шаклларининг улу-

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида**

ши ниҳоятда паст бўлиб, 6 фоиздан ҳам ортмайди. Бунинг сабаби халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий сугурталашнинг айrim турлари бизда жорий этилмагани билан изоҳланади.

Шу билан бирга, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали аудиторлик, сугурта, лизинг компаниялари ва бозор инфра-тузилмаси бошқа хизматларининг молия бозорида етакчи мавқега эга бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам «Транспорт воситалари эгалирининг жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини тезластириш зарур.

Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, аудиторлар ва сугуртчилар ассоциациялари бир ой муддатда молия-банк, аудиторлик ва сугурта фаолиятини ривожлантириш борасида илгари қабул қилинган дастурларнинг ижросини таҳлил қиласин ва тўпланган тажриба асосида уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча таклифлар киритсин.

Учинчи устувор йўналиш — аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровон-

ИСЛОМ КАРИМОВ

лигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат.

Дунёдаги кўплаб ривожланётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, ўзимизнинг ўтган йиллар мобайнида тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол тасдиқламоқда.

Яъни, юқорида зикр этилган соҳалар, биринчи галда, биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муммоловарини ҳал этишда ўзига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу соҳа ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ушбу соҳа бугунги кунда мамлакатимизда энг иирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровоилик манбай ҳисобланади.

Айтиш керакки, айнан ана шу одамлар ўз бизнесини ривожлантириш ва кучайтиришдан,

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛДА**

Шу аснода иқтисодиётимиз барқарорлігінің таъминлашдан әнг күп манбаатдор бўлган инсонлардир. Айнан ана шу шахслар жамиятда барқарорлик ва ер юзида тинчликни мустаҳкамламасдан туриб, юқорида зикр этилган эзгу мақсадларга эришиб бўлмаслигини чукур тушунадиган одамлардир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга аҳоли турмуш даражасини янада оширишни юксак мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Лекин, ўзингиз айтинг, ушбу муҳим вазифани хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини, алоқа ва транспорт, молия-банк хизматлари, коммунал хизмат ҳамда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини талаб этадиган бошқа инфратузилма соҳаларини жадал ривожлантирасдан туриб ҳал этиш мумкинми?

Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни, аввало, сифат жиҳатидан ҳам ривожлантишимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши-

ни 48 фоизга, 2010 йилга бориб эса 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишили равишда 45 ва 49 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор. 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 миннага етказиш лозим.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу вазифа 2008 ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналиши бўлиши зарур. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига оид вазият бизни ташвишлантирмасдан қолмайди. Ҳозирги вақтда сугориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилити ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қоникарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди.

Сугориладиган ерларнинг сифатини баҳолашнинг умумий кўрсаткичи бўлган ер бонитети сўнгти йилларда 55 баллгача пасайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро ва Сирдарё, Фарғона ва Тошкент ҳамда бошқа бир қатор вилоятларда аҳвол мураккаблигича қолмоқда.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим резерви ва ҳал қилувчи омили, энг асосийси — қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қиласди.

Биз мазкур муаммони ҳал этишни, кўп жиҳатдан, 2008—2012 йилларга мўлжалланган субориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Ушбу дастурда мелиорация иншоотларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, мелиорация техникаси паркини янгилаш бўйича кенг кўламли ишларни бажариш белгиланган.

2008—2012 йилларда умумий узунлиги 3,5 минг километрдан зиёд бўлган магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни, мингдан ортиқ мелиорация қудугини барпо этиш ва реконструкция қилиш, 7,6 минг километрлик дренаж тармоғини қайта тиклаш вазифаси қўйилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Бу маблағларнинг кат-

та қисми коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш ва тозалаш, пудратчи ва сув хўжалиги ташкилотларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлашга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини қатъий назорат қилиш, лойиҳа-смета хужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, вилоятларда маҳсус пудрат ташкилотларини ташкил этиш ва уларни замонавий техника билан таъминлаш масалаларини ечиш вазифасини ўз зиммасига олсин.

Шу борада мелиорация ишларини молиялаштириш механизмини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш даркор. Бунда 2007 йили Молия вазирлиги хузурида ташкил этилган Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси муҳим роль ўйнаши лозим.

Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ўта долзарб вазифани амалга оширишда халқаро молия институтлари, банклар ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида, Қорақалпоғистон Республикасининг жа-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

нубий худудларида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида сугориладиган ерларни дәхқончилик учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорлик тажрибаси ўзини тўлиқ оқлади.

Шунингдек, Жанубий Қорақалпогистондан дренаж тармоғини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ва Марказий Фарғонадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Жаҳон Банки ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг умумий қиймати қарийб 70 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредити жалб қилинганини қайд этиш лозим.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ушбу йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда имтиёзли хорижий кредитларни жалб қилиш ишларини жадаллаштиrsин.

Бу борадаги ишларнинг натижалари Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак яқунлари бўйича ўтказиладиган мажlisларида муҳокама этиб борилсин.

Хурматли юртдошлар!

2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Ёшлар йили» дав-

ИСЛОМ КАРИМОВ

лат дастурини тайёрлаш ва амалга оширишга қаратилған ишлар бүйича қисқача тұхталиб ўтмоқчиман.

Энг асосийси — ушбу дастур ёшларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча долзарб муаммоларни ўз вактида ҳал этишга қаратилиши ва бунинг учун мустаҳкам қонунчилік базасини таъминлаб бериши лозим.

Бир фикрни мамнуният билан таъкидламоқчиман — биз таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бүйича узоқни кўзлаган дастурларни изчил амалга ошириб келмокдамиз.

Бунинг натижасида ёшларимизнинг энг юксак талаблар даражасида умумий таълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рӯёбга чиқариши, жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган яхлит, узлуксиз таълим-тарбия тизимини яратдик.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида ўтган давр мобайнида юртимиздаги таълим муассасалари — мактаблар, лицей ва колледжларнинг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот техно-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

логияларини жорий этиш борасида кўлами ва маъно-мазмунига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгитдан бунёд этилди, реконструкция қилинди ва замонавий ўкувлаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

2009 йилда мазкур дастурлар ижроси тўлиқ якунига етгач, замон талабларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-хунар коллежларида 1,1 миллион ўкувчи, умумтаълим мактабларида эса 3 миллион ўкувчи таълим олиш имконига эга бўлади.

Шу тариқа биз юртимиздаги барча ўқувчиларнинг белул мажбурий умумий ва уч йиллик маҳсус касб-хунар таълими билан тўла қамраб олинишига эришамиз.

Кейинги 10 йил давомида ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Айни пайтда бугун бизни гоят муҳим, принципиал бир масала безовта қилмаслиги мумкин эмас. Яъни, ёш мутахассислар тайёрланаётган их-

тинослик йўналишларининг барчасига ҳам иқти-
содиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалий
талаф борми? Лицей ва коллежлар, олий ўкув
юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз
жамиятда ўзига, ўз касбига муносаб ўрин топаяп-
тими?

Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни ат-
рофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассис-
лар тайёрланаётган ҳар қайси ихтинослик йўнали-
ши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бе-
риши, унга нафақат бугунги, балки яқин истиқболда
қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чукур аниқ-
лашимиз лозим. Заруратта қараб, ихтинослик йўна-
лишларига қатъий ўзгартиришлар киритиш, керак
бўлса, айрим маҳсус касб-хунар таълим даргоҳлари-
ни қайта ихтиослаштириш даркор.

Шу борада алоҳида муҳим аҳамият касб этади-
ган иккинчи бир масала — ёшларни, бўлгуси кадр-
ларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки,
бу борада бугун фарзандларимизга кимлар таълим-
тарбия берадётгани, педагогик кадрларни тайёрлаш
ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилган-
ни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий
ўрта ва ўрта маҳсус таълимни ислоҳ қилиш тизи-
мининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Ли-
цей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий
ўкув юртларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитув-
чиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шу ўринда яна бир масалага эътиборингизни қартишни истардим. Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилмоқда, қандай орзуният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда — биз бунга асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-раҳбар сифатида бу жараённи четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир борчукур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди.

Биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ётва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантишимиз зарур.

Бу масалада жамоат ва ноҳукумат тузилмалири, биринчи навбатда, ёшлар ташкилотлари алоҳида фаоллик кўрсатиши даркор.

«Ёшлар йили» дастури ҳақида гапиргандада, ёшлар сиёсати масалаларини таҳлил этаётгандада, биз ёш оиласларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қартишимиз керак.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Авваламбор, ёш оиласларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маший шарт-шароитларни яратиб бериш, рўзғорни бутлаш учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб вояга етказиши йўлида зарур имкониятларни туғдириб беришимиз керак. Бу масалаларнинг барчаси дастурда ўз ифодасини топиши лозим.

Дастурни тайёрлаш ва амалга ошириш учун маъсул бўлган кишиларнинг ҳаммаси энг асосий бир масалани ҳар томонлама чуқур тушуниб олишлари шарт — биз 2008 йилни ким учун ва қандай мақсадларга эришиш учун «Ёшлар йили» деб эълон қилдик?

Бу ўринда гап ҳозирги кунда жами аҳолимизнинг 64 фоиздан ортигини ташкил этадиган ёшлар ҳақида, таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган ёшлар ҳақида, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиши йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суюнч бўлишга қодир ёшлар ҳақида бормоқда.

Бу борада ҳеч қандай расмиятчилик ва юзаки ёндашувларга йўл кўйиш мумкин эмас. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши нафақат ижти-

моий, балки сиёсий аҳамиятта эга эканини барчамиз аниқ ва равшан англаб олишимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шунни таъкидламоқчиманки, бизнинг ҳамма ишларимизда — бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими — буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигиdir.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат. Шу сабабли барча режаларимиз, ресурс ва имкониятларимиз пиравард натижада ана шу бош мақсадимизни амалга оширишга қаратилмоғи керак.

Иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари, юксалиб бораётган молиявий имконият ва резервларимиз, ички бозоримизнинг сифатли товар ва хизматлар, биринчи навбатда, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар би-

ИСЛОМ КАРИМОВ

лан барқарор равищда түлиб бораётгани аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш, мамлакатимиз истеъмол бозорини рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш учун етарли даражада ишончли асос яратмоқда.

Шу боис, 2008 йилда жорий йил учун кўзда тутилган инфляция кўрсаткичлари доирасидан чиқмаган ҳолда, ўртacha иш ҳақи миқдорини камида **1,5 баробар оширишини** таъминлаш учун тегишли манбаларни излаб топиш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда.

Ишонаманки, бу вазифани бажаришга бизнинг имконимиз ҳам, курбимиз ҳам, албатта, етади.

Азиз юртдошлар!

Бугун ўтган йил давомида босиб ўтган йўлимизга якун ясар эканмиз, 2007 йил биз учун мамлакатимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган улкан ижтимоий-сиёсий ислоҳот ва ўзгаришлар йили, иқтисадий ва ижтимоий тараққиётимизда мисли кўрилмаган ўсиш суръатларига эришилган ютуқлар йили бўлди деб айтсак, ўйлайманки, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Кўлга киритган бундай юксак мэрраларимиз — авваламбор, бунёдкор ҳалқимизнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнатининг амалий самараси, демократик янгиланишлар ва бозор ислоҳотлари йўлидан

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

қатъият билан олдинга интилиб бораётгани-
мизнинг бераётган натижасидир.

Ишончим комилки, 2008 йил ҳам, ҳеч шубҳа-
сиз, жамиятимиз ҳаётидаги янгилиниш жараён-
лари ва ислоҳотларни ривожлантириш ва чукур-
лаштиришнинг мантиқий давоми бўлиб, иқти-
садиётимизнинг салоҳияти, барқарорлиги ва
мутаносиблигини мустаҳкамлаш йўлида, энг му-
ҳими, халқимизнинг турмуш даражасини яхши-
лашга қаратилган ишларимизда янги ва юксак
босқич бўлгай, иншоолло.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик,
куч-ғайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

*2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривож-
лантириши якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни
чукурлаштиришининг энг муҳим устувор йўналишларига
багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза,
2008 йил 8 февраль*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

2008 йил 15 февраль куни Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Хоразм вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу ўлқада мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва шулар ҳисобидан шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражаси ва маданиятини юксалтириш, уларни рози қилиш ҳар доим бизнинг энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб келмоқда, деди Президент.

Ана шу мақсадларга эришиш йўлида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг суръат ва самарааси вилоят ҳаётида, одамларнинг кундалик турмушида ўз ифодасини топмоқда.

Хоразм воҳасининг охирги йилларда эришган мэрралари ҳақида гапирганда, бир муҳим фикрни алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, янги-янги қурилишлар, вилоят маркази, шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тобора обод бўлиб бораётгани, қишлоқ хўжалиги соҳасида нисбатан оғир шароитга қарамасдан, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини кўтариш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Хоразмнинг бошقا вилоятлардан кам бўлмасдан, изчил ривожланайётганидан далолат беради. Шу борада баъзи бир рақамларга мурожаат қиласидан бўлсак, 2007 йилда вилоядта ялпи худудий маҳсулотнинг салкам 8 фоизга, саноат — 11,8 фоизга, капитал қурилиш — 11,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси — 19,7 фоизга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи худудий маҳсулоти таркибидаги улуши республикада энг юқори кўрсаткични, яъни 64,4 фоизни ташкил этгани ёки бир йилда икки баробар ўсгани, худуддаги мавжуд қўшма корхоналарнинг экспортдаги ҳиссаси ортиб бораётгани — бундай ютуқларнинг рўйхатини яна давом этириш мумкин — буларнинг барчаси вилоятнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётгани-

ИСЛОМ КАРИМОВ

ни кўрсатиб турибди, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида бугун вилоятда 19 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда, энг муҳими, уларга хизмат кўрсатиш бўйича зарур шарт-шароит, таъминот шохобчалари ва инфратузилма яратиб берилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боелиқ долзарб муаммоларни ечиш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Воҳанинг мураккаб табиий шароитида қишлоқ жойларда яшашётган одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада 2007 йилда вилоятда 490 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди, 46 километрлик ичимлик суви, 46,4 километрлик табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Айниқса, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, худуднинг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ўзининг изжобий натижасини бермоқда.

Қадимдан илму маърифат, юксак маънавият маскани бўлиб келган Хоразм заминида ёшли-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИХТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

римизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-хунарларга ўргатиш борасида қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз барчамизга мамнуният бағишлиайди. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 5 минг 400 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та касб-хунар коллежи, 555 ўқувчи таълим оладиган 1 та академик лицей барпо этилди, 9 минг 800 ўринли 32 та мактаб янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди.

Биз бу ўзгаришларнинг барчасини ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, уларнинг мустақил ҳаётта дадил кириб боришига мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга ошираётган энг катта ишларимиз, деб баҳолаймиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам кейинги йилларда вилоятда эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Республика ихтисослашган урология маркази ва Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиаллари, вилоят марказий болалар шифохонаси, кардиохирургия бўлими, онкология шифохонаси, «Хонқа санаторийиси» каби замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилганини соғлиқни сақлаш соҳа-

сида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг амалий натижаси сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Шулар қаторида 2007 йилда 2 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етгани аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятининг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида қилинган ана шундай ишларни тан олиш билан бирга, бу ерда ҳали-бери ечилмаган масалалар ва одамларни қийнаб келаётган кўпгина муаммолар борлигини, уларни ҳал этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам қайд этиш зарур, деди Президент.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, саноат соҳасида оқсоқлик ҳолатлари мавжудлигини очиқ айтиш керак. Буни ялпи худудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши охирги 7 йил давомида ўзгармасдан, 8 фоиз даражасида қолиб келаётгани ҳам исботлайди.

Вилоятда ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сурункали тус олаётгани ташвиш уйғотади. Масалан, мавжуд кувватлардан ун ишлаб чиқаришда 41 фоиз, ўсимлик мойи бўйича 54 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 42 фоиз, трикотаж буюмлари ишлаб

чиқаришда 40 фоиз, оміхта ем тайёрлашда эса 12 фоиз фойдаланилмоқда, холос.

Бунга күп ҳолларда хом ашё ва ресурслар етиш-маслиги сабаб қилиб күрсатилмоқда. Лекин, аслида, бунинг сабаби ишни замонавий асосда, тұғри ташкил этолмаслик, изланувчанлик, ташаббус вә тадбиркорлықнинг етишмаслигіда, десак, үйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайды. Мисол учун, 2007 йилда вилоят бўйича тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестиция миқдори мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткичнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

Ўтган йили бевосита Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта ҳам лойиха амалга оширилмаган.

Гарчи 2007 йил якунлари бўйича вилоят дотациядан чиққан бўлса-да, бир қатор туманлар, хусусан, Гурлан, Шовот, Янгиарик, Қўшкўпир ва Янгибозор туманлари ҳамон дотацияда қолиб келаётганини афсус билан қайд этиш керак.

Шундан сўнг Президент Хоразм иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолининг асосий даражада манбай бўлмиш, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,5 фоизини ташкил этадиган

етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммо — бу ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги, унинг бонитети пасайиб бораётгани билан боғлиқ. Бу муаммо, айниқса, Хоразм воҳаси учун қанчалик муҳим ва долзарб экани тўғрисида гапириб ўтирумаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда вилоятда 28 минг гектар ёки 10 фоиздан ортиқ сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлиб, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз яхши тушунамиз. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этмоқда.

Хоразмдаги вазиятнинг мураккаб томони шундаки, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг салкам 60 фоизи ўртача ва кучли даражада ўрланган. 220 минг гектардан ортиқ сугориладиган майдонларда ер ости сувлари ўта яқин, яъни бир ярим-икки метр чуқурлиқда жойлашгани ҳам бу соҳада қўшимча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Натижада кейинги 10 йилда сугориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети вилоят бўйича 2 баллга, Қўшқўпир ва Урганч, Ҳазорасп ва Хонқа, Хива ва Янгиариқ туманларида эса 6 баллгача пасайиб кетгани кузатилмоқда.

Агар бу ўтқир масала ҳақида бүгун ўйламасақ, ләди давлатимиз раҳбари, бу муаммо йилдан-йилга күчайиб қандай салбий оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Барчамизга айнеки, Хоразм заминида одамлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидокорона мәхнат қылмокқа, миришкор деңқонлар, моҳир фермерлар ҳақиқиқи жасорат намунасини күрсатмокқа. Лекин шундай бир шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолати ана шу мәхнатнинг самарасидан тұлық баҳраманд бўлиш, етарли даромад олиш ва соҳани барқарор ривожлантиришга ғов бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича яқинда қабул қилинган давлат дастурида бошқа ҳудуд ва минтақалар қаторида бу масалада Хоразм вилоятида юзага келгап аҳволни тубдан ўзгартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2008—2012 йилларда вилоят бўйича қарийб 40 миллиард сўм, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 6 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишлари амалга оширилади. Бу эса бошқа вилоятларга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кейинги икки йил давомида вилоятга 50 дан ортиқ хорижда ишлаб чиқарилган замонавий мелиорация техникалари олиб келинди. Келгусида яна 20 та ана шундай техника сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 165 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 60 миллион АҚШ долларига тент лойиҳа ишлари амалга оширилади.

Ҳеч шубҳасиз, белгиланган ана шундай комплекс дастурлар вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ҳосилдорликни кўтариш, энг муҳими, дехқонларимизнинг ўз меҳнатидан ҳар томонлама манфат топиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Юртбошимиз мажлис аҳли эътиборини яна бир муаммога қаратди. Бу вилоятда пахтачилик соҳасидаги аҳвол билан боғлиқ. Сўнгги йилларда воҳада пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб бормоқда. Кейинги тўрт йил давомида ҳосилдорлик ўртача 1,3 центнерга камайди. Айниқса, Кўшкўпир, Урганч ва Ҳазорасп туманларида ҳосилдорлик даражаси паст бўлиб, ўтган йили гектарига ўртача 20—22 центнерни ташкил этганини албатта ижобий баҳолаб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида кўп гапирмасдан, биргина масала — яъни, Хоразмнинг тупроқ, сув ва иқлим шароитига ҳар томонлама мос келадиган, серҳосил ва эртапишар навларни яратиш масаласини олайлик.

Маълумки, Хоразм вилоятида 20—30 йил давомида «175-Ф» деган фўза нави экиб келинди. Айтиш керакки, бу жуда инжиқ, нозик нав бўлиб,

Бугунги кунда ундан воз кечилди. Ҳозирги вақтда вилоятда «Меҳнат» ва «Хоразм-127» навлари экилмокда. Улар янги районлаштирилган навлар бўлиб, афсуски, ҳосилдорлиги ва дунё бозорида харид нархи етарли даражада эмас.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, авваламбор, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва мутсаддиди идоралар воҳада селекция ва уруғчилик, навларни танлаб экиш ва синовдан ўтказиш ишларини кучайтириш ва шу асосда маҳаллий шароитга мос келадиган истиқболли фўза навларини яратиш масаласини ҳал қилиши зарур, деб таъкидлади Президент.

Бугунги кунда вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам қун тартибида долзарб бўлиб турибди. Шу борада биринчи навбатда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу масала бўйича мавжуд аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда касб-хунар коллежларини тугатган қарийб 15 минг 900 нафар ўқувчининг фақат 9 минг нафари ишга жойлаштирилган, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу масалага мамлакатимиз раҳбари алоҳида тўхталган эди. Бу ўта муҳим масалани тегишли мутсаддид ташкилот ва идоралар маҳал-

лий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, касб-хунар колледжларини битириб чиқаётган ёшларимизни замонавий иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган амалий чораларни кўришлари шарт, деди Президент.

Вилоятда ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, йўлларни таъмирлаш бўйича ички имкониятларни ишга солиш, ҳомийларни жалб этиш масаласида, афсуски, қўпгина туман ва шаҳар раҳбарларида ташабbus этишмаётганини очиқ айтишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қайси худудига борманг, обод ва тўкин, одамнинг ҳавасини тортадиган бозорларни кўрасиз. Бозорлар юртимиз ободлиги, ҳалқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланиб қолди. Лекин, таассуфки, Хоразм вилоятининг ҳамма туманларида ҳам бу масала ҳал этилган, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 28 та деҳқон ва буюм бозорининг 16 таси қайта қуриш ва таъмирлашга муҳтоҷ экани ана шундай хуоса чиқаришга асос беради.

Юртбошимиз сессия иштирокчиларининг эътиборини Урганч шаҳрининг бош майдонини тартибга келтириш, уни миллий ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қайтадан барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратди.

Афсусланарли томони шундаки, вилоятнинг қиёфасини кўрсатадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи бўлган мана шу майдонни обод қилиш, бу ерда одамлар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш масаласи узоқ йиллар давомида вилоят ва шаҳар раҳбариятининг эътиборидан мутлақо четда бўлиб келди.

Факатгина Тошкентдан туриб, ушбу масалани бир неча марта кун тартибига кўйиб, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилганидан кейингина бу борада амалий ишлар бошланганини айтиш лозим.

Шундан сўнг Президентимиз вилоятда қонунчиликни таъминлаш, хукуқ-тартибот соҳасидаги аҳвол, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги вазият ташвиш уйғотади. Вилоятда биргина 2007 йилнинг ўзида оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан оғир тан жароҳати етказиш, босқинчлилик, безорилик кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар кўпайгани кузатиляпти. Кейинги йилларда мансабдор шахслар томонидан пораҳўрлик ва ўз хизмат вазифасини сунистеъмол қилиш, уларнинг содир этилаётган жиноятларда иштирок этган ҳолатлари бўйича мисолларни келтириш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилган тергов материаллари асосида суд ҳукми бўйича мана шу жиноятларни содир этган шахслардан етказилган иқтисодий зарар тўлиқ ундириб олинди ва улар қонун талабларига мувофиқ жавобгарликка тортилди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бундай жирканч ишларнинг олдини олиш, уларни таг-томири билан бартараф этиш — бу авваламбор қонун муҳофазасида, қонун ҳимоясида турган идоралар — бу прокуратура бўладими, милиция ёки суд органлари бўладими — уларнинг асосий вазифаси ва бурчи бўлиши керак, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Нега деганда, бундай ҳолатлар жамиятимизнинг олдинга юришига, юртимизнинг барқарорлигини сақлашга, фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳимоясини таъминлашга, энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга, адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга катта зарар етказади.

Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдигини амалда кўриши шарт.

Шундан кейин аҳолининг ҳокимиятга ҳам, адолатга ҳам ишончи кучайиши ва жамиятимиз-

да соғлом муҳитни ташкил қилишимиз мумкин бўлади.

Шу маънода, мана шундай тамойилларни ҳаёти-мизда ҳар томонлама қарор топтириш, одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамлаш авваламбор шу юртнинг етакчиси бўлмиш раҳбарга, ҳокимга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Бу ҳақиқатни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўриш мумкин ва бугун буни ортиқча исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шундан кейин Президент кун тартибига кўйилган ташкилий масала ҳақида ўз фикрларини билдиради.

Хоразм вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Ислом Бобоҷоновнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, бу одам тўқиз йил давомида вилоятга раҳбарлик қилди. Табиийки, Хоразм воҳасининг ана шу даврда эришган барча ютуқларида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Эътироф этиш керак — бу раҳбар дастлабки пайларда фаол ишлади, мавжуд муаммоларни ечиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ривожлантириш учун анча ҳаракат қилди. Лекин, очигини айтиш керакки, кейинги йилларда вилоятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда принципиаллик кўрсата олмади, атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ҳар хил хушомадгўй

кимсаларга, таниш-билиш, қариндош-уругларига нисбатан сезгирилиги ва қатъиятини йўқотди. Ва энг ачинарли томони шуки, жиноят йўлига ўтган, қингир-қийшиқ ишлар билан шуғулланиб юрган бузгунчи одамларнинг таъсирига тушиб қолди.

Мен, қаерда бўлмасин, ўзимнинг кўплаб чиқишлиаримда бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳақида, раҳбарларнинг қатъиятлиги ва ҳалоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида қайта-қайта даъват этишим бежиз эмас, албатта, деди Юртбошимиз.

Минг афсуски, кўпгина ҳолатларда ўзи шу юртда туғилиб ўсган, унинг сувини ичган туппатузук баъзи инсонлар мастьул лавозимни эгаллагач, тўрт-беш йил давомида боши айланиб, иродаси сусайиб, ўзини йўқотиб қўйиб, оқни қорадан ажратишга заиф бўлиб қолар экан.

Бу эса, муҳитнинг бузилишига, адолатсизликка сабаб бўлади. Муҳит бузилган жойда эса, раҳбарга ишонч ва хурмат йўқолади, иш ўрнига гуруҳбозлик, ўзаро зиддият ва низолар кучаяди, юртдан барака кўтарилади.

Ҳар қайси раҳбар — у ҳоким ёки вазир бўладими, корхона ёки жамоа бошлиғи бўладими — ўз қатъияти ва талабчанлигини қачон ифода этиши, қачон тўла намоён қилиши мумкин?

Қачонки бошқаларга ўрнак бўлиб, ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмаса, ҳеч кимнинг олдида мутта-

ҳамлиги бўлмаса. Одамларнинг кўзига тик қараб, бошини баланд кўтариб юришга қодир бўлса.

Энг асосийси, давлат ва халқ ишонч билдириган раҳбарнинг оёғи ердан узилиб, салбий томонга ўзгаришини кимки одамлар сезмайди, билмайди, деб ўйласа, қаттиқ янглишади.

Эл-юрт кўп нарсадан хабардор, ҳаммасини кузатади, яхши билади, ўз хулосасини чиқаради. Натижада бундай раҳбар одамлар ўртасида, жамоа назарида, халқнинг кўз ўнгидаги ўз обрўсини йўқотади, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. И. Бобоҷонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Оллаберган Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисида қабул қилинган қарорга асосланиб келгуси йилда республикамизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича маҳсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда, деди Юртбошимиз. Бу дастурларда

барча худуд ва миңтақаларимиз қатори Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга доир режа ва лойиҳалар ҳам — бу саноат ёки қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўладими, янги йўллар, газ ва сув тармоқлари, таълим-тарбия, маданият ва шифо масканлари ёки тураржойлар барпо этиш бўладими — албатта ўзининг ифодасини топиши ва амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадимий Хоразм воҳасининг мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ва ўзига мос бетакрор ўрни бор. Хоразм аҳли маррани баланд қўйиб, келажакка катта умид ва ишонч билан қарайдиган халқ.

Ўз юрти, ўз ерига юксак муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳалол ва мардона меҳнати билан буюк аждодлар руҳини эъзозлаб, ўзлигини асраб келётган бундай олижаноб элга хизмат қилиш ўзини раҳбар ва етакчи деган ҳар қайси инсон учун катта баҳт, катта шарафdir.

Хоразм вилоятининг бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбари ана шу ҳақиқатни ўзи учун асосий мезон деб билса, шу аснода одамларнинг қалбига йўл топиб, бутун воҳа аҳлини ўз ортидан эргаштира олса, ҳеч шубҳасиз, элюорт ишончини оқлашга эришади, деди пировардида Ислом Каримов.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИГ СЕССИЯСИДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

2008 йил 6 марта куни Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг наебатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иктисодий инфраструктузилмалар, энг муҳими, ишнинг негизини биладиган, изланувчан ва бунёдкор эли билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади, деди Президент.

Эътиборга сазовор томони шундаки, ана шундай улкан салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, Фарғона вилояти юртимизнинг ривожланган худудларидан бирига айланиб бораёттанини қўплад мисолларда кўриш мумкин.

Биргина 2007 йил давомида эришилган амалий натижалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шу

даврда вилоятда ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш 7,9 фоиз, саноат маҳсулотлари — 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги — 8,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари — 11,8 фоиз, пуллик хизматлар 20 фоизга ошгани вилоят иқтисодиётидаги ўсиш суръатларидан далолат беради. Бу борада, айниқса, енгил саноат тармоғида катта ишлар қилинмоқда. 2007 йилнинг ўзида соҳага 81,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция, жумладан, 20,2 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилганини таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, шунинг ҳисобидан Учкўприк туманида «Ҳумо уч», Қува туманида «Қуватекстиль», Марғилон шаҳрида «Оршахтекстиль», Риштон туманида эса «Риштон» каби бир қатор корхоналар ишга туширилиб, минглаб ёшларимиз замонавий иш ўриниларига эга бўлди.

Вилоятда 2006—2007 йиллар мобайнида Махаллийлаштириш дастури доирасида салкам 22 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу, ўз навбатида, 17,7 миллион доллар миқдорида валютани иқтисод қилиш имконини берди.

Айни пайтда қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш дастурига мувофиқ 5 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, йилига 6 миллион 700 минг дона гишт ишлаб чиқарадиган 3 та корхона, асфальт-бетон заводи, эшик ва

ромлар тайёрлайдиган корхона фойдаланишга топширилганини ижобий баҳолаш лозим.

2007 йилда вилоятда қарийб 620 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 88 километрдан зиёд табиий газ, салкам 200 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилди, 11 минг 835 ўқувчига мўлжалланган 15 та касб-хунар коллежи, 1 минг 470 ўринли 2 та академик лицей, 22 минг 670 ўқувчи таълим оладиган 49 та мактаб фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси вилоятда кенг кўламли капитал қурилиш ишлари бажарилганини кўрсатиб турибди.

Етакчи тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ўзининг амалий натижаларини бермоқда, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Буни, айниқса, вилоятдаги мавжуд 24 минг 197 та фермер хўжалиги қишлоқда ҳал қылувчи кучга айланиб бораёттани мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили худудда етиштирилган пахта ва ғалла ҳосили юз фоиз фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани ҳам бу фикрни исботлайди

Айтиш жоизки, кейинги йилларда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларни замонавий техника, тегишли ресурслар билан таъминлаш, қишлоқда зарур инфратузилмани ривожлантириш масаласига ало-

ИСЛОМ КАРИМОВ

ҳида эътибор берилаётгани соҳада кўлга киритилайтган ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда.

Шулар қаторида Фарғона вилоятида биргина 2007 йилнинг ўзида фермер хўжаликларига 443 та янги техника, жумладан, 299 та трактор еткашиб берилгани ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Фарғона вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида эришилган бундай ютуқларни холисона тан олган ҳолда, айни пайтда ислоҳотларни чукурлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш йўлида ғов бўлиб турган, барчамизни ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган қатор муаммо ва камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта, деди Ислом Каримов.

Мисол учун, асосий тармоқ бўлмиш саноат соҳасини оладиган бўлсак, аввало, шуни айтиш лозимки, Фарғонада нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналар мавжуд.

Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Фарғона азот» ва Кўқондаги «Суперфосфат» кимё заводлари, Кувасойдаги «Кварц» ва «Кувасой-цемент» каби экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналарининг салоҳияти катта эканини таъкидлаш керак.

2007 йил якунига кўра, республикада ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсулотининг 10

фоиздан ортиғи Фарғона вилояти корхоналари томонидан тайёрлангани ҳам шундан далолат беради. Лекин ташвиш уйғотадиган томони шундаки, вилоятда мавжуд бўлган ана шундай салоҳиятдан ҳозирги вақтда етарли даражада самарали ва тўла фойдаланилмаяпти. Бу борада олиб борилган таҳлиллар аксарият саноат корхоналаридаги асбоб-ускуна ва дастгоҳларнинг ниҳоятда эскириб қолганини кўрсатмоқда. Мисол учун, Фарғона механика заводида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг 85 фоизи, «Алишер Навоий» текстиль қўшма корхонасида — 92 фоизи эскириб қолганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш паст даражада бўлиб, 2007 йилда бу кўрсаткич Фарғона кимё толалари заводида 12,8 фоизни, Фарғона фуран бирикмалари заводида 18,5 фоизни, «Фарғона азот» корхонасида эса 58,8 фоизни ташкил этганини афсус билан таъкидлашга тўғри келади.

Айни пайтда кимё ва тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий аҳволи, уларнинг debtорлик ва кредиторлик қарзлари ошиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби шуки, бугунги кунда мамлакатимиизда энг устувор йўналиш сифатида амалга оширилаётган ишлаб чи-

қаришни модернизация қилиш, янги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, ракоғатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласига вилоятда етариға эътибор берилма-япти.

Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий мулкни иқтисодиётимизда етакчи ўринга кўтариш, ишлаб чиқариш соҳаларини реконструкция қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш, уларнинг самарали ишлаши учун керакли ёрдам бериш масалаларида катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоятдаги илгари хусусийлаштирилган 50 та корхонадан 24 таси ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишламаётгани, 26 тасининг эса мутлақо фаолият кўрсатмаётгани, янги қувватлар барпо этиш режалаштирилган 31 та корхонадан 8 тасида қурилиш ва ускуналарни ўрнатиши ишлари охирига етказилмагани ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари ана шу корхоналарни чуқур модернизация қилиш учун, биринчи навбатда, чет эл инвестицияларини, замонавий технологииларни вилоятга олиб келиш зарурлигига эътибор қаратиб, куйидагиларни таъкидлади.

Вилоятда ер кўпаймаса, сув кўпаймаса, эртага одамларни ниманинг ҳисобидан бокамиз, ниманинг ҳисобидан даромад билан таъминлай-

миз? Ахир, фақат пахта ёки фалла етишириш билан узоққа бориб бўлмайди-ку! Лекин, минг афсуски, вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига етарлича аҳамият берилмаяпти. Буни 2007 йилда инвестиция дастурида белгиланган 7 та лойиҳадан атиги 2 таси маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилгани, Охунбобоев, Сўх ва Ёзёвон туманларида хорижий инвестициялар мутлақо жалб қилинмагани, Фурқат ва Охунбобоев туманларида эса чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар умуман ташкил этилмагани ҳам исботлайди.

Фарғонанинг келажаги, шу юртда яшаётган одамларнинг даромади, ҳаёт даражасини ошириш саноат соҳасини ривожлантириш, авваламбор, қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал тараққий эттириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу ҳақиқатни, авваламбор, халқ катта ишонч билдириб, шу юрга етакчи қилиб сайлаган раҳбарлар, масъул шахслар ҳаммадан ҳам чуқур англаб олиши лозим, деди Юртбошимиз.

Сессияда Фарғона вилоятидаги саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларнинг самародорлигини ошириш ва тўла қувват билан ишлаб, юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига эри-

ИСЛОМ КАРИМОВ

шиш нафақат вилоят, балки биринчи галда ҳукумат, марказий вазирлик ва идораларнинг ҳам асосий вазифаси экани, бу борада энг муҳим тармоқлар ва йирик корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича қабул қилинган маҳсус дастурга мувофиқ, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор жиддий ишлар амалга оширилаётгани ва бундай чора-тадбирлар келгуси йилларда ҳам изчил давом эттирилиши таъкидлаб ўтилди.

Мен Фарғона вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболлари тўғрисида деқабрь ойида фарғоналик сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувда атрофлича тўхталиб ўтган эдим, деди Ислом Каримов. Бугунги фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман — Фарғона вилоятини ҳар томонлама тараққий эттириш, бу юртни янада обод қилиш, одамларимиз учун муносиб шароит яратиб бериш — бундан бўён ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлади. Лекин вилоятнинг ўзида ҳам ташаббус ва ҳаракат бўлиши, вилоят раҳбарлари ва фаоллари, халқ ишончини қозонган депутатлар бу масалада, биринчи навбатда, жон куйдириши зарур.

Шундан сўнг Президент Фарғона вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам қатор муаммолар ечилмасдан қолаётганига эътиборни қаратди.

Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ялпи худудий маҳсулот таркибидаги ҳиссаси 51 фоизни ташкил этгани ҳолда, ўтган йили уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 5,6 фоизга камайган. Дангара тумани ва Марғилон шаҳрида бу кўрсаткич вилоят даражасидан ҳам паст бўлган, Бағдод, Бешариқ ва Тошлоқ туманларида эса бу соҳадаги топшириқлар умуман бажарилмаган.

Вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил қилганда, уларнинг 74 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида, 11 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатаётгани, иқтисодиётимиз учун устувор бўлган соҳалар, яъни саноатда уларнинг улуши 5,4 фоиз, транспорт ва алоқа тармоғида 1,3 фоиз, ахборот хизматлари кўрсатишда 0,2 фоиз, кўчмас мулк операциялари бўйича 0,2 фоизни ташкил этаётганини қониқарли деб бўлмайди.

Табиийки, иқтисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар молиявий аҳволга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги 19 та шаҳар ва тумандан 16 таси дотацияда қолиб келмоқда. Айниқса, Фурқат, Сўх, Ёзёвон, Охунбобоев, Бувайда ва Фарғона туманларида, Марғилон шаҳрида дотация улуши юқори бўлиб, афсуски, мавжуд аҳволни ўзгартириш учун амалий ҳаракатлар кўзга ташланмаяпти.

Юртбошимиз ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва шу асосда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш масаласига устувор аҳамият берилаётгани ҳақида тўхталиб, бу масаланинг ечими сугориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бу ҳақда гапирганда, Фарғона вилоятидаги сугориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитечи кейинги йиллар давомида 10 баллга, Бешарик, Тошлоқ, Риштон ва Учкўприк туманларида 15—16 баллга, Фурқат туманида 18 баллга, Бувайда туманида эса 23 баллга камайганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда вилоят бўйича қишлоқ хўжалигидаги сугориладиган ерларнинг 51 фоизини турли хил даражада, жумладан, 66 минг гектари ёки 26 фоизини ўртача ва кучли даражада шўрланган майдонлар ташкил этади.

Бу борадаги аҳволни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида 2008—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган маҳсус давлат дастурида Фарғона вилоятида 56,5 миллиард сўмлик, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 8,4 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, бу йил Марказий Фаргона туманлариға Хитойдан 73 дона, Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лизинг компанияси орқали вилоятга қўшимча равишда яна 28 дона замонавий мелиоратив техника келтириш кўзда тутилмоқда.

Фаргона вилоятининг ўтган йили пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажаришда қолоқликка йўл қўйгани, юмшоқ қилиб айтганда, бир пайтлар бу соҳанинг устаси бўлган сиздек миришкор дәҳқонларга албатта ярашмайди, деди Президент.

Пахтачилик соҳасидаги бундай оқсоқликнинг сабабларидан бири — кўп йилдан буён ечилмасдан келаётган, шу заминга ҳар томонлама мос бўлган гўза навини яратиш билан боғлиқ.

Вилоятнинг тупроқ ва иқлим шароити талаблариға жавоб берадиган серҳосил, эртапишар ва сифатли тола олинадиган навлар яратилмагани натижасида ҳар 3—4 йилда гўза навлари алмаштирилиб, асосий майдонларга ўртапишар навлар экиб келинмоқда. Хусусан, 2007 йилда 61,4 фоиз майдонга ана шундай навлар экилди. Афсуски, бу навлар ҳозирча кутилган самарани бермаяпти. Ҳосилдорлик ва тола сифатининг пастлиги туфайли бир қатор туманларда қилинган харажатлар ўзини қопламаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги тегишли идоралар билан биргаликда, Фарғона шароитида жаҳон бозорида талаб катта бўлган, сифатли тола берадиган истиқболли ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришта жорий этиш бўйича аниқ ва амалий чора-тадбирларни кўриши зарур.

Давлатимиз раҳбари мажлис аҳли эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Бу вилоятда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ.

Маълумки, Фарғона вилояти ўзининг сўлим боғлари, ширин-шакар мева ва сабзавот маҳсулотлари билан бутун дунёда шуҳрат қозониб келади. 2007 йилда 357 минг тонна сабзавот, 178 минг тонна мева, 53 минг тонна узум етиштирилгани ҳам вилоятнинг бу борада қандай катта имкониятга эга эканини кўрсатади. Лекин, афсуски, бу маҳсулотларни қайта ишлаш, шу соҳада мавжуд корхоналарнинг кувватидан самарали фойдаланиш ишлари ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Ўтган йили ҳудудда етиштирилган узумнинг 3,5 фоизи, сабзавотнинг 14,8 фоизи, меванинг эса атиги 1 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланган, мавжуд 9 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхонаси 40—50 фоиз қувват билан ишлаган.

Айни пайтда сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтинослашган фермер хўжаликларига хизмат

кўрсатиши учун ташкил этилган 18 та агрофирма-нинг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг сабаби — вилоятдаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарига инвестициялар, замонавий минитехнологияларни олиб келиш, агрофирмалар фаолиятини кучайтириш масалалари ҳамон эътибордан четда қолиб келаётгани билан боғлиқ. Мисол учун, 2007 йилда «Агроминитехэкспо» кўргазма савдоси якунларига кўра танлаб олинган 2 миллиард сўмлик 46 та лойиҳа охиригача тўлиқ жорий этилмаган. Шу борада вилоятнинг Бешариқ ва Данфара, Охунбобоев, Учкўпприк ва Куба туманларида йил давомида мева-сабзавотни қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва паррандачилик йўналишлари бўйича биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Президент вилоятда ижтимоий соҳа ривожига баҳо берар экан, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Албатта, Фарғона вилоятида бу масалалар бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин баъзи бир шаҳар ва қишлоқларда бажарилган ишлар талаб даражасида эмас. Бир қатор туманларда аҳвол ҳали-бери ўзгармасдан келмоқда. Бу, авваламбор, соғлиқни сақлаш, уй-жой курилиши, коммунал хизмат ва сервис соҳаларига тегишлидир.

Бу ҳақда кўп гапириб ўтирмасдан, фақат битта муаммони — 1991 йилгача қурилган кўп қаватли

уйларни таъмирлаш масаласини олайлик. Бу борада вилоятда 2007 йилда 332 та кўп қаватли уйни таъмирлаш белгиланган бўлиб, амалда уларнинг 276 таси таъмирланган, холос. Олтиариқ туманини ҳисобга олмагандан, қолган барча туманларда берилган топшириқлар бажарилмаган. Айниқса, Ёзёвон ва Бешарик, Учкўприк ва Тошлоқ туманларида бу борадаги ишлар талабга жавоб бермайди.

Вилоят бўйича ҳозирги вақтда 638 та ҳусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ширкатларда ишлаётганларнинг 40 фоизи бошқарув ходимлари бўлиб, бу меъёрга нисбатан 25 фоиз кўп, демакдир. Бу эса тўпланган маблағларнинг катта қисми иш ҳақи учун сарфла нишига сабаб бўлмоқда. Натижада уй-жой фондларини саклаш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳар хил носозликларнинг олдини олиш учун маблағ етишмаяпти.

Биз учун нафақат ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга аҳолини иш билан таъминлаш масаласида ҳам қатор нуқсонлар борлигини айтишга тўғри келади, деди Ислом Каримов. Масалан, 2007 йилда бандлик идораларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 2006 йилдагига нисбатан қарийб 11 мингтага ёки салкам 20 фоизга ошгани ҳолда, ишга жойлаштирилганлар сони ўтган йилга нисбатан атиги 1,6 фоизга кўпайган.

Янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқырыш корхоналарини реконструкция қилиш ва көнгайтириш, касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан иш жойлари яратиш масаласига Дангарға, Бағдод, Ёзёвон, Охунбобоев, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларида етарли эътибор берилмаяпты.

Вилоятда замонавий касб-хунар колледжларини битириб чиқаёттган ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги аҳволни ҳам қониқарлы баҳолаб бўлмайди. Хусусан, 2007 йилда касб-хунар колледжларининг 22 минг 550 нафар битирувчисидан 12 минг 995 нафари ёки 57,6 фоизи ишга жойлаштирилган, холос. Ҳўш, қолган ёшларнинг тақдири ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида ким бош қотиради, деган ўринли савол туғилади.

Юртбошимиз сессия иштирокчилари эътиборини бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг аҳволига қаратар экан, шундай деди:

Қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, гўзал масканлари билан ном қозониб келган Фарғона вилоятида кейинги йилларда ободончилик масаласида ҳам оқсоқлик аломатлари кўзга ташланмоқда. Узоққа бормасдан, вилоят маркази бўлган Фарғона шаҳрини олайлик. Бу шаҳарнинг кейинги йигирма-үттиз йил давомида эски ҳолатда, ўзгармасдан қолиб келаётганини, баъзи жойларда нураб кетган иморатларни кўриб, одам албатта ранжийди.

Вилоят марказини ҳар томонлама обод ва кўркам шаҳарга айлантириш учун маҳаллий раҳбарлар ва мутасадди шахсларга бир неча бор зарур таклиф ва тавсиялар берилган эди. Лекин бу масала ҳалигача уларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Маълумки, ҳеч қайси шаҳар бир-икки йилда обод бўлиб қолмайди, бунинг учун анча муддат керак. Лекин ўтган йиллар давомида вилоят раҳбарлари мана шу масалани ечишга астойдил киришганида, бугун жуда кўп иш қилинган бўлар эди.

Ўйлайманки, бундай нохуш ҳолатга муносабатимизни тубдан ўзgartиришимиз керак, деди Президент. Шаҳар раҳбарлари, биринчи галда, шаҳарнинг ҳокими, маъмурияти, бош архитектори ва бошқа мутасадди шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, керак бўлса, Тошкентдаги етакчи лойиҳа институтларининг мутахassisларини таклиф этиб, Фарғона шаҳрининг ўзига хос ва шу билан бирга, бетакрор қиёфасини яратиш ҳақида барчамиз биргаликда бош қотиришимиз зарур.

Бугунги кунда 3 миллионга яқин одам истиқомат қилаётган Фарғона вилояти мамлакатимиздаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган худудлардан бири ҳисобланади, деди Ислом Каримов сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала

Ҳақида тўхталаар экан. Табиийки, вилоятнинг буғунги ва эртанги кунини ўйлаб, аввало, унинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, эл-юртнинг ҳаётини тебратиш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, мактаб, касалхона, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа ўнлаб бир-биридан муҳим ва зарур масалаларни жой-жойига қўйиш албатта осон иш эмас.

Фаргона вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Абдуҳошим Абдуллаев фаолиятига шу нуқтаи назардан баҳо берар эканмиз, шуни айтиш керакки, ўтган йил давомида вилоят ўз тараққиётида қандай натижаларга эришган бўлса, буларнинг барчасида унинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. У қўлидан келганича, имконияти бори-ча ҳаракат қилганини эътироф этишимиз лозим.

Лекин, келинг, Фаргона вилоятида мавжуд бўлган аҳволга очиқ кўз билан қарайлик. А. Абдуллаев ўтган бир ярим йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида вилоят, туман ва жойлардаги раҳбар ва фаолларни ана шу юрт олдида турган ўта муҳим ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун бирлаштириш ва сафарбар қилишга, етакчи сифатида уларни бошқаришга курби-кудрати етмади. Бунинг натижасини бугун Фаргона вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида турли соҳаларда оқсоқликка йўл қўйилгани, мавжуд му-

аммолар ўз ечимини топмасдан, тобора тўпланиб ва қўпайиб бораётгани мисолларида кўриш мумкин.

Бир ҳақиқатни чукур англаб олишимиз зарур мана шу масалаларга, бугун вилоят ҳаётидаги барчамизни безовта қиласидиган, одамларни қийнаётган, ечилмаган муаммоларга ўзимиз ўз вақтида тўғри баҳо бериб, юзага келган ҳолатга тандидий кўз билан қараб, уни ижобий томонга ўзгартириш чораларини кўришимиз керак.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай раҳбардан, айниқса, вилоят ва туман етакчиларидан ақл-заковат, ташкилотчилик, талабчанлик ва қатъиятлик каби хусусиятлар қаторида мавжуд вазиятни бошқаларга қараганда чуқурроқ англаш ва узоқни кўриш, энг муҳими, кенг қамровли фикр юритиш, ҳар қайси ишни бошлашдан олдин унинг оқибатини кўра билиш, қарор қабул қиласиданда масъулиятни ўз зиммасига олиш, керак бўлган жойда қаттиқўллик кўрсатиш талаб этилади.

Айни шундай хусусият ва аломатларга эга бўлмасдан туриб, одам ўзини етакчи, раҳбар, деб хисоблаши ўзи қийин.

Бу ҳақда гапирганда, шундай бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қиласак, ўринли бўлади, деб ўйлайман, деб таъкидлади Юргбошимиз. Яъни, раҳбар деган одам ўзини бамисоли кураш майдонидаги

саркарда деб фараз қилиши керак. Бошқача айтганда, саркарда кураш майдонининг пасту баландини, хавфу хатар қайси томондан келишини қандай тасаввур қилса, раҳбар ҳам ўзи бошқараётган ҳудуднинг шарт-шароитини, унинг барча жиҳатларини ва мавжуд муаммоларни беш қўлдай билиши зарур.

Айниқса, Фарғона вилояти мисолида оладиган бўлсак, ҳар қайси шаҳар — бу Фарғона ёки Кўқон бўладими, Марғилон ёки Кувасой бўладими — буларнинг ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи, ечилмаган муаммоларга эга эканини унумаслик лозим. Вилоятдаги мавжуд 15 та қишлоқ тумани бири иккинчисига ўхшамайди, ҳар бирда ўзига яраша афзал томонлари билан бирга, қийинчилик ва муаммолари ҳам бор.

Буларнинг барчаси биринчи раҳбардан мана шу Фарғона заминида яшаётган одамларнинг кўнглига етиб бориш, уларни рози қилиш, амалий режалар атрофида бирлаштириш, эртанги кунга ишонтириш, катта марралар сари сафарбар этишни талаб қиласди. Бугунги тажриба, бугунги ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай юксак хусусият ва аломатларга эга бўлиш ҳар қандай раҳбарга ҳам берилмас экан, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Абдулаев Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, республика Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Маматисоқ Faфуров Фаргона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун ҳалқимиз ва Ватанимиз ўз тараққиёти нинг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу босқичда аниқ ва равshan белгилаб олган стратегик йўлимиз, ҳаракат дастуримизни амалга ошириш учун ҳар биримиз — давлат раҳбаридан тортиб оддий фуқарогача — барчамиз белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, ислоҳотларни янада чукурлаштириб, мамлакатимизни янги, юксак мараларга олиб чиқишимиз зарур, деди Юртбошимиз. Буни биздан шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Асрлар давомида олтин водий деб ном олган, нафақат Ўзбекистон, балки минтақамизнинг том маънода юраги бўлиб келаётган Фаргона вилояти меҳнаткашлари ана шу улкан вазифаларни ҳал этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, бошқаларга ибрат ва намуна бўлади, деб ишонаман. Бунинг учун Фаргона вилоятида куч ҳам, имконият ҳам, замонлар синовидан ўтган тажриба ҳам етарли.

Энг муҳими, Фаргона аҳлиниг билим ва салоҳияти, азму шижаоти, ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган ажойиб fazилатлари бор. Бун-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

дай эл билан ҳар қандай юксак мақсадларга эришиш мумкин. Ҳамма гап — бу халқнинг қалбига йўл топиб, уни улуф орзу-ниятлар сари сафарбар эти олишда. Ўйлайманки, бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбар вилоят аҳлига суюниб-таяниб, мавжуд муаммоларни ечиш, Фарғона вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қиласи, деди пировардида Ислом Каримов.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бугун гўзал диёrimизга барчамиз орзиқиб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу ёргу кунларда сиз, азизларни — муnis оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиёрман.

Кўҳна тарихимиз давомида айни шу баҳор фаслида табиат гўзаллигининг ажралмас қисми бўлган аёл зотини улуғлаш, унга хурмат ва эҳтиром бажо келтириш эзгу ва кутлуг бир анъанага айланиб, маънавий ҳаётимиздан чукур жой олган, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биз аёл тимсолида, аввало, Яратганинг буюк мўъжизаси бўлмиш муқаддас она сиймосини кўрамиз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган бу улуғ зотнинг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиз.

Ер юзида не-не улуғ шоир ва мутафаккирлар аёлнинг чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофати, вафодорлиги ва фидойилигини тараннум

Этиб, қанчадан-қанча шеъру достонлар, таърифу тавсифлар битган бўлмасин — менинг бунга имоним комил — уларнинг барчаси бизнинг аёлларимизга мансуб ва муносаб, деб айтсан, ўйлайманки, юртимизда яшаётган, ўзини мард деб биладиган ҳар қайси инсон бу фикрга сўзсиз қўшилади.

Биз бугун ўзбек аёли ҳақида гапирганда, албатта, буюк бобомиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий куйлаган бетакрор фазилатлар соҳибасини ўзимизга тасаввур қиласмиш. Шу билан бирга, бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъодиди, меҳнатсеварлиги ва шижаоти билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб — бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тибиёт, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўладими — мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта фурур ва мамнуният билан таъкидлаймиз.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бу-

гун ўзининг ҳосилини берәётгани барчамизни кувонтиради.

Юртимизда 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилганимиз ўз ҳаётининг маъно-мазмунини фарзандининг баҳту камолини кўришда деб биладиган ота-оналарнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир улкан қадам бўлди, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Шу мақсадда ёш оиласларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маишӣ шароитларни туғдирив бериш, рўзгорини бутлаш учун маблағ ва кредитлар ажратиш бўйича қилаётган амалий ишларимиз барчангизга яхши маълум. Айниқса, ҳар қайси келин-куёвнинг эзгу орзуси бўлган соғлом зурриётни дунёга келтириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук фарзандларни вояга етказиш учун ҳаётий имкониятларни яратиб беришга қаратилган дастур ва режаларимиз нафақат ёш оиласларнинг баҳтли бўлиши, балки бутун жамиятимизнинг равнақ топишига, дунё аҳли ҳавас қиласиган янги, баркамол авлодни тарбиялашга бекёёс ҳисса бўлиб кўшилади, деб қабул қилишимиз зарур.

Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг гарови бўлмиш бундай ўта муҳим масалага айни шу кўз билан қарашиб шу заминда яшаётган ҳар қайси фуқаромизнинг қалби ва онгидан теран жой олишини истардим.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз халқаро демократик ҳамжамият сағидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйган эканмиз, аҳолимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини янада кенгайтириш, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган, эскидан қолган қолдиқ ва асоратлардан бутунлай воз кечиш, замон талаблари билан уйтун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаш муҳим аҳамият касб этишини яхши англаб олишимиз лозим.

Шу борада аёлларимизга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлида олиб бораётган ишларимизни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъодидини тўла рўёбга чиқариш, жамиятимиздаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш — бундай вазифалар фақатгина сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни миннатдорлик билан, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз бошқаларга нисбатан ҳаётнинг оғир-енгили, аччиқ-чучугини чуқур англаши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотмасдан, сабр-тоқат ва шукроналиқ билан яшashi, уларнинг ҳаётга, меҳроқибат ва яхшиликка бўлган сўнмас ишончи, ҳақиқатан ҳам оила устуни эканини амалда тас-

ИСЛОМ КАРИМОВ

диқлаб келаётгани мени доимо ҳайратда қолдира-ди ва аёл зоти олдида таъзим қилишга ундаиди.

Бугун, ҳар куни янги-янги ташвиш ва муаммоларни ечишга тўғри келаётган шиддатли замонда аёлларимизни кўпроқ қадрлаш, қаерда ишлашимиз, қайси ёнда бўлишимиздан қатъи назар, ўз умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимизга, бир сўз билан айтганда, биз учун севимли ва ардоқли бўлган инсонларга самимий муносабатимизни чин дилдан намоён этиш — бу албатта, умримизнинг маъно-мазмунини янада бойитиш, уни хушнуд этишга хизмат қилган бўлур эди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Мұхтарама ва азиз опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умрингиз узун, толеингиз баланд, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

Оилангизнинг баҳту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набиralарнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аrimасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**«ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ
АХОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА
ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА
ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ
УЧУН ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ҲАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Азиз меҳмонлар!
Хурматли конференция иштирокчилари!
Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент
шахрида самимий кутлайман.

Бугун очиладиган конференция Марказий
Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва дол-
зарб муаммолардан бирига бағишлиган бўлиб,
унинг аҳамияти, ҳеч муболагасиз айтиш мумкин-
ки, фақат сув хавфсизлиги масалалари ва битта
минтақа доираси билан чекланиб қолмайди.

Барчангиз олижаноб мақсад — Орол инқирози
оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томон-
лама мухокама қилиш ва Марказий Осиё давлат-
ларига, биринчи навбатда, бевосита инқироз ҳуду-
дидиа истиқомат қилувчи аҳолига яшаш шароит-
лари ёмонлашуви ning олдини олиш, мазкур
минтақанинг бетакрор флораси ва фаунаси нозик
экологик мутаносиблигини саклашда ҳалқаро ҳам-
жамият томонидан кўмак бериш чора-тадбирла-
рини ишлаб чиқиш мақсадида йигилгансиз.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида хавфли тус олди. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, сугорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун бутун Марказий Осиё худуди бўйлаб ирригация тизимларини куриш, сувдан майший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам тақрорланиб туриши энг янги тарихдаги глобал экологик ҳало-катлардан бири содир бўлишига — бир вақтлар сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига шароит яратди. Сўнгги эллик йил ичida Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартаға камайди, худди шу миқдорда унинг минераллашуви ошди.

Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олмоқда. Доимий экологик хавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги миңтақалар — Қозогистоннинг Қизилурда вилояти, Туркманистоннинг Тошховуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, бал-

ки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувнинг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг кичиклашуви — бу Орол нобуд бўлаётгани натижасининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Буни англаш БМТнинг Марказий Осиёда инсон тараққиёти ҳақидаги 2005 йилги Маърузасида ҳам ўз тасдигини топган, унда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу жиҳатдан олингандан, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг ҳавзаларида жойлашган давлатлар-

ИСЛОМ КАРИМОВ

нинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган.

Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг 6 давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, куриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозогистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн милионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшashi истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин.

Трансчегара дарёларидан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро хукуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш хукуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар «ўзининг тегишли худудла-

ри чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари» назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатларда, шунингдек, халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудулида ундан фойдаланганида «сув оқимидағи бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чоратадбирларни кўриш», зарар етказилган ҳолатда эса — «бундай зарарни тутатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун» тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегара сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳукуқ минтақа давлатларининг «халқаро сув оқимларидан мақбул равища фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида» ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутиди.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим тамал тоши 1993 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида кўйилди. Қизилурда шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Орол денгизи муаммосини ҳал этиш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Битим

имзоланди. Ўтган сўнгти йилларда миңтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва миңтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга ошириди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, «регионализм орқали глобализм сари» формуласи бўйича, самарали миңтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005—2015 йиллар «Сув ҳаёт учун» ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтэтгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қарashi ва англаб этишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё миңтақасининг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ни ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларига самарали ишлаш ва ушбу муҳим ҳамда принципial вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги мувоффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

НАВРҮЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СҮЗ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Мұхтарам мәҳмонар!

Табиат уйғониб, боғу роғлар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, баҳор нафаси, күёшнинг тафти тобора кучайиб бораётган шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган Наврӯзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиёрман.

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврӯз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади, десақ, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега деганда, Наврӯз табиат очилиши, уйғониш ва янгиланиш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадими, биз учун асл миллий, фоят ардоқли ва эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга даъват этадиган ўзаро меҳроқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Наврўз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, ҳалқимизга хос миљий қадрият ва анъаналар нечоёли теран ва сурмазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз гуур ва ифтихорга тўлади.

Мана шундай нурафшон лаҳзаларда, айнан баҳорга мансуб сумалак ва ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида ҳалқимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ўз яқинлари, ёру дўстлари билан баҳам кўради, дунёга қалбини, бағрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда одамлар маҳалла-кўй, эл-юрг билан тотув бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашга, bemорлар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизнинг дуссини олишга интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни унугиши, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар келишига

умид ва ишонч билан ящаңга, жамиятимизни ақиллик ва ҳамжиҳатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миillat ва элат вакиллари маҳаллаларда, тураржойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврўзning ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзодни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.

Хурматли юртдошлар!

Бугун юртимизда «Ёшлар йили» деб ном олган 2008 йилнинг Наврўзини кутиб олар эканмиз, барчамизни баҳор айёми, табиат уйғонишнинг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини яна бир бор ҳис этамиз.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши учун ниҳол экиб, боғ яратади.

Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруғ келаҗагимизни, авваламбор, ёш оиласлар, ёш авлодимиз тимсолида кўрамиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чехрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган

янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида чиндан ҳам ҳал қилувчи кучта айланиб бораётганини кўриб, беихтиёр барчамизнинг қўнглиминиз гууррга тўлади, тоғдек кўтарилади.

Бугун мана шу муҳташам майдонда, Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланган, юзида, кўзида қатъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга қаратा айтмоқчиман:

Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртани кун бизники, марра бизники.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврӯз байрами билан табриклаб, уларга юксак хурмат ва эҳтиромимизни билдиришга, узоқ-яқин қўшни ва ҳамкор хорижий дўсту биродарларимизга қизгин салом ва табрикларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошларим!

Бугун, мана шу унutilмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз, энг аввало, Наврӯз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бун-

ИСЛОМ КАРИМОВ

ёдкорлари бўлмиш заҳматкаш дехқонларимизни қутлаб, уларга мўл ҳосил, баҳт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўпайсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бугун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

2008 йил 21 марта

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

2008 йил 25 марта куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навоидан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сурхон воҳаси, унинг фидойи меҳнаткашлари ўз юртини янада обод қилиш ва тараққий топтиришда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, балки байзи бир жараёнларда бошқаларга ибрат бўлиб келаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари, аввало, Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иктисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпли худудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожида хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни Сурхон воҳасида ана шундай масалани кўйишга барча асослар борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деди Ислом Каримов. Авваламбор, Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундайди.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон» темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулоқ конида аниқланган 150 миллион тонна миқдоридағи хом ашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

2010 йилда ишга тушириш мүлжалланаётган бу заводнинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни очилишини инобатга оладиган бўлсак, унинг вилоят учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам қандай муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Айни вақтда яна бир истиқболли лойиҳа — катта миқдорда полиметалл захираларига эга бўлган Сариосиё туманидаги Хонжиза конида ҳам ана шу бойликларни ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда 4 миллиард 400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар ҳажмидан далолат беради. Шунингдек, Бойсун ва бошқа худудларда жойлашган ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, ўтган йили бу ерда 15 та, жумладан, курилиш материаллари саноатини модернизация қилиш ҳисобига 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Ислом Каримов мажлис аҳли эътиборини вилоят иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда муайян натижаларга эришилаётганига қаратди. Айниқса, пахтачилик ва фаллачилик

бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 минг 400 та фермер хўжалиги ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намоён этаётгани таъкидланди.

Ўтган йили 2004 йилдагига нисбатан сабзавот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса қарийб 2 баробар кўп етиштирилгани, албатта, сурхондарёлик соҳибкорларнинг самарали меҳнати натижасидир.

Вилоятда курилиш ва ободончилик, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Масалан, 2005—2007 йиллар давомида, асосан, қишлоқ жойларда 1 миллион 650 минг квадрат метр ўйжой барпо этилиб, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилгани ҳам ана шу ишларнинг ҳажми ва кўламини кўрсатади.

Бу ерда ўтган йили 9 мингдан зиёд ўқувчига мўлжалланган 15 та касб-хунар коллежи, 16 мингдан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, кўплаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар

қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, холисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари ўтиборини қўйидаги масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий шарти ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани туфайли саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши охирги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Бу ҳакда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хом ашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пилланни қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида этиштирилаётган 1200 тонна пилла хом ашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Фақат хом ашё этиштириш ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслиги, бундай

ИСЛОМ КАРИМОВ

ёндашув бугунги кунда бизга умуман түғри кел маслигини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришга ҳожат борми?

Президент яна бир муҳим масала — Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ баражилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қуидаги фикрларни баён қилди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, шу тариқа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаётгани бу соҳадаги ишлар хўжакўрсин учун, номигагина бўлмоқда, деб айтишга асос беради.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлақо фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмаяпти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб қолгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Бундай ноxуш ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда ташкил этилган кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қнеми, асосан, савдо-сотиқ билан шуғулланмоқда. Улар орасида маҳаллий хом ашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар сони бармоқ билан санарлидир.

Вилоятта ташқаридан олиб келинадиган бутловчи қисм ва материалларни шу ернинг ўзида кичик корхоналар ташкил этиб, ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш учун Маҳаллийлаштириш дастурида 2004—2007 йиллар давомида бир қанча лойиҳаларни имтиёзли асосда амалга ошириш белгиланган эди. Минг афсуски, ана шундай эътибор ва имтиёзга қарамай, бу лойиҳалардан биронтаси ҳам жорий этилмаган. Бундай аҳвол, аввало, Бандихон, Қизириқ, Кумкўргон, Музработ, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларида мавжуд эканини қайд этиш зарур.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улар бўйича кўзда тутилган маблагнинг атиги 7,6 физи ўзлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бугунги кунда юртимизга чет эл инвестицияла-

рини, замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, ҳеч қандай ривожланишга эришиб бўлмайди. Агар кимки бошқача ўйласа, хато қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Албатта, бутун дунёда сармоядор бирон жойга ўзидан-ўзи кириб келмайди. Бунинг учун уларнинг кўнглини топиш, керак бўлса, ортидан юриш-югуриш, мамлакатимизда яратилган кулаг инвестицион муҳитнинг моҳияти ва аҳамиятини, афзаллигини тушунтириш, энг асосийси, уларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга қизиқтира билиш, зарур шароитни ташкил этиб, ўйлини очиб бериш керак.

Мамлакатимизда бу масала бўйича барча муаммолар ечилиб, кенг ҳукуқий замин яратиб берилганига қарамасдан, Сурхондарёдаги раҳбар ва мутасаддилар бу ўта муҳим масалада ҳали-бери лоқайдлик ва бепарвонликка берилиб келмоқда.

Табиийки, иқтисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар вилоятнинг молиявий аҳволига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Буни бугунги кунда 15 та туман ва шаҳардан 13 таси дотацияда қолиб келаётгани, айниқса, Бандихон ва Олтинсой, Бойсун ва Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида дотация даражаси юқори экани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кучайтириш ва шу асосда халқимизнинг

ҳаёт фаровонлигини юксалтириш бутун юртимиз қатори Сурхондарё вилоятидаги сугориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ экани ҳақида фикр юритар экан, Юртбошимиз бугунги кунда вилоят бўйича сугориладиган ерларнинг 48 фоизи турли даражада шўрлангани, жумладан, 51 минг гектар ёки деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 16 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланганига эътиборни қаратди.

2008—2012 йилларга мўлжалланган давлат мелиорация дастурига кўра, вилоятда 30 миллиард сўмлик, хусусан, биргина жорий йилнинг ўзида 5 миллиард 400 миллион сўмлик мелиорация тадбирлари амалга оширилади. Шу мақсадда йил охиригача Сурхон воҳасига 24 та замонавий мелиорация техникаси олиб келиш кўзда тутилмоқда, деди Ислом Каримов ушбу муаммони ҳал этиш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб.

Маълумки, вилоят ҳудудида Осиё Тараққиёт банки иштирокида Аму — Занг машина каналини реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 112,6 миллион АҚШ долларига teng бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Ангор, Жаркўрғон, Қумкўрғон, Музработ ва Термиз туманларидаги деҳқон-

ИСЛОМ КАРИМОВ

чилик қилинадиган 100 минг гектар ер майдонининг сугориш таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкони туғилади.

Албатта, қишлоқ хўжалити тараққиёти билан боелиқ бундай долзарб масалаларни ечишда хукуматимиз, марказий идоралар Сурхондарё вилоятига доимо ёрдам бериб келган ва бундан бўён ҳам ҳар томонлама ёрдам беради. Лекин бу ерда раҳбар бўлиб, етакчи бўлиб ўтирган шахслар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш, шу орқали деҳқон ва фермерларнинг даромадини ошириш учун бор имкониятларини ишга солици керак. Таассуфки, ҳозирча бундай интилиш ва амалий ҳаракатларни кўрмаяпмиз.

Масалан, пахтачиликни олайлик. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этолмаслик, гўза парваришидаги асосий агротехника тадбирларининг сифатсиз бажарилиши, замонавий технологияларга риоя қиласлик натижасида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари чўзилиб, тола сифати пасайиб кетмоқда.

Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли ўтган йили Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандиҳон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, деҳқонларимизнинг пешона тери тўкиб қиласланган меҳнатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Мажлисда воҳанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, янги ва истиқболли гўза навларини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича таҳдил этилиб, вилоятда бу борада ҳам етарли иш олиб борилмаётгани афсус билан қайд этилди.

Биргина мисол, «Термиз-31» ингичка толали гўза навининг вегетация даври 135—145 кунни ташкил этади, унинг толаси 1-тип эмас, 3-тип бўлса ҳам, вилоят ва туман раҳбарлари 1995 йилдан буён ушбу навни экишни сўраб мурожаат қиласди.

Бугунги кунда шуни аниқ ва очиқ айтишимиз керак — Сурхондарё заминига мос келадиган, серҳосил ва эртапишар, сифатли тола берадиган, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган навларни яратиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

Саховатли Сурхон тупроғи бекиёс имкониятларга эга экани, деҳқончилик илмининг ҳақиқий усталари айнан шу ерда меҳнат қилиши барчамизга яхши маълум. Бу заминда ўсмайдиган экиннинг ўзи йўқ, десак, муболага бўлмайди, деди Юртбошимиз.

2007 йили вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Аммо бу маҳсулотларни қайта ишлаш, энг муҳими, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш масаласи қандай ҳал

қилингти, деган саволга, афсуски, ижобий жа-
воб бериш қийин.

Воҳанинг Антор, Бандиҳон, Бойсун, Қизириқ,
Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабза-
вот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича биронта
корхона ташкил этилмаганини раҳбар ва мута-
саддилар қандай изоҳлайди?

Бу масалада на маҳаллий ҳокимият, на тегиши-
ли вазирлик ва корхоналар раҳбарлари ташаббус
ва жонкуярлик кўрсатмаяпти.

Сурхондарё вилоятида сердаромад тармоқ
бўлган чорвачиликни ривожлантириш учун мав-
жуд катта имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдала-
нилмаяпти.

Маълумки, чорвачилик оғир ва мураккаб соҳа
бўлиб, чорва молларининг бошини кўпайтириш,
уларнинг наслини яхшилаш, касалликлардан
ҳимоя қилиш замонавий ветеринария хизматини
талаб этади.

Лекин бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 255 та
зооветеринария шоҳобчасининг 230 таси замона-
вий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан тъминлан-
маганини, уларда малакали мутахассислар етиш-
маслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги
аҳволни, албатта, қониқарли деб бўлмайди.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вило-
ятида долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий
масалаларни ечиш, одамларнинг оғирини енгил

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

қилиш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳали ушбу соҳада кўплаб камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, улар аҳолининг ҳақли эътиroz ва норозилигини уйғотаётганини таъкидлади.

Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги 67 та тибиёт муассасаси капитал реконструкция қилиш ва қайта таъмирлашга муҳтоҷ, уларнинг аксариятидаги муҳандислик тармоқлари талабга жавоб бермайди. Айниқса, Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида аҳолининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан юқори экани, айrim шаҳар ва қишлоқларда мутахассис шифокорлар ва маҳсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли ҳол.

Биз бутун мамлакатимизни юксалтириш ва янгилаш бўйича улкан ишларни амалга ошираётган эканмиз, бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: қайси жабҳада бўлмасин — бу иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш борасидаги энг муҳим йўналишларни изчил давом эттириш бўладими — буларнинг барчасида биз учун инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати энг асосий ва усту-

вор масала бўлиб келмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Бу борада аҳолининг бандлик даражасини ошириш, шу асосда унинг даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш мухим аҳамият касб этади. Бу масала юртимизда нафақат иқтисадий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга

Шу нуқтаи назардан қараганда, бутунги кунда Сурхондарё вилоятида бу борада маълум бир ишлар амалга оширилганини, хусусан, ўтган йили 42 мингдан ортиқ, жумладан, касаначилик ҳисобидан 7 минг 600 та янги иш ўрни яратилганини ижобий баҳолаш керак. Ўтган йил якунига кўра, вилоятда расмий ҳисбот бўйича 35 мингдан ортиқ киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, кўпчилик меҳнатта лаёқатли одамлар иш излаб юрган бўлсада, бандлик хизматлари идораларига расман мурожаат қўлмайди. Шунинг учун бу масала бўйича жорий этиб келинаётган мезон ва кўрсаткичларни яна ва яна бир бор аниқлаб олиш зарур.

Шуни айтиш керакки, янги обьектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш кувватларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш жойлари яратиш бўйича Термиз, Музработ, Қизириқ ва Денов туманларида етарли иш олиб борилмаяпти. Шу боис бу ҳудудларда кейинги йилларда ушбу йўналишда яратилган

жами иш ўринларининг 5 фоизга ҳам етмагани, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ташвишлантиради.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, бутун аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий шарти — авваламбор, одамларни доимий, барқарор иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат санарадорлигини янада оширишдан иборатdir. Шундагина фуқароларнинг оладиган маошлари ва даромадлари ҳам, ҳёт даражаси ва сифати ҳам ошади. Бир сўз билан айтганда, бу масалага айнан ана шундай ёндашув бизнинг ўз олдимизга кўйган мақсадларга эришишнинг яккаю ягона йўлиdir.

Мен ўзимнинг кейинги чиқишлиаримда юртимиздаги касб-хунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизларимизни биринчи галда иш билан таъминлаш масаласига қайта-қайта эътибор қаратадиганим бежиз эмас, деди сўзини давом эттириб Ислом Каримов. Нега деганда, биз замонавий касб ва малакага эга бўлган бу ёшларни иқтисодиётилизнинг реал соҳа ва тармоқларида асосий ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Шу кўз билан қараганда, Сурхондарё вилоятидаги ўтган йили ана шундай ўқув даргоҳларини битирган 15 мингдан ортиқ ўқувчининг 4 минг 520 нафари ёки 30 фоизи иш билан таъминланмагани вилоятдаги мутасадди раҳбарларни безовта қилмайдими?

Бундай аҳволни кескин ўзгартириш учун биринчи галда ишчи қучини кўп талаб этадиган енгил

ва озиқ-овқат, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этиш юзасидан аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўриш лозим. Шу билан бирга, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, шахсий чорва хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳам ишларни кучайтириш зарур.

Одамларни иш билан банд этиш масаласида, аввало, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги янги имкониятлар мавжудлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак. Мамлакатимиз бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 50 фоизга яқин бўлган бир пайтда Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 36 фоизни ташкил этишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари аҳоли бандлигини ошириш учун ўз ишими очаман деган тадбиркорларга тегишли шартшароитларни яратиш, микрокредитлар ажратиш бўйича янада фаол иш олиб боришлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, бу масаланинг ижорси маҳаллий ҳокимликлар томонидан кундалик назоратта олиниши, уларнинг доимий эътиборида бўлиши даркор.

Маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг тақдири ва истиқболини юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қиласи. Афсуски, Сурхондарёда

кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдек ўта муҳим масалада кейинги пайтда бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Сўнгги йилларда вилоят ва маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, фуқаролар томонидан кўтарилиган таклиф ва муаммоларни чуқур ўрганиб, вақтида ечиш ўрнига кўпроқ бегамлика берилиб, шахсий манфаатини ўйлаш билан овора бўлиб юрганини, қанчалик оғир бўлмасин, айтишга мажбурмиз, деди Ислом Каримов шу соҳадаги аҳволга баҳо берар экан.

Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Ж. Холмуродов, ҳоким ўринbosари — хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Авлиёқулованинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, ҳокимнинг қурилиш бўйича ўринbosари X. Рамазонов эса ўз мансаб вазифасини суистеъмол қилгани учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги томонидан кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулият бўшашиб кетгани, ўз навбатида, туман ва шаҳар бўғинлари раҳбарларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кейинги вақтда Термиз шаҳри, Ангор, Қизириқ, Музработ ва Термиз туманлари ҳокимларининг ўз

вазифасидан четлатилгани ҳам исботлайди. Ёки бўлмаса, 2004—2007 йиллар мобайнида вилоят ташкилотларининг 22 нафар раҳбари турли камчилик ва қонун бузишларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан бўшатилгани ҳам бунинг тасдигидир.

Сурхондарё вилоятида юзага келган бугунги аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, энг муҳими, шу юртда яшайтган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражасини ошириш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини юқорида келтирилган мисоллар яққол кўрсатмоқда.

Барчангизга маълумки, бундан тўрт йил олдин биз Абдулҳаким Эшмуротовга катта ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига раҳбар этиб тасдиқлаган эдик, деди Президентимиз.

Эътироф этиш керакки, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кузатилган эди. Афсуски, бундай ҳаракатлар кейинги йилларда унинг фаолиятида ўз давомини топмади. Шуни очиқ айтиш керакки, А. Эшмуротовнинг иш фаолиятида кенг миқёсда фикр юритиш, қарор қабул қилишда масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари этишмади. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳокимнинг талабчанлиги ва қатъияти етарли бўлмаса, у талаб қилиш ўрнига кузатувчи бўлиб турса, бундай вазиятда нафақат унинг бевосита қўл остида ишлайдиган ҳодимлар, балки жойлардаги раҳбарлар томонидан ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан қарааш, ўзибўларчилликка берилиб кетиш ҳолатлари кучайиши муқаррар.

Вилоятда кадрлар масаласи билан боғлиқ яна бир ҳолат шундан иборатки, Сурхондарё вилояти бўйича 1996—2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 71 нафар киши битирган бўлса, уларнинг 10 нафари ўз жойига ёки ундан ҳам қўйи лавозимларга ишга тайинланган. Фақат Президент девонининг аралашувидан кейин уларнинг 6 таси истиқболли кадрлар захираси рўйхатига киритилган, холос.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг барчаси вилоят раҳбарининг масъулиятсизлик ва бепарвонлик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳланади. Ҳолбуки, вилоят миқёсида етакчи лавозимга сайланган шахс унга ишонч билдирган одамларнинг дарду ташвишларини ўз қалбидан, юрагидан ўтказиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга бош-қош бўлишга ҳар томонлама қодир бўлиши шарт.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун сизлар билан вилоятдаги мавжуд аҳволни атрофлича таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни чиқаришга, ташкилий масалаларни ечишга тўғри келди. Буларнинг барчаси, авваламбор, ягона эзгу мақсадга, яъни юртимиз тарихи ва тараққиётида ҳамма вақт ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб келган Сурхондарё воҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бу ерда яшаётган халқнинг бугунги ва эртанги ҳаётини фаровон қилишга қаратилганини барчамиз яхши англаймиз. Ишончим комилки, заҳматкаш ва бағрикент, кўпни кўрган Сурхон аҳли бугунги фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, янги раҳбар билан ҳамжиҳатликда вилоятни равнақ топтириш, уни янада обод қилиш учун белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қиласи, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади, деди пировардида Юрбошимиз.

НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚ

Муҳтарам Раис жаноблари!
Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!
Ижозатингиз билан Ўзбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўз қарашларимизга доир масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши – СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир.

Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тадбирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация

қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манбаатли бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин куролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари, шубҳасиз, ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши даркор.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон НАТО билан Ноҳарбий юкларни ўз худуди Термиз — Ҳайратон чегараузели орқали етказиб бериш коридори ва транзитини таъминлаш тўғрисидаги битимни муҳокама қилиш ва имзолашга тайёр эканини айтмоқчиман. Бу Афғонистон билан бояловчи ягона темир йўлдир.

Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунчилигини таъминлаш бўйича суверен манбаатларига риоя қилинishi лозим.

Бўлажак битимга жорий Йилнинг 4 марта Узбекистон билан Германия ўртасида имзоланган Бундесвер юкларини мамлакатимиз худудидан темир йўл орқали ташиш бўйича келишувни асос қилиб олиш мумкин.

Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз.

Бундан бошқа йўл йўқ. Негаки, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм кўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва ҳалқаро барқарорлик учун жиддий таҳдид солмоқда.

Биз қўйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан — фоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга эга.

Бунда биз энг асосий вазифа — аҳолининг ҳалқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини кўрамиз.

Айни пайтда буларнинг барчаси жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан — кўпмиллатли Афғонистон ҳалқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда

қўллаб-кувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кес-кинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик даркор.

Учинчидан — давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бунда, биринчи навбатда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини эътиборга олиш зарур.

Тўртингидан — кўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммолари-ни, аввало Вазиристон ҳудудида, ҳал этиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан — 1997—2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан кўшни давлатлар, Америка Кўшма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мuloқот гурӯҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш мақсадга мувоғик, деб ҳисоблайман.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
НӘТІСІДІЕТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҮЛИДА

Ушбу мұлоқот гурухы томонидан БМТ шафелігіда Афғонистон муаммосини ҳал этиш юза-сидан гурухга аъзо давлатларнинг умумий принциплари ва ягона ёндашувлари ишлаб чиқилди, 1999 йил июлда Тошкентда қарама-қарши томонларнинг учрашуви ташкил этилди ва ўтказилди, «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари түғрисида»ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгашы Тошкент учрашуви яқунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилди.

2001 йилгача фаолият кўрсатган «6+2» мұлоқот гурухини ҳозирги воқееликни инобатта олган ҳолда ва музокаралар жараённанда НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2»ни «6+3» гурухига айлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Барча манфаатдор томонлар иштирокида Афғонистон бўйича кенг қамровли режани ишлаб чиқишида ушбу таклифларни эътиборга олиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараённiga ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман.

2008 йил 2 апрель

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ СЕССИЯСИДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

2008 йил 15 апрель куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда бунёдкор Самарқанд аҳли ҳаёти-мизнинг кўптина соҳа ва тармоқларида катта ютуқ ва натижаларни кўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаш зарур, деди Юртбошимиз.

Маълумки, Самарқанд ўзининг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятларимиздан бири ҳисобланади. Буни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13 фоиздан зиёди, хизматлар ва сервис соҳасининг 8 фоизи бугун мана шу вилоят ҳиссасига тўғри келаётганида ҳам қўриш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб,

вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина 2007 йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, саноат маҳсулотлари 24,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 37 фоиз, экспорт ҳажми эса 35 фоизга ошгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Масалан, саноат соҳасини оладиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида бу ерда 21 та янги корхона ташкил этилиб, 10 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилгани, соҳа ривожига 10 миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард 400 миллион сўм мидорида хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиниб, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани эътиборга лойик, албатта. Ана шундай корхоналарда кимёвий толалар, қурилиш материаллари ва мотор мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, автомобилсозлик саноати янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда «СамАвто» заводида япониялик ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқарилётган «Исузу» автобуслари ва юк автомобиллари нафакат мамлакатимиз, балки дунё бозорида ҳам ўз харидорини топмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб

борилмоқда. Бунинг натижасида яқин вақт ичидә бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўла-миз.

Қадимдан тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан ном қозонган Самарқанд заминида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам ривожланиб борилмоқда. Ўтган йил давомида бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 66,4 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 36 мингдан ортиб, вилоят бўйича ташкил этилган жами янги иш ўринларининг 83 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг эса 75 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келаётганини ижобий баҳолаш зарур.

Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида ўзига хос муҳим ўрин эгаллашини барчамиз яхши биламиз. Ҳозирги кунда вилоятда 24 мингдан зиёд фермер хўжалиги са-марали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бу борада хукуқий, моддий ва молиявий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу соҳани кенг ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўтган йили воҳада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, галланинг эса 80 фоизи фермер хўжаликлари томо-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

нидан тайёрлангани фермерлик ҳаракати чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истиқболи катта эканини яна бир бор тасдиқлади.

Умуман олганда, 2007 йилда вилоят бўйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна фалла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум этиштирилганини бугун миннатдорлик билан тилга оламиз.

Биз учун устувор масала бўлмиш ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2007 йили Самарқанд вилоятида 900 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 72 километр табиий газ, 195 километр ичимлик суви тармоқлари ишга туширилганини қайд этиш ўринлидир, деди давлатимиз раҳбари. Ана шундай ишлар натижасида ҳозирги кунда вилоятда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88 фоиздан ошгани, албатта, бу борада салмоқли қадам қўйилганини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили вилоятда 27 минг ўқувчи таълим оладиган 67 та мактаб, 15 минг 400 ўринли 12 та касб-хунар коллежи, магистрал йўллар, замонавий меҳмонхоналар, янги-янги тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, савдо ва майший объектлар фойдаланишга топширилгани нафакат Самарқанд шаҳри, балки бошқа шаҳар ва

туманларнинг ҳам обод бўлиб, қиёфаси тобора очилиб боришига ҳисса кўшмоқда.

Шундан сўнг Ислом Каримов Самарқанднинг катта салоҳиятини, бу ерда ҳали-ҳануз очилмаган ва ишга солинмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бугун вилоятда қўлга киритилган мэрралар билан кифояланиб бўлмаслигига эътиборни қаратди. Президентимиз бу фикрнинг исботи сифатида ҳозирги кунда Самарқанд вилояти республика эришган ўртacha кўрсаткич ва ютуқлардан баъзи бир етакчи соҳаларда орқада қолаётганини таъкидлади ва куйидагиларни қайд этиб ўтди.

Агар ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз бўлган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш керакки, бундай ҳолат бир вақтлар Тошкент шаҳридан кейин индустря ривожига энг катта ҳисса кўшиб келган Самарқанд шаҳри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас.

Ҳеч кимни қониқтирумайдиган бундай аҳволни ўзгартириш, аввалимбор, замонавий саноат корхоналарини, янги индустря иншоотларини куриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва илфор технология билан қуроллантиришни талаб қиласи. Лекин, таҳдиллар шуни кўрсатадики, айнан мана шу муҳим йўналишда

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛИДА**

Самарқанд вилоятіда оқсоқлик күзатылмоқда. Яғни, умумий капитал маблағларининг индустрияның асосий фондларини күпайтиришга ва умуман, қурилиш соҳасига йұналтирилған улущи республикамиз миқёсіда 23 фоиз бўлгани ҳолда, Самарқанд вилоятіда бу кўрсаткич бунгига кунда 7 фоизни ташкил қиласди, холос.

Кейинги пайтда вилоятдаги саноат корхоналарининг аксариятіда ишлаб чиқариш самардорлиги пасайиб, уларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб бораётгани барчамизни ташвишлантириши табиий, албатта, деди Юртбошимиз. Шу борада юргимизда холодильник ишлаб чиқаришта ихтисослашған ягона корхона бўлмиш «Сино» акциядорлик жамиятидаги ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Катта салоҳиятга эга бу корхонада кўп йилдан бўён ишлаб чиқариш имкониятларининг фақатгина 5–10 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарылмоқда. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводида 2007 йили борйғи 303 та лифт тайёрлангани, натижада корхона на начор молиявий аҳволга юз тутгани ҳам одамни афсуслантиради.

Айни пайтда вилоятда илгари хусусийлаштирилған бир қанча саноат корхоналаридаги аҳволни ҳам ижобий баҳолаш қийин. Масалан, 58 та ана шундай корхонадан 36 таси ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишламайтгани, 22 таси эса мутлақо

ИСЛОМ КАРИМОВ

фаолият кўрсатмаётгани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда аввал ҳам кўп марта айтилган бир фикрни яна такрорлашга тўғри келади. Яъни, бунгунти кунда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёққа турғизиб бўлмайди. Афсуски, бу масалага ана шундай муносабат ҳали ҳам кўпчилик раҳбар ва мутасаддилар онгида шакллангани йўқ. Буни ўтган йили мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келгани, Кўщработ, Нарпай, Оқдарё ва Булунгур туманларида бу борада ҳеч қандай иш қилинмагани ҳам исботлаб турибди. Энг ачинарлиси, Иштихон ва Нуробод туманларида 2005 йилдан бўён чет эл инвестицияси иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Янгича фикрлаш ва ташаббуснинг етишмаслиги туфайли вилоятдаги «Каттақўргон ёғ-мой», «8 март», «Нафис» акциядорлик жамиятлари, «ЎзБАТ» корхонасининг Ургут филиали, «Амин-инвестинтернейшнл» кўшма корхоналари ҳам оғир аҳволга тушиб қолган.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, вилоятдаги кўпчилик корхоналарнинг асбобускуналари ва дастгоҳлари ниҳоятда эскириб

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛИДА**

қолганини қайд этиш лозим. Мисол учун, «Гранит» ва «Каттақүргон ёғ-мой» корхоналарыда ассоциацияның ишлаб чиқариш воситаларининг эскириш дәражаси 80 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада вужудга келган бундай салбий аҳволни тубдан ўзгартириш мақсадида бугунги кунда аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилаёттани ҳақида тұхталиб, жумладан, қуидаги лойиҳаларга зытиборни қаратди.

Аввало, Хитойнинг «Хаер» компанияси билан ҳамкорлықда «Сино» корхонасини қайта реконструкция қилиш ва шу асосда бу ерда йилига ўртача 330 минг дона холодильник ва кондиционер ишлаб чиқаришга эришиш лойиҳаси устида иш олиб борилаёттанини айтиш зарур. Шуннингдек, Самарқанд лифтсозлик заводини ҳам модернизация қилиш ҳисобидан бу ерда кейинги икки йилда 2,5 минг дона юк ва одам ташийдиган замонавий лифт ишлаб чиқариш устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юқорида тилга олинған заводлар ва шулар қаторида бошқа йирик корхоналарни реконструкция қилиш, бунинг учун чет мамлакатлардан тегишли сармоя, маблаг өнде технологияларни олиб келиш масаласида вилоят ҳокимлиги, умуман, шу ишга мутасадди бўлған раҳбарларнинг ҳиссаси сезилмаёттани, улар кўп ҳолларда фақат кузатувчи бўлиб ўтиргани сессияда афсус билан қайд этилди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бугунги кунда жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж кескин ошиб бораётганидан, ўйлайманки, барчамиз яхши хабардормиз, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб. Шундай ҳолатни инобатта олиб, юртимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланиб, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида хукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, вилоятдаги мева-сабзавот ва гўшт-сүт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 12 та заводни модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, Тайлоқ, Самарқанд, Пайариқ, Булунғур ва Оқдарё туманларидағи агрофирмалар ва фермер хўжаликларига 15 та мини-технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Лекин Самарқанд воҳасида мавжуд бўлган қайта ишлаш корхоналари фаолиятига баҳо берар эканмиз, бу борада ҳам жиддий муаммолар борлигидан кўз юмид бўлмайди. Айниқса, Пахтакирик туманларида ҳозиргача мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган биронта корхона ташкил этилмагани, яхши ният билан тузилган агрофирмаларнинг кўпчилиги самарасиз фаолият кўрсатётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Сессияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида вилоят эришган ижобий натижалар билан бирга, бу борада ўз ечимини топмасдан келаётган муаммолар юзасидан ҳам зарур фикр ва холосалар баён қилинди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида, қарийб 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Лекин айни пайтда замонавий тараққиётни белгилаб берадиган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, ахборот хизматлари, кўчмас мулк операциялари қаби тармоқлар бўйича уларнинг улуши паст даражада қолмоқда.

Вилоят иқтисодиётидаги бундай камчилик ва нуқсонлар, табиийки, молиявий аҳволга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда худуддаги 16 та шаҳар ва тумандан 11 таси дотацияда бўлиб, айниқса, Кўшработ, Булунғур, Пайариқ, Тайлөқ, Иштиҳон, Каттакўрғон ва Пастдарғом туманларида дотация даражаси юқори бўлиб турибди.

Президентимиз ўз нутқида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида долзарб бўлиб турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб, вилоят ҳокимидан тортиб мелиорация соҳасида ишлатётган барча мутахассисларгача бир тану бир жон бўлиб,

ИСЛОМ КАРИМОВ

ишини тўғри ташкил этиши, маҳсус пудратчи ташкилотлар тузиш, ажратилган молиявий ресурслардан оқилона ва самарали, мақсадли фойдаланишга эришиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини уқтириб ўтди.

Бундай мақсадларга эришиш вилоят ва туман раҳбарларидан, соҳа мутахассисларидан ташкилотчилик ва қатъиятлилик, шижаот ва сафарбарликни талаб қиласди, деди Ислом Каримов. Бу ҳақда гапиргандა, такрор ва такрор айтишга тўғри келади: бизнинг мақсадимиз – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобидан нафақат далада ишлаттган деҳқон ва фермерларнинг фаровонлигини юксалтириш, балки бутун ҳалқимизнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, мамлакатимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш ва экспортга йўналтирилган товарлар ҳисобидан валюта даромадларимизни кўпайтиришдан иборат.

Маълумки, юртимиизда амалга оширилаётган барча дастурлар, тадбир ва ҳаракатлар, авваламбор, аҳолининг оғирини енгил қилиш, унинг фаровонлигини ошириш, янги босқичга кўтаришга қаратилган, деди Юрғбошимиз. Агар шу кўз билан Самарқанд воҳасида ижтимоий соҳада мавжуд бўлган аҳволни баҳолайдиган бўлсак, бу йўналишда ҳали қиласидиган ишларимиз жуда кўп. Бир-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

гина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида дебигорлик қарзларини камайтириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмагани оқибатида уларнинг микдори ҳозирги кунда 180 миллиард сўмдан ошиб кетгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Вилоятдаги 200 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг 340 та кўп қаватли уйга хизмат қилмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу ширкатларнинг аксарияти номигагина тузиб кўйилган. Шунинг натижасида 1991 йилгача курилган 125 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш ишлари 2007 йилда 61 фоизга бажарилган бўлса, жорий йил режасига киритилган 125 та уйда бу ишлар ҳанузгача бошланмаган. Яъни, ана шу уйларда яшайдиган юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлар ўлда-жўлда қолиб келмоқда.

Биз учун нафақат ижтимоий, айни пайтда, сиёсий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда бу соҳада ҳам қатор камчиликлар борлигини таъкидлаш зарур. 2007 йил якунларига кўра, вилоятда ишсизлар сони 64 минг кишини ташкил этган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларидан расман рўйхатдан ўтганлар сони озчиликни, яъни 1 минг 652 кишини ташкил қиласди.

Давлатимиз раҳбари доимий, барқарор иш ўринлари яратиш масаласи биринчи галда ҳоким-

ликлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қундалик эътибори ва назоратида бўлиши шартлигини таъкидлади.

Бугун Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган аҳволни атрофлича таҳдил қиласр эканмиз, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, аввалимбор, зиммасига юксак вазифа, шу билан бирга, ўта катта масъулият юкланган вилоят раҳбари фаолиятига танқидий баҳо беришимиз ҳар томонлама ўринли бўлади, деди Юртбошими.

Агар шу нуқтаи назардан қараб, вилоят раҳбари вазифасини бажарувчи А. Баҳромовнинг иш фаолиятини кўздан кечирадиган бўлсак, минг афсуски, уни ижобий баҳолаш қийин.

Маълумки, бу шахс 2005 йилнинг охирида Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринbosари этиб тайинланган эди. Уни бу вазифага тайинлашда мутахассислиги, олдинги иш фаолияти, жумладан, Вазирлар Маҳкамасида анча вақт масъул лавозимларда хизмат қилгани, 2003—2005 йилларда эса «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасида раҳбар бўлиб ишлагани ҳисобга олинган эди. А. Баҳромовга бу вазифани топширап эканмиз, у вилоятнинг собиқ ҳокими Мамаризо Нурмуровдининг иш фаолияти самарасини оширишга, айниқса, Самарқандда катта салоҳиятга эга бўлган енгил саноат тармоғини янги босқичгага кўтариш, иқтисодий начор аҳволга тушиб қолган саноат корхоналари-

ни оёққа турғизишга ҳисса қўшади, умуман, вилоят иқтисодиёти ривожига янги туртқи беради, деб умид қилган эдик, деди Президент.

Охирги пайтда М. Нурмуровнинг саломатлиги ёмонлашгани, вилоятнинг биринчи раҳбари вазифасини бажаришта ҳар томонлама кучкүввати етмаганини инобатга олиб, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессиясида уни ўз вазифасидан озод қилишга тўғри келган эди. Айни пайтда А. Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб қўйилган эди. Нима учун айнан вазифани вақтинчалик бажарувчи, деб қарор қабул қилинди, деган масала ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз куйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди.

Чунки Самарқанддек бой ва кўҳна тарихга, улкан салоҳиятга, авваламбор, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йирик бир вилоятга раҳбарлик қилиш нақадар мураккаб ва маъсуллиятли эканини барчамиз яхши тушунар эдик. Бошқача айтганда, бу ўта муҳим вазифа раҳбар олдига қандай юксак талаблар қўйишидан келиб чиққан ҳолда, бу шахс ўз устида ишлаб, вилоят фаоллари ва депутатлариiga, мутахассисларга суюниб-таяниб, билмаганини ўрганиб, шу асосда тажриба орттириб, воҳанинг муаммоларини ечиш, вилоятнинг обрўйига обрў қўшишда бу-

тун борлигини бериб ишлайди, деб ўйлаган ва синов тариқасида уни шу лавозимга тайинлаган эдик.

Аммо, бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга ўтиши, қўлида катта ваколат пайдо бўлиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланниб, оёғи ердан узилиб, бошқаларнинг, аввало, ўз мувонилари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасдан, манманлик ва ўзбошимчаликка берилиб кетгани, бир сўз билан айтганда, ўзига нисбатан талабчанлик ва назоратни йўқотгани намоён бўла бошлади. Айниқса, унинг иш услубида бошқаларни менсимаслик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш, қўполлик ҳолатлари кучайиб боргани кўплаб эътиrozларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Энг номаъқул томони шуки, унинг хатти-ҳаракатларида эл-юрт ишонч билдирган раҳбарга мутлақо тўғри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлоқ нуқтаи назаридан кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига, бу талаблардан йироқ бўлиб юриш, маънавий чегарадан чиқиши ҳеч чидаб бўлмайдиган даражага етиб борганини кўп мисоллар тасдиқлайди. Нафс балосига гирифтор бўлиб, қингир-қийшиқ, жиноий ишларга берилиб кетган шахслар ва тўдалар билан Баҳромовнинг алоқалари қалинлашиб кетгани, кўпорувчи

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ишлиар билан шуғулланувчи шахсларга унинг оталиқ қилгани кўп нарсани, авваламбор, унинг ҳақиқий ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи раҳбари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчалик, бундай хунук ҳолатлар ҳақида бугун кўтигина маълумотларни келтириш мумкин ва ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бўйича вақти-соати билан қонун асосида баҳо берилади ва жамоатчиликка маълум қилинади.

Табиийки, вилоят раҳбарининг ана шундай хатти-ҳаракатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай унутиб қўйгани бу ҳудуддаги ишиларнинг аҳволига, маънавий муҳитга, энг ёмони, ҳокимиятнинг обрў-эътиборига, одамларнинг адолатта бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлаб берадики, юқори погоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бўшашиб, ўзибўларчиликка йўл очиб берилса, жойларда ўз вазифасини сунистельмол қилишлар, порахўрлик ва бузғунчиликка йўл очилади. Шунинг учун ҳам фақат кейинги пайтнинг ўзида вилоятда 10 нафар раҳбарни алмаштиришга тўғри келди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз иш фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун Иштихон тумани ҳокими Х. Шукуралиевнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганини, Каттақўргон шаҳрининг собиқ ҳокими Д. Маматқулов эса ўз ман-

саб вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат мулки бўлган қатор обьектларни қонунга хилоф тарзда хусусий фирмаларга бериб юборгани, 300 миллион сўм миқдоридаги бюджет маблағининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйгани учун суд хукми билан жиной жавобгарликка тортилганини айтиш лозим.

Айтиш керакки, биз бундай ҳолатлар билан ҳеч қачон муроса қилмаганмиз ва бундан кейин ҳам муроса қилмаймиз. Бу ҳақиқатни ҳамма қулогига қўроғшиндек қуйиб олиши керак. Қонун барча учун баробар. Ўзбекистонда доимо тартиб бўлган, бундан кейин ҳам тартиб бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринbosари вазифасида ишлаб келаётган Ўктам Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Самарқанд аҳли ҳамиша олижаноб мақсадлар билан яшашга ўрганганд, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, фуур билан яшаб келаётган халқ. Ўзининг ҳалол меҳнати, азму шиҷоати, изланувчалиги билан ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб, улкан марраларни эгаллашга қодир халқ.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ишончим комилки, сизлар, бутун воҳа меҳнаткашлари вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада юксалтиришга, албатта, эришасизлар. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва излашиш, қатъият ва интилиш ҳам етарли, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

«ЛУКОЙЛ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИННИГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар,
«ЛУКОЙЛ» компанияси Директорлар кенгаши
мажлиси иштирокчиларини самимий қутлайман.

Бу муҳим тадбирнинг Ўзбекистон пойтахти —
Тошкент шаҳрида ўтказилиши улкан углеводород
хом ашёси захирасига, уни қазиб олиш ва қайта
ишлиш бўйича ривожланган индустрияга эга
бўлган мамлакатимиз билан «ЛУКОЙЛ» ком-
паниясининг ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб
бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йил-
ларидан бошлаб, энг аввало, стратегик муҳим
энергетика соҳасида ўзининг табиий-хом ашё^и
ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш
бўйича комплекс ҳамда узоқ муддатли истиқболга
мўлжалланган дастурларни амалга оширишдан
иборат қатъий йўлни танлаб олди. Уларни амалга
oshiiriшда етакчи хорижий компаниялар ҳам фаол
иштирок этмоқда. Биз мазкур компаниялар билан
ўзаро наф кўриш ва томонларнинг манфаатларини

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ҳисобга олиш тамойиллари асосида изчил ҳамкорлик қилишга интилмоқдамиз.

Ўзбекистонда Россиянинг бутун дунё эътироф этган «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти компанияси билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантиришга, умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган, 35 йилга мўлжалланган кўшма дастурни тўлиқ ҳажмда амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, 2007 йилда «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ўртасида маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида Қандим гурухи, Ховузак, Шоди конларини ривожлантириш ва Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси бўйича ишга тушириладиган биринчи комплекс фойдаланишга топширилди.

«ЛУКОЙЛ» ҳал қилувчи ўрин тутадиган халқаро консорциум томонидан Орол дengизи акваториясида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва янги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий қисмидаги Қашқадарё вилояти худудида компаниянгиз томонидан нефть ва газ конлари ўзлаштирила бошлангани катта истиқболга эгадир.

Ишончим комилки, тўпланган ижобий шериклик тажрибаси ва энергетика ресурсларини

ИСЛОМ КАРИМОВ

самарали қидириш ҳамда ўзлаштириш йўлидаги ҳамкорлитимиз Ўзбекистон иқтисодиёти ва компаниянгизни ривожлантиришнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилади.

«ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти Директорлар кенгаши мажлиси қатнашчиларига самарали ишлашларини ва белгиланган режаларни амалга оширишда янада юксак муваффақиятларга эришишларини тилаб қоламан.

Хурмат ва эҳтиром билан,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ИНСОН ҚАДРИ – УЛУФ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР

2008 йил 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдиilar.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошлиларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Бугун мамлакатимизда, барча вилоят ва туманларда эзгу анъана бўлиб қолган Хотира ва қадрлаш кунини ҳалқимиз кенг нишонламоқда, деди Ислом Каримов. Ҳақиқатан ҳам, ҳалқимиз ҳаётида чукур из қолдирган бу сана ҳар қайси уйда, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда доимо катта

хурмат ва эҳтиром билан кутиб олинади. Нега деганда, Ўзбекистон заминида бирорта оила, бирорта хонадон йўқки, унинг тақдири мана шу сана билан боғланмаган бўлса, яъни унинг отабоболари иккинчи жаҳон уруши майдонларида фашизм балосига қарши курашмаган бўлса, ярадор ёки ҳалок бўлмаган бўлса.

Уруш бошланишидан олдин юртимизда яшаган 6,5 миллион аҳолидан 1 миллион 433 мингдан зиёди урушда қатнашган. Жангу жадалларда ҳалок бўлган, бедарак кеттанлар, бир сўз билан айтганда, уруш майдонларидан қайтмаганларни ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг сони 450 минг кишидан ошади.

Ўша пайтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини инобатга олсак, меҳнатга яроқли одамларнинг 55–60 фоизи фронтга сафарбар этилгани, уруш балоси юртимиздаги бирорта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунининг аҳамияти, Хотира, Қадр тушунчаларининг мазмуни, улар моҳияттан чамбарчас боғлиқ эканлигига тўхталар экан, қуийдагиларни баён этди:

Бундан ўн йил олдин биз 9 майга Хотира ва қадрлаш куни, деб ном берганимиз бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно борлигини вақт

Ўтиши билан тобора кенгроқ англајпмиз ва унинг мазмунига теранроқ етяпмиз.

Хотира деганда барчамиз, авваламбор, нимани тушунамиз, нимани ўзимизга тасаввур қилалими?

Аввало, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак хурмат ва эҳтиром қўрсатиш — бу асл миллий қадриятларимизда, анъаналаримизда жуда катта ўрин тутади.

Агар ҳаётга фалсафий кўз билан чуқурроқ қарайдиган бўлсак, хотирасиз яшаб бўлмайди, аслида, хотирасиз келажак йўқ.

Бугун барчамиз Ватанини ҳимоя қилиш учун, бизнинг шу осойишта кунларга етиб келишимиз учун уруш майдонларида қўксини қалқон, жонини фидо этган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиласиз.

Хотира, хотирлаш ҳақида гапирап эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди, деди Юртбошимиз. Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини курбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиқ иссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, мухтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушумиз.

Мамлакатимиз раҳбари инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт эканини, айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ, шу билан бирга, мўътабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осоиишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйгуларини ҳис этиш кишига куч-куват бағишлишини, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлашини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 15,5 мингдан зиёд иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳаёт кечирмоқда. Биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиш зарур, деди Ислом Каримов. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шароитларни яра-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТІСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰЛИДА

тиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Бу олижаноб иш ҳар биримиз учун қундалик инсоний бурчимизга айланиши лозим.

Мана шундай қарашлар, мана шундай түшунчалар ҳақида гапирғанда, илгари айттан бир иборани тақрорлашни ўринли, деб биламан. Савоболи ишларни бажаришга шошилиш, уларни ўз вақтида қилишта улгuriш, одам бу дунёдан ўтганидан кейин эмас, балки ҳаёт пайтида унга хұмат ва әхтиром күрсатиш зарур.

Шу борада қалбимдан чүкүр жой олган яна бир фикрни таъкидламоқчиман, деди Юртбошимиз. Яъни, кексаларимиз, нуроний отахон ва онахонларимиз ҳақида сүз борар экан, уларнинг ҳаёти ғанимат эканини барчамиз ҳеч қачон унуг-маслигимиз даркор.

Ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда шуни уқтириб бермоқдаки, қайси оиласда табаррук кексалар бўлса, шу жойда, албатта, файзу барака, аҳиллик ва тотувлик бўлади. Чунки бу мўътабар зотларни бамисоли хонадонларимиз фариштаси десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шундай экан, бугунги кунда ёнимизда яшаётган, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини биз билан баҳам кўраётган муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг дуосини олиш, уларга энг эзгу ва самимий тилякларимизни билдириш — барчамиз учун катта бир баҳтдир.

Юртбошимиз бу борада Ўзбекистон ёшларидан муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини қайд этар экан, навқирон авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда, уларга замонавий билимни эгаллашлари учун ҳар томонлама қўмаклашиш, фамхўрлик қилишга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ёшларимиз, болаларимиз айни шу кунларда биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, деган фикрларни яна бир бор хаёлидан ўтказиб, шу ҳақда чуқурроқ ўйламоғи лозим, — деди Ислом Каримов.

Ота-боболаримиз бугунги ҳаётимиз учун, юртимизнинг эркин ва озод бўлиши, одамларимизнинг фаровон ва муносаб ҳаёт кечириши учун, халқимизнинг ор-номусини ҳимоялаш, Ватанимизнинг шону шуҳратини юксалтириш учун қандай машаққатли кунларни бошидан кечиргани, шу йўлда жонини фидо этиб, қаҳрамонлик кўрсатгани ёшларимизнинг юрагидан жой топса ва улар ўзига савол берса: ота-боболарим эл-юрт учун ўзини аямасдан, бугунги ва эртанги кунимиз учун шундай катта хизмат қилган бўлса, менинг ҳам бу улуғ ишларга ўз ҳиссамни қўшишга қурбим-кудратим етадими?

Улар бошлаган ишларни давом эттириш, халқимизнинг эзгу мақсадларга етиши учун муно-

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

сиб фарзанд, муносиб ўғлон бўлиб яшашга тайёрманми, деган фикр уларнинг қалбидан, юрагидан яна бир бор ўтадиган бўлса, ўйлайманки, бундай руҳ ва кайфият, ҳеч шубҳасиз, Хотира ва қадрлаш кунининг энг муҳим таъсири бўлиб, катта тарбиявий аҳамият касб этган бўлур эди, деди Президентимиз пировардида. Илоҳим, ёшларимиз онгida, қалбida ёниб турган хотира чироғи ҳеч қачон ўчмасин.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимизда бунёд этилаётган Болалар ижодиёти кўргазма марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ташабbusи билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида мусиқа, рассомлик ва санъатнинг бошқа соҳаларида болаларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларини қўллаб-кувватлаш ва рафтаглантиришга алоҳида зъгибор қаратилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан», «Мехр нури», Ижтимоий ташабbusларни

кўллаб-куватлаш жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти каби фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Дастурда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида иккита Болалар ижодиёти қўргазма маркази ташкил этилиши кўзда тутилган. Президентимиз ташаббуси ва лойиҳаси асосида бунёд этилган ушбу янги марказ шулардан дастлабкисидир.

Давлатимиз раҳбари Болалар ижодиёти қўргазма маркази билан танишар экан, бино атрофидаги яшил майдонга — ландшафт дизайнига алоҳида эътибор қаратди.

Ободонлаштириш, аввало, шаҳарсозликнинг янги усуллари ва услубларини топиш ҳамда кўллаш, демакдир. Биз иқлим шароитимизга мос дизайнларни яратишимиш лозим, деди Юртбoshимиз. Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Янги бинолар қад ростламоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз, фарзандларимиз, келажак авлод учун том маънодаги замонавий қулайликларни яратмоқдамиз.

Президентимиз қурилиш-бунёдкорлик ишларида, барча соҳада бўлгани сингари, узоқни кўзлаб иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Бунёд этаётган иншоотларимиз нафақат бугунги авлодга, балки келажак авлодларга ҳам

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИКТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

асрлар оша хизмат қиласиган даражада мустаҳкам ва муҳташам бўлсин, деди Юртбошимиз. Шу маънода, ҳар бир ватандошимизнинг қалбида қилаётган ишига, касбига, эл-юргита улкан меҳрмуҳаббат жўшиб турмоги лозим. Токи, замондошларимиз бунёд этаётган боқий иншоотлар асрлар давомида баҳтиёр авлодларимизга хизмат қилибгина қолмай, балки уларда ўз аждодларининг нозик диди ва бунёдкорлик салоҳиятидан фахрланиш ва гуурланиш туйғуларини ҳам уйғотсин.

Давлатимиз раҳбари Болалар ижодиёти қўргазма марказида ёш авлоднинг иқтидорини ривожлантириш, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш ва бу соҳада эришган ютуқларини кенг намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини қайд этди. Бу борада мутахассис ва мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Олимпиада арафасида бўлиб ўтаётгани бу анжу-
манга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлаши табиий,
албатта.

Қадрли ўғил-қизларим!

Мен ишонаман, сизларнинг ҳар бирингиз ана
шу мусобақаларни катта ҳаяжон билан кузатадиган
устоз ва мураббийларингиз, ота-оналарингиз, тенг-
дош дўстларингиз, барча спорт муҳлисларининг
ишончини оқлаб, холислик ва адолат руҳида
ўтадиган беллашувларда нималарга қодир эканин-
гизни амалда яққол намоён этасиз.

Бу мусобақалар нафақат спорт майдонларида,
балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшлари-
мизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси
мустаҳкам, эл-юргига садоқатли, Ватан шарафи-
ни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар
этуб тарбиялашга хизмат қиласди.

Иншоollo, бу ўйинлар бўлгуси Олимпиада-
ларда улкан мэрраларга эришишда, мамлакат,
Осиё ва жаҳон чемпиони деган унвонларга
мұяссар бўлишда сизлар учун катта мактаб бўлиб
қолажак.

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод»
спорт ўйинларини юксак даражада ўтказиш учун
муҳташам спорт мажмуаларини барпо эттан қўли
гул қурувчиларга, шу йўлда сидқидилдан хизмат
қилган барча инсонларга, бутун қорақалпоқ элига
самимий миннатдорлик билдираман.

МАМЛАКАТИИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугунги гўзалълик ва нафосат байрами билан сизларни яна бир бор қутлайман. Менинг сизларга қаратилган даъватим: маррани доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шиҷоатли ёшлиаримизники!

Шуни унутмангки, келгусида эрищадиган ҳар бир ғалабангиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Мана шундай юксак ишонч, омад ва зафар, бахту саодат ҳамиша сизларга ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

11

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Авваламбор, сиз, азизларни — матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадрли дўстлар!

Мана, ўн беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйғотиш, унинг дардларига дармон бўлиш гояси билан майдонга чиқиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган ана шундай улуг инсонларнинг эзгу орзу-умидларини рӯёбга чиқариш учун ўтган давр мобайнида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугун биз ана шу машаққатли йўлда қанча-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган,

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИКТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ўзининг истеъоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обру-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номларини хурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, бутун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида гоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни кўймоқда.

Бу ўринда гап, аввало, матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидағи аҳамияти, моҳияти ва таъсирини янада кучайтириш, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътиrozларини билдиришга қодир бўлиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшashi ҳақида бормоқда.

Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарапли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий

позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юргимизга муносиб маслакдош ва сұхбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу ҳақда гапирав эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳаси заҳматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда мусассис ва таҳририятларга фақат расмий ҳужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустақиллик бериш, айниқса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳәётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда мухим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга аён бўлиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун қандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмаслиги керак.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай халос бўлишни, уларнинг янада шизжоат ва қатъият билан фаолият қўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгти ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш, уларнинг жаҳон журналистикасининг илғор тажрибаларини пухта ўзлаштириши учун тараққий топган мамлакатлардаги ҳамкаслари билан алоқаларини кучайтириш, содда қилиб айтганда, ўзаро борди-келдиларни кўпайтириш бўйича тегишли шароит туғдириб бериш ҳам ана шундай муҳим вазифалар қаторига киради.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотларда журналистларимиз уларнинг меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладиган муштариyllар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга бўладилар.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, фурсаатдан фойдаланиб, матбуот соҳасига кўп хизматлари сингтан муҳтарам фахрийларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз хурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бугунги меҳнат фалабангиз — 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан фалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этман.

Меҳнаткаш ва омилкор деҳқонларимизнинг ўз пешона тери билан қўлга киритган, барчани ҳайратда қолдирадиган бундай ютуқ ва марралар, уларнинг авваламбор юқори ҳосилдорликка, яни ўртача 48 центнердан фалла олишга эришганлари ҳақиқатан ҳам ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга арзиди. Айниқса, Андикон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳосилдорлик даражаси 50—60 центнерни ташкил этгани, Оқдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан ва Сариосиё туманларида эса бу кўрсаткич 58—65 центнердан юқори бўлгани алоҳида эътиборга сазовордир.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Деҳқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнглини мамнуният ва қувонч билан тўлдириши табиий, албатта.

Шулар қаторида мамлакатимизда етиштирилган мўл ҳосил натижасида 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ ғалла деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолгани қишлоқ аҳлининг рўзғорига кут-барака бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Ҳеч кимга сир эмас, дон, буғдой эл-юртимизни боқадиган, кўнглимизни тўқ, дастурхонимизни тўкин қиласдиган азиз ва муқаллас неъмат сифатида ҳаётимизда ҳамиша бекиёс ўрин тутиб келади.

Айниқса, бугунги кунда дунё миқёсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз берадиган, буғдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат деҳқонларимиз бунёд этган бу ғалла хирмонининг аҳамияти ва моҳиятини яна бир бор ҳар

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТISODIЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк меҳнатига тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кўзиға тўтиё қилиб яшайди. Нонни мўътабар деб қадрлаш, унинг ушоғини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимиизда миллий қадрият даражасига кўтарилиган, тарихий хотирамиздан чукур жой олган, десак, асло муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Асрлар давомида шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншоолло.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатни униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдириш, фарзандларимизни ҳам нонга, дехқоннинг оғир ва шарафли меҳнатига ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бу йилги галла мавсумини якунлар эканмиз, мана шундай юксак марра ва бекиёс бойлик ниманинг ҳисобидан, қандай машаққатли ва масъулиятли меҳнат туфайли кўлга киритилганини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, эришилган ютуқнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам, бу йил бошимиздан кечирган қийинчиликлар — қишининг ниҳоятда совуқ кел-

гани, қаттиқ қурғоқчилик, дўл ва сел каби оғатлар, турли ҳашарот ва зааркунандаларга қарши кураш — буларнинг барчаси мард ва азму шиҷоатли дехқонларимизнинг иродасини яна бир марта синовдан ўтказди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бутун мамлакатимизнинг бепоён далаларида меҳнат қилаётган, ишнинг негизини биладиган қайси мутахассис, фермер ва миришкор дехқон билан суҳбатда бўлманг, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида эришилган марра ва натижаларнинг замирида аввало соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни изчил жорий эттанимиз мужассам эканини бир овоздан эътироф этади.

Энг асосийси, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ҳисси далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг онгу шуурига чуқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгариб, келажакка ишонч туйғуси кучайиб бораётгани бундай ютуқларга эришишда фоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг қишлоқ хўжалигида тўлиқ фермерлик ҳаракатига ўтганимиз нақадар тўғри бўлганини ҳозирги кунда ҳаётнинг ўзи амалда тасдиқлаб бермоқда. Бутун мамлакатимизни қамраб олган бу ҳаракат ташкилий ва иқтисодий нуқтаи

назардан шаклланиш босқичидан ўтиб, эндилиқда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намоён қилиши долзарб вазифага айланмоқда.

Бугун қишлоқ хўжалиги тараққиётини мана шундай юксак поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутадиган яна бир масала эътиборимизда бўлиши лозим. Яъни, соҳада шартнома муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларига қатъий риоя қилиб, шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — бу нафақат давлат ва давлат идораларининг вазифаси, балки биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг ҳар қайси аъзосининг бурчига айланишини, қонун нормаларига хурмат билан қараш кундалик ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолишини истардим.

Айнан мана шундай муносабатни ҳар томонлама қарор топтириш биз келажакда эришадиган ютуқларнинг гарови ва кафолати бўлиши даркор.

Шу билан бирга, ғалла етиштириш маданиятини янада ошириш, деҳқон-фермерларни зарур моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, юртимизнинг барча минтаقا ва худудларига мос бўлган янги, серҳосил буғдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш, бу борада илм-фан ютуқлари

ИСЛОМ КАРИМОВ

билин омилкор дәҳқонларимизнинг бой тажрибасини уйғунлаштириш каби доимо эътиборимиз марказида бўлиб келаётган ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу хурсандчилик кунда галлакорларимизга, илфор механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бу улкан ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, бутун халқимиз номидан таъзим қиласман.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

СБ

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙӮЛИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишиланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август.	3
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИ- ГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. 2007 йил 31 август.	57
ОЗОД ВА ОБОД ЮОРТ ДУРДОНАСИ. <i>Марғилон</i> шаҳрининг 2000 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқ, 2007 йил 7 сентябрь.	63
ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ САОДАТДИР. <i>Тадбиркорлар ва шибилармонлар харакати —</i> Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV қурул- тойидаги маъруза, 2007 йил 6 ноябрь.	75
ЎЗ ҲАЁТИМИЗНИ ВАТАН ИСТИҚБОЛИ, ФАРОВОН КЕЛАЖАГИ УЧУН БАҒИШЛАБ ЯШАШ ИНСОНИЙ ВА ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗДИР. 110	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТ- ЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ Дастури.	110
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИ- ГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ. 2007 йил ноябрь — декабрь.	122

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЫЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 иллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза, 2007 йил 7 декабрь	143
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. 2007 йил 31 декабрь	171
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2008 йил 11 январь	177
БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЮКСАК МАРРА- ЛАРГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ. Президент лавозимига киришини маросимидаги сўз, 2008 йил 16 январь	186
ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЬМИНЛАШ – БАРЧА ИСЛОХОТ ВА ЎЗГА- РИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожжлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2008 йил 8 февраль	190
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2008 йил 15 февраль	238
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2008 йил 6 март	255

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2008 йил 7 март	276
«ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 2008 йил 12 март	281
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНА- ЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ, 2008 йил 21 март	288
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2008 йил 25 март	293
НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚ, 2008 йил 2 апрель	313
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2008 йил 15 апрель	318
«ЛУКОЙЛ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИ- ЛАРИГА. 2008 йил 24 апрель	336
ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берилган интервью, 2008 йил 9 май	339
«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КАТНАШЧИЛАРИГА. 2008 йил 17 май	348

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТА-	118
ЛАРИ ХОДИМЛАРИГА . 2008 йил 27 июнь	352
ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА.	190
<i>2008 йил 16 июль</i>	<i>357</i>

Ислам Абдуганиевич Каримов

**ПО ПУТИ
МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ
И УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ
ЭКОНОМИКИ**

Том 16

На узбекском языке

Нашр учун масъул К. БЎРОНОВ

Бадиий муҳаррир Ҳ. КУТЛУКОВ

Техник муҳаррир У. КИМ

Мусаҳҳихлар Ш. ОРИПОВА, М. РАҲИМБЕКОВА

Компьютерда тайёровчи Б. ДУШАНОВА

Босишига руҳсат этилди 12.08.08. Қоғоз формати 84×108^{1/32}.
Таймс гарнитурала офсет усулида босилди. Шартли б.т. 19,32.
Нашр т. 11,24. Тиражи 10000. Буюртма №. 08-174.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.